R 496
1983/6

ГУЛИСТОН

6
1983

Косонсой районидаги «Косонсой» совхозининг теплица хўжалиги ишчиси Муаззам Бобохонова фидокорона меҳнати билан ўз касбдошларига ибрат бўлмоқда.

А. Жданов фотоси

Республикамиз чорвадорлари етиштираётган кўк «шерозий» қоракўл териси дунёга машҳур.

Г. Зельма фотоси

Фан — ишлаб чиқаришга

МЎЛ-КЎЛЧИЛИК УЧУН

Шавкат АҚМАЛХОНОВ,
Ўзбекистон Чорвачилик илмий-текшириш институти директори, ВАСХНИЛ мухбир аъзоси

ГБ УзССР Ж

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил Май пленуми қабул қилган Озиқ-овқат программаси ва 1982 йил Ноябрь пленумининг қарорлари чорвадорлар олдига аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига эҳтиёжини тўлароқ қондириш вазифасини қўйди. Бу масъулиятли ва мураккаб вазифадир. Ҳозирги пайтда республикамизда ҳам чорвачилик маҳсулотлари аҳоли жон бошига илмий асосланган нормадан анча паст миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Масалан, 1981 йилда бу кўрсаткич: гўшт 26,3 килограмм, сут 31,3 килограмм ва тухум 33,6 процентдан иборат бўлди. Аҳолини гўшт, сут маҳсулотлари билан, ҳатто тухум билан таъминлаш учун бошқа республикалардан ва умумиттифоқ фондидан маҳсулотлар келтирилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX Пленумида КПСС Марказий Комитети Май ва Ноябрь (1982 й.) пленумлари қарорларини бажариш ва республикада чорвачиликни янада ривожлантириш борасида конкрет чора-тадбирлар белгиланди: беш йилликнинг охирига бориб гўшт, сут ва тухум ишлаб чиқаришни 1,4—1,5 марта ошириш вазифа қилиб қўйилди.

Мавжуд имконият ва резервлардан тўлиқ фойдаланилганда, чорвачиликда илғор тажриба ва фан ютуқлари кенг жорий қилингандагина белгиланган вазифаларни бажариш мумкин.

Институтимиз ижодий коллективи бутун диққат-эътиборини илмий изланишларнинг бош йўналиши — Озиқ-овқат программасини ҳал қилишга қаратди. Институтимизда жамланган илмий маълумотлар қисқа вақт ичида қишлоқ хўжалик идоралари ва ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимига қарашли илмий-текшириш институтлари билан биргаликда чорвачилик ишини илмий асосда юритиш зонал системасини республикамизнинг ҳамма областлари учун 1990 йилгача ишлаб чиқиш имкониятини берди. Бу система ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида муваффақиятли жорий қилинмоқда.

Институтимизнинг «Красный водопад» ва «Бахмал» ишлаб чиқариш-тажриба хўжалигида илмий ишлаб чиқариш самарадорлиги анча юқори бўлди ва шартли равишда 267,7 ва 405 минг сўмни ташкил қилди. Хўш, бу рақамларнинг моҳияти нимада? Фактларга мурожаат қиламиз. Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил Июль ва 1982 йил Май пленумларида асосий эътибор чорвачиликнинг тез етилувчан тармоқларига — тухум ва парранда гўшти етиштиришга қаратилган эди. Бу қисқа вақт ичида иқтисодий-техник ва илмий асосда кўп ҳажмда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш имконини яратади. Ҳозирги пайтда республикамизда саноат асосидаги ўттиз олтита йирик паррандачилик корхоналари ишлаб турибди. Ҳозир ҳар бир областда бройлер типидаги паррандачилик фабрикалари қурилган ва қурилаётир.

Бройлерларни ёз пайтида ўстиришда йилнинг 7—9 ойи мобайнида, яъни ҳаво иссиқ пайтларда енгил айвонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай шароитда паррандалар сони уч мартадан кам бўлмаган ҳолда ўзгариши мумкин ҳамда олинган вазн ҳисобига электр энергия анча кам сарфланади. Икки йил давомида Андижон бирлашмасида бундай технология асосида қўшимча равишда боқилган 696 минг бройлердан 10 минг 136 центнер тирик вазн олинди. Уларни сотишдан олинган соф фойда 614 минг сўмни, рентабеллик даражаси эса 72 процентни ташкил этди. Ҳозирги пайтда бундай технология республикамизнинг бошқа бройлер паррандачилик фабрикаларида ҳам жорий қилинмоқда.

Институтимиз илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тўхтовсиз жорий қилиб келмоқда. Мисол учун сут чорвачилигини олинг. Институтимиз олимлари Ўзбекистон қора-ола зот қорамолини зонал типга айлантириш учун озмунча куч сарф қилмадилар. «Чиноз», «Красний водопад» давлат наслчилик заводларида, «Политотдел», «УзССР 50 йиллиги» колхозлари наслчилик фермаларида олимлардан Э. Карчевский ва А. Решетов ўртоқлар бир неча йилдан буён турли генотипдаги қора-ола зот сигирларининг фойдали хусусиятларини ўрганмоқдалар. Бу тадқиқот ишлари натижасида қора-ола зот молларнинг иккита янги, юқори маҳсулдор завод линияси яратилди. Бу линияга мансуб сигирларнинг мавсумий сут маҳсулдорлиги 5—7 минг килограммни ва ёғдорлиги 4 процентни ташкил этади.

Тошкент областининг сут-товар фермаларида янги «Сама-Виске» ва «Рейнок» линияларига тааллуқли ғунажин ва сигирлар сони 20 минг бошдан ошиб кетди. Бу эса йилига 100 минг килограммдан кўп сут олиш имконини бермоқда.

Бошқа бир мисол. Қора-ола зот сигирларнинг сут маҳсулдорлигини ошириш учун гоштин-фриз зот молларнинг генетик потенциалидан фойдаланиш яхши натижа берди. Шуниси характерлики, бу борадаги тажриба бевосита ишлаб чиқаришда — Мирзачўлнинг «Малик» совхозида бошланди. Бу ерда биринчи туғим сигирларнинг сут маҳсулдорлигини 10—15 процентга ошириш имкони юзага чиқди. Ҳозирги пайтда республикамизда бундай зот буқаларнинг қони қуйилган сигирлар сони 6 минг 800 тадан ортиқдир. Буларнинг сут маҳсулдорлиги биринчи соғимдаёқ 3 минг 800 килограммни, ёғдорлиги эса 3,5 процентни ташкил этмоқда.

Самарқанд областининг учта хўжалигида «қизилчўл» ва унга қариндош бўлган зотдаги сигирларни қора-ола зот буқалар билан қон сингдириш йўли билан чатиштирилмоқда. Биринчи бўғин сигирларнинг сут маҳсулдорлиги 2 минг 968 килограмм, сутнинг ёғдорлиги 3,8 процент ва тирик оғирлиги 421 килограммни ташкил этди.

Мамлакатимиз Озиқ-овқат программасининг бош йўналиши — чорвачиликка тааллуқли бўлган соҳани ривожлантириш учун республикамизнинг барча табиий-иқлим шароитидаги зоналарда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни потенциал равишда ҳал қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шунга мувофиқ, саҳро зоналарида қўйчиликнинг қоракўлчилик тармоғини, суғориладиган зоналарда эса сутбоп чорвачиликни, яйловлари яхшиланаётган тоғолди зоналарида гўштдор қорамолчилик ва гўшт-жун йўналишдаги қўйчиликни, тоғ зоналарида эса гўшт-сут йилқичилигини ва асаларичиликни ривожлантирмоқ лозим. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, республикамизнинг асосий экини ҳисобланган пахта билан банд бўлмаган ҳар бир қарич ер чорвачилик оборотига киритилмоқда.

Кейинги йилларда партия ва ҳукуматимиз чорвачиликда ихтисослаштирилган гўштдор қорамолчиликни ривожлантиришни кечиктириб бўлмайдиган вазифа қилиб қўйди. Институтимиз олимлари ўзларининг ҳам назарий, ҳам амалий билимларини шу масалаларни ҳал қилишга қаратмоқдалар.

Ўзбекистон Чорвачилик илмий-текшириш институтининг «Бахмал» тажриба хўжалигида зотдор қорамолларни муваффақиятли иқлимлаштириш Ўрта Осиёда қорамолларнинг ихтисослаштирилган гўштдор типини яратиш учун асосий туртки бўлди. Ҳолбуки, бу регионда чорвачилик тарихида бундай ишлар қилинмаган эди.

Шу ишларнинг натижаси ўлароқ, шу даврга келиб «Бахмал» қўтослари деб аталадиган 3 минг 740 бош дурагайлардан иборат тажриба подалари яратилди. Маҳаллий зебусимон моллар билан зотли моллардан олинган дурагайларнинг гўшт маҳсулдорлигини ўрганиш устида ҳам изланилмоқда. Ҳозирги пайтда бундай дурагайлар сони 30 минг бошдан ошиб кетди. Бўрдоқига боқилган дурагай буқачалар бир ярим ёшдаёқ 420 килограмм тош босмоқда. Дурагайларни бўрдоқига боқишда қиммат турадиган капитал бинолар қуришга ҳожат йўқ, фақатгина енгил айвон ва яйратиш жойлари бўлса бас. Улар тоғ ва тоғолди яйловларида суткасига 800—900 граммдан семирмоқда.

Фан ютуқлари озуқа ишлаб чиқаришда ҳам кенг жорий этилмоқда. Масалан, институтимизда охирги йилларда бир қанча озуқабоп оқжўхорининг янги навлари яратилди. Улар орасида поясининг шарбатида 20 процентдан зиёд қанд моддаси бўлган ва гектарига 70 центнердан дон берадиган ёки бўлмаса икки-уч ўримда 700—800 центнер кўк масса олинадиган навлар мавжуддир. Жўхорининг бу навлари республикамизнинг тупроқ шўрланиши эҳтимоли бўлган майдонларга силос учун экилаётир.

Умуман, ширали экинлар ассортименти кенгаймоқда. Республикамизда шу кунларда институтимизда яратилган «Ўзбекистон ярим қанд» лавлаги нави кенг қўлланилмоқда. Ўтган йили конкурс синовидан ўтказилган янги «Шарқ» хашаки лавлаги навининг ҳосилдорлиги 920 центнерга етди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленумида таъкидланганидек, озуқа ишлаб чиқаришдаги асосий вазифа суғориладиган ҳар бир гектар экин майдонидан 10 минг озуқа бирлигида ҳосил олишдан иборатдир. Шу нарса маълум бўлдики, бундай озуқа миқдорини нафақат экин майдонларидан, ҳатто суғориладиган яйловлардан ҳам олиш мумкин. Бундай майдонларга экилган дуккакли, аралаш экинлардан 876 центнердан кўк масса олинди. Бу ҳар гектардан 18 минг озуқа бирлиги демакдир.

Республикада асосий эътибор ташкил қилинаётган сўқимбоп қорамолчиликка қаратилган. Институтимиз ходимлари ишлаб чиқариши механизмлашган бўрдоқига боқиш майдончаларида ёш молларни жадал ўстириш ва бўрдоқига боқиш технологиясини жорий қилдилар. Енгил типдаги уч деворли очиқ майдончаларда бир мол ўрнига кетган ҳаражат 90—100 сўмни ташкил қилади. Бу капитал типда қурилган биноларга қараганда 4—6 марта арзондир.

Бўрдоқига боқиладиган ёш молларни йил давомида капитал типдаги биноларда сақламасдан боқиш имкониятларини ўрганиш мақсадида институтнинг «Красний водопад» тажриба хўжалигида енгил типдаги айвонли очиқ майдончалар қурилган ҳамда турли зот ва дурагайларни бўрдоқига боқиш ва ўстириш технологиясига амал қилинмоқда. Қиш дав-

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 6 (400)
Июнь
1983

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

Инв. №

УСТОЗ ИШЧИЛАР

АНДИЖОН Ирригация-машинасозлик корхонасида ишлаб чиқарилаётган ер текислаш, ариқ-зовур қазиш машиналари, дизель ва насослар, универсаль юклагичлар, вентиляторлар ва бошқа агрегатлар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Май ва Ноябрь (1982 йил) пленумлари қарорларини ҳаётга изчил татбиқ қилаётган машинасозлар қишлоқ хўжалигига янада пишиқ-пухта, такомиллашган техника етказиб бериш юзасидан ўз зиммаларига юксак масъулият олганлар. Улар москваликлар ташаббусига қўшилиб, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш асосида юксак унумдорликка эришмоқдалар.

Бундан қирқ йил муқаддам мазкур корхона кичик устахонадан иборат бўлиб, «Автотрактордеталь» номи билан аталар ва унда асосан қишлоқ хўжалик машиналари учун эҳтиёт қисмлар тайёрланар эди.

1957 йилдан бошлаб заводда мамлакатимиздаги ирригация қурилишлари учун бульдозер ва скреперлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу хил ер қазиш машиналарига талаб орта бориши туфайли корхонада янги ишлаб чиқариш корпуслари қад кўтарди, цехлар янги дастгоҳлар билан таъминланди. Ишлаб чиқариш муттасил такомиллаштириб борилди. Натижада ўнинчи беш йилликнинг ўзида 125 ишчи-куни тежалди. Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар салмоғи 42 процентга етди.

Корхона қошидаги лойиҳалаш-конструкторлик бюроси ходимлари кейинги йилларда мамлакатимиздаги бир қатор етакчи илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш учун янги лойиҳа яратдилар. Бу лойиҳа асосида қуюв ишлари бўйича комплекс механизмлашган участка ишга туширилди. Янги технология ишлаб чиқаришнинг энг тиғиз участкасида меҳнат унумдорлигини бир неча марта ошириш имконини берди. Энди участкада қўйилган деталларга қўшимча ишлов бериш ташвиши йўқолди.

Бугунги кунда корхонада етти хил фильтрнинг бештаси, 10 хил гидроцилиндрнинг эттитаси Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда. Ер текислаш, канал қазиш ва каналларнинг қирғоқларини бетонлаштиришга мосланган машиналарнинг иш унуми ва сифати ирригатор-мелиораторларга жуда қўл келмоқда. Бундай қулай механизмлар ноқоратупроқ ерларни ўзлаштирувчиларга кўплаб жўнатилмоқда. Корхона маҳсулотлари йигирмадан ортиқ хорижий мамлакатга экспорт қилинаётир.

Завод коллективи ўн биринчи беш йилликнинг икки йиллик план-топшириқларини муваффақиятли бажарди. Шу давр ичида 20 миллион сўмликдан зиёдроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди. 1982 йилнинг ўзидагина пландан ташқари 150 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу муваффақиятлар 18 миллат вакилларидан ташкил топган интернационал коллектив меҳнатининг самарасидир.

Завод ишчилари бу йил янада юксак марраларни кўзлаб ишламоқдалар. Ҳар бир бригадада, участка ва цехда намунали интизом ва юксак меҳнат самарадорлигига эришиш юзасидан қизғин мусобақа давом этмоқда. Мусобақада «Коммунистик меҳнат коллективи» номини зарбдор иш билан оқлаб келаётган металл конструкциялар ва пайвандлаш цехи ҳамда Орифжон Асронов, Ҳамлет Сагиянц, Энвер Челенгиров, Василий Глебов, Тожиддин Ғиёсов, Владимир Скотц етакчилигидаги бригадаларнинг ишчилари пешқадамлик қилмоқдалар. Мусобақа мунтазам суратда ҳар ойнинг охирида якунланиб, илғорлар кўчма вимпел ва пул мукофотлари билан тақдирланмоқда. Шунингдек, меҳнат интизоми ва тартиб бузувчиларни ҳар бир коллективнинг ўзи қаттиқ тергамоқда. Бу эса ишлаб чиқариш планларининг мунтазам бажарилишида муҳим омил бўлаётир.

Корхона цехларида ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, янги техника ва технологияни жорий этиш, хусусан, пайвандлаш ишларидаги механизация даражасини 53 процентга етказиш мўлжалланмоқда. Заводда бу соҳанинг моҳир усталари талайгина. Масалан, қирқ йилдан бери пайвандчи бўлиб ишлаётган Энвер Челенгиров оддий деталларни бир-бирига пайвандлаб, ажойиб мосламалар ясайди. 1980 йили у пайвандлаган деталлар намунаси Москвадаги Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг бронза медали ҳамда дипломига сазовор бўлди. Энвер ака мураббийлик ҳаракатининг ҳам ташаббускорларидан. Ўтган йиллар давомида у элликдан ортиқ шогирд тайёрлади. Сирожиддин Ҳожиматов ва Константин

БЕШ ЙИЛЛИК РЕЖАЛАРИ АМАЛДА

Зотов сингари илғор ишчилар унинг муносиб шогирдларидир.

— Шогирдсиз устоз — мевасиз дарахт,— дейди Энвер ака.— Бу жиҳатдан ҳам омадлиман. Чунки киши ўз меҳнатининг самарасини кўриб қувонишдан ортиқ бахт борми?

Николай Михайлович Анашкин ҳам заводга Энвер акага ўхшаб меҳнати синганлардан. Ўттиз саккиз йилдирки, Николай Михайлович ғайрат кўрсатиб ишлаяпти. 1972 йили унинг пенсия ёшига етиши муносабати билан тантанали маросим бўлди. Шунда у:

— Иззат-икром учун коллективимизга минг раҳмат,— деди тўлқинланиб.— Лекин мен ишда қолиш, қурбим етганича корхона ютуғига ҳисса қўшиш истагидаман. Агар сизлар...

— Биз ҳам ҳали сизга жавоб бермоқчи эмасмиз,— деди корхонанинг ўша вақтдаги бош инженери Александр Киселев.— Сиздек тажрибали слесарь, устоз биз учун керак.

— Ўзим учун анча-мунча иш қилдим,— дейди у Ғалаба байрами арафасида берган саволимизга жавобан. Энди фронтда ҳалок бўлган 316 нафар қуролдош дўстим учун ишлаяпман. Негаки, бугунги бахтимизда уларнинг муносиб ҳиссалари бор...

Механика-йиғув цехининг илғор бригада бошлиғи Ҳамлет Сагиянц ҳам заводнинг эътиборли кишиларидан. У доим барвақт келиб, бригадага биркитилган барча дастгоҳларни бошқалар ишга келгунча созлаб тахт қилиб қўяди. Ишларни ҳар бир ишчининг малакаси ва маҳоратига қараб тақсимлайди. У бу фазилатларини йиллар давомида шогирдларига ҳам сингдирмоқда. Шу боисдан у бошлиқ бригада токарлари смена топшириқларини доим ошириб бажарадилар.

— Шогирд бамисоли ёш ниҳолга ўхшайди,— дейди Ҳамлет ака. Қуёш қайси томондан нур сочса, ниҳол ўша томонга эгилади. Шогирд ҳақида дастлабки иш куниданоқ меҳрибонлик билан ғамхўрлик қилиш лозим. Яхшилаб тушунтирсанг, хатосини ўз вақтида кўрсатсанг, шогирд тез орада кўникма ҳосил қилади. Шогирдга иш ўргатишдан олдин энг аввало унинг ўзини ўрганиш лозим. Шундан кейингина унда меҳнатга, ишлаётган корхонасига меҳр уйғотиш мумкин.

Ҳамлет Сагиянц ўз меҳнат фаолияти давомида ана шу йўл билан ўттиздан ортиқ малакали токарь етиштирди. Шогирдларининг аксарияти ўзи билан бирга ишламоқда.

Яқинда унинг ҳарбий хизматдаги шогирдидан хат келди: «Салом, Ҳамлет ака! Интизомли бўлиш — кишининг фазилати эканлигини шу ерда чуқур ҳис қилаяпман. Менда шу хусусиятни шакллантирганингиз учун сиздан бир умр миннатдорман. Ҳурмат билан, шогирдингиз Обиджон Акрамов».

Халқ хўжалигимизни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган бундай олийҳиммат кишилар заводнинг фахри. Улар тайёрлаётган қудратли «Д-716», «ДЗ-602» маркали канал қазиш ва ер текислаш машиналари, фильтрлар, автоцистерналар буюртмачиларга тўхтовсиз жўнатилиб турибди. Корхона цехларида «М-16» ва «ДЗ-602А» маркали янги, юқори унумли машиналарни ишлаб чиқариш устида жиддий тайёргарлик бораётир. Бунда устоз ишчиларнинг ибрати муҳим аҳамият касб этаётир.

Маҳмуджон НОРХЎЖАЕВ,
Бекмирза МАДРАҲИМОВ



Бухоро областидаги Қоровулбозор канали.

Р. Остонов фотоси

рида беш-саккиз ойлик буқачалар сутка давомида очиқ майдончаларда сақланади. Бу даврда уларнинг қўшимча вазни йилнинг энг совуқ пайтида 700—900 граммни, энг иссиқ пайтида эса 700—1023 граммни ташкил қилди. Буқачалар 16—18 ойлигида гўштга топширилганда тирик вазни 430—550 килограмм бўлди. Бу технология яқин йилларда республикамизнинг бошқа зоналарида ҳам кенг қўллана бошлади.

Ҳозирги пайтда, сўқим зот ва дурагайлар подасини кенгайтиришга мўлжалланган 1 минг 600 бошга лойиқ ихтисослаштирилган комплекслар қурилмоқда.

Маълумки, Ўрта Осиё халқлари миллий таомида қўй гўшти алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун партия ва ҳукуматимиз қарорларида, шунингдек, олимларимизнинг илмий ишларида бу соҳани ривожлантиришга муҳим эътибор берилмоқда. Бизнинг шароитимизда қўйчиликни жадал ривожлантириш катта аҳамиятга молликдир. Бунда бир вақтда биз икки муҳим вазифани — қўй гўшти ишлаб чиқариш ва тўқимачилик саноати учун жун ишлаб чиқаришни ҳал қилган бўламиз. Ўтган йилнинг баҳорида ўтказилган текширишлардан шу нарса маълум бўлдики, гўштжунбоп типдаги қўйлар сони 200 мингдан ортиқ. Бу, зотга оид линияларнинг тўлиқ шаклланганини кўрсатмоқда.

Институтимиз селекцияси билан яратилган гўштжун берувчи қўйлар тез етилувчанлиги билан ажралиб туради. Январда туғилган қўзичоқларнинг тирик оғирлиги ноябрь ойига келиб 45—47 килограммни ташкил этади. Қўчқорчаларни қишловга олиб қолмасдан гўштга топшириш мумкин.

Гиламбоп жун берувчи ҳисори қўйларнинг зотини яхшилаш борасида ҳам селекция ишлари муваффақиятли олиб борилмоқда. Чорвачиликни муттасил ва жадал ривожлантириш учун эрта қўзилатишни йўлга қўйиш, отарларни йириклаштириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни саноат негизида ташкил этиш, қўшимча озуқа сифатида донадор ва брикет озиқликлардан кенг фойдаланиш ҳамда чорва молларини керакли бинолар билан таъминлаш вазифаларини умумий куч билан тезроқ ҳал қилишимиз лозим.

ФИДОКОРЛАР

замондошларимиз

Тўлқин РУСТАМОВ

Ёмғир икки кеча-кундуз муттасил қуйди. Ҳаммаёқ шилт-шилт. Тракторлар, машиналар юраверибатала қилиб ташланган дала йўлида қўлтиқтаёқли бир одам лой кечиб боряпти. Бир оёғи тиззадан пасти йўқ, липпага қистириб қўйган шимининг почаси лойга тегайтегай деб осилиб турипти. У ўнг қулидаги қўлтиқтаёққа ва чап қўлидаги ҳассага таяниб, оёғини зарб билан лойдан тортиб олар, сўнг қўлтиқтаёғига зўр берарди. Изғирин бутун танни ачитиб хуруж қилади. Яғриндор елкалари, йўғон бўйини, пахтали нимча тагидан бўртиб турган полвон мускуллари унинг қуввати тўла йигит эканидан далолат бериб турарди.

У шу зайлда бир километрча йўл юриб, зовур ёнида тўхтади. Тонг анча ёришиб қолганди. Зовурда сув лим-лим. Унинг бутун хаёли зовур нариёғида — пайкаллардаги ниҳолларда эди. Ахир, бу ёғинлар ҳаммаёқнинг титиғини чиқариб юбордику! Ғўза ниҳолларининг ҳоли не бўлди?

...Шу ерда тахта кўприк бормиди, деди у ўзига ўзи ва қўлтиқтаёғи билан сув кўмган кўприкни тимирскилаб топди. Соғ оёғи билан олға бир қадам ташлади, сўнг қўлтиқ таёқни тахта кўприк устига қўйиб, яна олдинга бир қадам ташлади. Шу топда хотинининг «Зовурдан қандай қилиб ўтасиз? Ўғлимизни уйғотай, бирга борсин», деганида жаҳли чиқиб: «Иккинчи қўлтиқтаёқнинг кераги йўқ!» деб жеркигани сўнгра: «Қўй, ухласин, у икки кундан бери елиб-югуриб жуда ҳолдан тойган, дам олсин», деган хаёлидан ўтди. Аслида унинг ўзи ҳам сўнгги кунларда мириқиб ухлагани йўқ. Бу ҳолатни уйдагилардан сир сақлаш, уларни безовта қилмаслик учун кўзларини чирт юмиб ётарди-ю, лекин нуқул сергак тортиб ташқарига, ёғинга қулоқ осарди, ташвишли фикрлар хаёлини чулғаб олиб, ғашига тегарди: «Яна қайта экамизми? Вақт ўтиб кетяпти. Қилинган шунча меҳнат, харажат зое кетадими?»

Бир нарса Ансарни дилсиёҳ қиларди. Ўтган куни ғўза ниҳолларини табиат офатидан қутқариб қолиш устида жиддий суҳбат бўлган эди. Шунда бир калтабин «ҳамма иш расво бўлди, энди минг урингани билан ғўзапоядан бўлак ҳеч нима ололмайсан, қайта экишнинг ҳам фойдаси бўлмайди», деб юрагига ғулғула солганди. Бошқалар ҳам унинг бу гапига индамай қўя қолишди.

Бунинг устига райондан келган агрономнинг дағдағаси ошиб тушди. У отдан тушмай ўдағайлаб кетди:

— Бу қартани дарров бузиб қайта экинг демабмидим?

— Бу қартанинг ниҳоллари тирик-тетик, бузишга ҳожат йўқ.

— Сафсатани йиғиштиринг! Кўрмаяпсизми, ниҳолларни?

— Ҳой, ука, шошманг. Аввало қайта экадиган вақт ўтиб кетди, иккинчидан, бу қартанинг шарт-шароитини ўзимиз биламиз. Кўм-кўк бўлиб турипти-ку! Ахир, бу жониворларни жувонмарг қилиш жиноят-ку!— деди Ансар ўшанда. Агроном эса «қайсарлик қилсангиз, акт ёзиб райкомга бераман», деб жўнаб кетди.

Ўшандан кейин яна бир жала қуйди. Энди Ансар Оғалиевнинг ташвиши ортган эди. Шу боис ҳозир зудлик билан йўлга отланганди.

У бир амаллаб нариги қирғоққа ўтиб олди-да дўнгликдаги чайладан атрофга анчагача тикилиб турди: эгатлар сувга тўла, ғўза ниҳоллари лойга қапишиб ётипти. Ансар зовур ёқалаб қартани кўздан кечирди. Сув ҳали-бери ерга сингиб кета қолмас, сувни зовурга оқизмоқ керак. Чайладаги кетмонни олиб бир неча эгатларнинг сувини зовурга оқиза бошлади. Етиб, ёпишиб қолган ниҳолларни худди фарзандидай кўтариб, силаб-сийпар, аста авайлаб тиккайтирарди. У шу топда иши унадими-йўқми буни ўйламас, ғўзага, пахтага меҳри-муҳаббат аланғаси билан ёниб турган қалби амригаитоат қилар эди. Пайкалга кириб бўлсайди, у ҳар туп ниҳолни битталаб тиклаган бўларди.

Ансар зовур ёқасидаги тўнкада жунжикиб, қимир этмай ўтирарди. Одамлар бирин-кетин ишга кела бошлади. «Ие, Ансар оға? Ахир, бизлар уйда эдик-ку, нега хабар бермадингиз?»— деди ишга келганлардан бири.

Ансар одатича жилмайиб қўйди.

— Келганларинг яхши бўлди. Қани барча эгатлардаги ғўза ниҳолларининг ҳолатини аниқлаб чиқайлик. Сўнг маслаҳатлашамиз.

Одамлар белигача усти-боши лой, ивиб кетган Ансар оғанинг оқариб-бўзарган рангини кўриб ташвишга тушишди.

Суратда: ака-ука Ансар ва Жаббор Оғалиевлар.

— Ана от, сиз тез уйга боринг, бу ёғини ўзимиз қиламиз,— деди кимдир.

— Мен сизлар билан бўламан. Ҳамма ишни ўз кўзим билан кўрмасам, кўнглим жойига тушмайди. Эрта-индин правление, парткомда бу масала муҳокама қилинади. Унда кўриладиган тадбирларни мендан талаб қиладилар

Бундай машаққатли «операциялар» сўнгги йилларда бир неча марта такрорланди. Лекин Ансар Оғалиев бригадасининг азамат аъзолари ҳар гал табиат ҳуружига ўз сабот-матонатларини, куч-ғайратларини қарши қўя билдилар.

Улар ўшанда чошгоҳгача ҳамма пайкалларни синчиклаб текширдилар, ниҳоллари қаттиқ зарарланган ва кам шикастланган қарталарни аниқладилар. Қайси пайкалга қанақа ишлов бериш, ўғит солиш, қатқалоқни йўқотиш ҳақида фикрлашиб олдилар.

Ансар Оғалиев ҳовлига қайтганида фарзандлари аллақачон ишга кетишган эди. Бу оиланинг каттакичик ёшлари ҳам ҳақиқий чўлқувар, меҳнаткаш. Улар ҳам отасига ўхшаб ақл-идрокни меҳнатга бағишлашга одатланганлар. Мана бугун ҳам офтоб ҳали кўтарилмасдан ҳаммаси ишга кетипти.

Ансар тоби қочиб, бир неча кун ётиб қолди. Докторлар ташқарига чиқишни унга тақиқлаб қўйишди. Эҳ-е, осмон-фалак чарақлаб очилиб, қуёш заррин найзаларини сочиб турганда уни уйда тутиб бўлармиди? Учинчи куни далага жўнаганини хотини Нафисахон ҳам билмай қолди... Дала, пайкаллар Ансарнинг қалбини чароғон этиб юборди. Ниҳоллар дуркун, кўм-кўк! Ҳамма ерда, ўша катта қартадаям... Лекин оёғининг болдири шишиб-кўкариб кетганини тушга яқин далада сезди. Кўзига ғўза ниҳолларидан бўлак ҳеч нима кўринмай эгатма-эгат оралаб юрганида бирдан соғ оёғининг томирлари таранг тортишиб қолди Қўлтиқтаёғига таяниб, оёғини кўтармоқчи бўлди. Оёғи қимир этмади. Энгашиб сон-болдирини бир неча дақиқа уқалади. Бўлмади. Ажаб, илгарилари шундай қилса тортилгани ёзилиб кетаверарди. У зардаюзарб билан олдинга ташланиб, оёғини судради. Оёқда жон йўқ, бамисоли кесак! Хаёлидан аллақандай вахмали фикр ўтди.

Ансар Оғалиев яна бир неча кун ётиб олди. Врачлар ундан хабар олиб турдилар.

Ўшанда ҳарорати ҳийла пасайиб Ансар Оғалиев ўзига келган, бироқ оғриқ азоби ҳамон жонидан безор этаётган кунлардан бирида карвати устида кўзларини лўқ этиб ўтирган врач:— касални жуда ўтказиб юборган экансиз, авжини ҳеч тўхтата олмаяпмиз, ҳаётингиз учун хавф туғдиряпти,— деди ва буёғига тили бормаётгандай, жимиб қолди. Сўнг зўраки ун чиқариб, бўғиқ овозда давом этди: Ҳеч илож қилолмаяпмиз, кесиб ташлашга қарор қилдик. Бундан бўлак чора йўқ.

Кўксига ханжар бўлиб урилаётган бу сўзларни эшитиб ётган Ансар кўзларини чирт юмди, аллақандай ички куч нидоси билан «увв..!» деб қичқирди ва елкаларини бир силкитиб, оёғини карватдан пастга олди, ўрнидан турди, чидаб бўлмайдиган оғриққа бардош бериб эшик томонга отилди. Нима дейишни, нима қилишни билмай ҳанг-манг бўлган врач бир қадам орқага силжиб, турган жойида қотиб қолган эди шу пайт:— Йўқ! Бу оёқ керак менга, ҳа, жуда керак, ҳали қиладиган ишларим кўп, билдингизми, кўп!

Шу маҳал эшик очилиб, хонага кимлардир кирди. Кўзлари хира тортган Ансар уларни танимади. «Ҳой, Ансар оға, нима бўлди сизга? Шайтонга ҳай беринг»,— деди аллақим. Ансарга бу овоз жудаям таниш эди: ўша катта мажлисда унинг кўнглини тоғ этиб, ҳаммага, ғайрат билан ишлашни, ҳув ана шу чўлоқ Ансар оғадан ўрганинг! деган овоз эди бу. Ансар оға оғир маъюс тортиб карватга ўзини отди.

— Йўқ,— деди ҳалиги овоз,— оёғингизни кесмайдилар, хотиржам бўлинг. Мана аллома докторлар шундай қарорга келишди.

Бу, район партия комитетининг секретари эди. У беморнинг тўшакка сиғмай ётган елкаларини икки қўли билан қучоқлаб силкитди ва «ҳали бу полвон қомат кўп иш беради Мирзачўлда» деб жилмайиб қўйган эди ўшанда... У соғайиб, яна ишга тушиб кетди.

Шундай қилиб, табиат инжиқликларига қарши кураш бу сафар ҳам инсоннинг, деҳқоннинг ғалабаси билан якунланди. Ўша йили «Гулистон» районидаги «Октябрь» колхозининг Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени кавалери Ансар Оғалиев бошлиқ бригада 45 центнердан ҳосил кўтарди. Ҳа, деҳқоннинг заковати, фан-техниканинг ривожи, ака-ука — Ансар ва Жаббор Оғалиевлар каби ишчан коммунистларнинг фидокорлиги табиат хуружларини бартараф қилди

Ансар Оғалиев бошлиқ бригада аъзолари беш йилликнинг учинчи йилида ҳам ғўза парвариши билан боғлиқ барча агротехника тадбирларини намунали уюштириб мўл ҳосил тўпламоқдалар. Шубҳа йўққи, улар бу йил ҳам юксак «оқ олтин» хирмонимизга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози сут-товар фермасининг илғор сут соғувчиси Моҳира Умарова.

В. ПОРТНОВ фотоси

УЙҒУН ЛИРИКАСИ



БАҲОР ЁМҒИРИ

Ёмғир ёғаяпти.. баҳор ёмғири,
Майсалар устидан ялангоёқ чоп!
Сойда очилгандир кўк гунафшалар,
Бор, ахтар, кўкатлар орасидан топ!

Чакканга тақ уни дасталаб олиб
Гул юзингга гуллар ғоят ярашар.
Дунёда тенгги йўқ соҳибжамолсан,
Кўрганлар юзингга тўймай қарашар

Ёмғир суви билан сочларингни юв,
Дейдилар узаяр, қораярмиш соч.
Очилиб кетибсан худди баҳордай,
Кўз тегмасин, эркам, ёмон кўздан қоч!

Она табиатнинг гул қучоғида
Тинчинг, ҳаловатинг бузилмасин ҳеч!
Бизни табиатга маҳкам боғлаган
Ўша олтин занжир узилмасин ҳеч!

Ўзингни баҳорнинг бағрига босиб,
Гул бўлиб, гулларга аралашиб кет!
Дунёда, қойнаҳой, мақсадинг кўпдир,
Бехатар, безавол мақсадингга ет!

Бахтиёр ёшлигим ёдимга тушди
Гуллар қучоғида кўрганда сени.
Мен ҳам майса узра ағанаб, яйрай,
Ўзинг билан бирга олиб кет мени.

Ёмғир ёғаяпти баҳор ёмғири,
Бошингга инжулар сочмоқда баҳор.
Бахтиёр гўзалсан ўйна, кул, қувон,
Сенга қучоғини очмоқда баҳор.

ТИРИКЛАР, УНУТМАНГ МАРҲУМЛАРНИ...

Тириклар, унутманг марҳумларни ҳеч!
Сиз учун жон берган улар урушда!
Улар ўрнак бўлган тирикликда ҳам
Меҳнат, матонатда, юриш-туришда.

У қаҳрамонларнинг нурли сиймоси
Кўзимиз ўнгидан ҳеч нари кетмас.
Уларни унутган номард одамлар
Муқаддас ҳаётнинг қадрига етмас!

Ўшалар кўксини қалқон қилишиб
Урушда даф этган бало-қазони.
Шунинг учун бугун олам мунаввар,
Оҳу дод қопламас нурли фазони!

Улар даф этишган жон бериб жангда
Фашизм аталган одамхўрларни.
Ўша қурбонларни эсланг, тириклар,
Кўрганда ердаги сонсиз гўрларни!

Улар ва уларнинг эзгу ишлари
Ҳамон сафимизда, юрагимизда.
Ҳамон порлаб турар шараф нурлари
Улар бу дунёда қолдирган изда.

На вақт, на ҳеч нарса ўчира олмас
Улар қони билан қолдирган изни.
Улар жон берганда урушда, жангда
Балки ўйлагандир сизни ва бизни.

Тириклар, унутманг марҳумларни ҳеч
Сиз учун жон берган улар урушда.
Улардан намуна олайлик доим
Жанггу жадал, меҳнат, юриш-туришда!

БАЪЗАН УЙҚУ ҚОЧАР...

Баъзан уйқу қочар, дунёнинг
Тақдирини, бахтини ўйлаб...
Атом урушининг ваҳмаси
Кезиб юрар қитъалар бўйлаб.

Ухлаб бўладими, жаҳоннинг
Уйқуси, тинчлиги бузилса?

Ухлаб бўлмас, қирғин туфайли
Гўдакларнинг жони узилса!

Олиб қочар кўздан уйқуни
Сальвадорда тўкилган қонлар.
Уйқу бермас, ташвишга солар,
Ливандаги қадсиз қурбонлар.

Юз бериши мумкин ҳалокат
Уйқу чоғи, қутилмаганда.
Ҳеч босмасин ғафлат уйқуси,
Ҳушёрликни қилмангиз канда!

Чет эл радиоси, газеталардан
Шум хабарлар тарқалиб турар.
Самолётлар бомба юклаган,
Куррамизни айланиб юрар.

Пайт пойлайди, баҳона излар
Ёвуз душман уруш бошлашга.
У уринар: ҳаёт, тарихни
Орқага чегариб ташлашга.

Бу бир хаёл, шаксиз, хом хаёл,
Аммо, душман қайтмас йўлидан.
Йўқ қилмасдан аввал Куррани
Маҳкам ушланг ёвуз қўлидан!

Уйқу келмас кўзларга баъзан,
Она Ернинг тақдирин ўйлаб.
Қандай яхши: тинчликсеварлар
Ҳушёр турар қитъалар бўйлаб...

БАҲОРИЙ ҲИСЛАР...

Ариқ бўйларига ялпиз чиқибди,
Димоғни ёргудек ўткирдир ҳиди.
Яна аллақандай хуш бўй тарқалди
Қўшни боғда жийда гуллаганмиди?.

Баҳор келганидан хабар беради
Дунёни муаттар айлаган ислар.
Яна эсон-омон баҳорга етдик,
Юракда жўш урар баҳорий ҳислар.

Баҳорнинг жозиба, мўъжизаси кўп,
Баҳорда гул унар қора тупроқдан.
Баҳорнинг ҳуснига сеҳрлангандай
Қушлар учиб келар йироқ-йироқдан.

Қушлар гулбаҳорнинг дилбар қўйнида
Ҳаёт ишқи билан маст бўлиб сайрар.

Жамики яшашга қодир мавжудот
Баҳорда яшарар, баҳорда яйрар.

Аста ўтиб борар ғанимат дамлар,
Ҳар дамнинг қадрига етмаклик даркор.

Дамлар мазмунини тушуна олсанг,
Ҳар дамнинг ўзгача фазилати бор.

Ёмон одатларни орқада қолдир,
Яхши фазилатдан фойдаланиб қол.
Дунёда шундай бир из қолдиргинки,
Узоқ-узоқлардан кўринсин яққол.

Гуллар билан беза чўлу саҳрони,
Боғларга оро бер, заминга сайқал.
Оламни яшартир меҳнатинг билан,
Меҳнат билан ўрнат дунёга ҳайкал!

Баҳорни севганим бежизмас;— баҳор
Туғилиш, кўкариш, яшариш фасли.
Баҳорнинг кўркига етмасин завол,
Абадий яшасин одамзод насли.

БАЪЗАН СЕВГИ...

Баъзан севги сўрамай-
нетмай
Юрагингда бўлади пайдо.
Учрайсану бир нозанинга
Шу ониёқ бўласан шайдо.

Севги баъзан тўсатдан келиб
Юрагингни олар қўлига.
Тамом олиб ихтиёрингни
Бошлаб кетар билган йўлига.

Бошлаб кетар учириб пардай,
Бошлаб кетар узоқ-узоққа.
Менга ўхшаш содда ошиқни
Илинтирар нозик тузоққа.

Шундан кейин бошланар бари,
Шундан кейин айланар бошим.
Шундан кейин мени умрбод
Боғлаб олар қайрилма қошим.

Юрагимда мавж урар шодлик
Насиб бўлса висол кунлари.
Аммо-лекин, жондан бездириб,
Жуда қийнар ҳижрон тунлари.

Ҳа, севгининг хислатлари кўп,
Шафқати ҳам, ғазаби ҳам бор.
Севинчи ҳам, қайғуси ҳам мўл,
Роҳати ҳам, азоби ҳам бор.

Ишончи ҳам, рашки ҳам бўлар,
Баҳори ҳам, хазони ҳам бор.
Агар ошиқ чин ошиқ бўлса
Ҳаммасига чидаши даркор.

Ҳаммаси ҳам бўлади: севги
Гоҳ мурувват айласа, гоҳи
Азоб берар, шунда фалакни
Ёндиради ошиқнинг оҳи.

Ошиқ бўлиш осон гап эмас,
Севги мардлик талаб қилади.
Муҳаббатнинг сирру асрорин
Бошдан ўтказганлар билади.

Ҳаммасига бардош бераман,
Ҳаммасига чидамак лозим!
Сабру тоқат қилишдан бўлак
Борми, ахир, бошқа иложим?..

Ихтиёрим ўзимда бўлса
Севармидим, қоврилиб, ёниб?
Нима бўлса бўлди, энди ҳеч
Кетолмайман ишқимдан тониб.

Балки шудир бахтни топганим,
Бахтни ташлаб кета олмайман.
Ўз бахтимни ўз қўлим билан
Энди барбод эта олмайман...

1983 йил, март

ЎРИК ГУЛЛАРИ

(„Табиат китоби"дан)

Бир йилда икки бор гуллайди ўрик:
Баҳорда бир галу кузда бир сафар.
Оппоқ гулга тўлиб баҳорда шохлар
Гул ҳиди оламни айлар муаттар.

Ўрик барги кузда айланар гулга
Сарғайиб, қизариб, нопармон бўлиб.
Баҳордаги сарин, зумрад япроқлар
Кузда гул-гул ёнар рангларга тўлиб.

Бу ҳам табиатнинг бир мўъжизаси,
Баргларда товланар ранглар ўйини.
Қайта-қайта кўргим келади, дўстлар,
Олтин кузимизнинг олтин тўйини...

1982 йил, декабрь

ҚЎРИҚ САХОВАТИ

Арнасой районидаги Юлиус Фучик номли совхоз директори Йўлдош ЗОҲИДОВ ҳикоя қилади

Инсоннинг қўли гул», деган ҳикматни бир вақтлар ота-боболаримиз жуда ўринли айтганлар. Бу ҳикматнинг ҳақиқатлигини бизнинг совхозимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бундан ўн икки йил аввал бийдай чўлда бўлажак хўжалик учун дастлабки белгилар қўйиб, қозиқлар қоқилган эди. Ўшанда бу ерлар фақат қум барханларидан иборат эди. Ўтган йиллар ичида ўша дашту биёбон ўрнида шунчалик зўр ва кенг миқёсли ўзгаришлар юз бердики, унинг кўламини фақат чўл ўзлаштириб юрган кишиларгина тўла тасаввур эта оладилар.

Дўстлик районидан Арнасойга келадиган кишилар йўли энг аввало бизнинг совхоз территориясини кесиб ўтади. Хўжалигимизда барпо этилган яшиллик дастлабки қарашдаёқ ҳар қандай одамнинг баҳри-дилини очиб юборади. Идора атрофида барпо этилган истироҳат боғи, район миқёсидаги йиғинларга мўлжалланган яшил театр, совхозимиз марказий посёлкаси кўчаларида ҳамда посёлка теварагида бўй чўзган чинор, қарағай, қайрағоч ва бошқа хил манзарали дарахтлар чўлқуварларимизнинг яшилликка нақадар зўр меҳр қўйганликларини кўрсатади.

Совхозимиз посёлкаси кўп жиҳатлардан чинакам социалистик қишлоқ тусини олган. Посёлка кўчаларидан бораётган одам қайси бир ҳовлиларда гулларга парвариш берилаётган, дарахтлардан мевалар узиб олинаётган, тандирларда нон ёпилаётган манзараларни кўриб, моллар ва қўй-қўзиларнинг маърашини эшитиб, ҳузур қилади. Ана шундай пайтда совет кишиларининг ўз меҳнатлари билан фаровонлик яратаётганликлари туйғуси ҳар қандай кўнгилни хушнуд этади.

Юлиус Фучик номи билан аталадиган хўжалигимиз меҳнаткашлари, холисона айтганда, ишда кўзга кўринарли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бунга ўтган йилги ишларимиз ҳам далил бўла олади. Маълумки, бултурги об-ҳаво деҳқончилик учун ҳам, чорвачилик учун ҳам ноқулай келди. Бироқ шунга қарамай меҳнатсевар чўлқуварларимиз барча соҳалар бўйича белгиланган план ва топшириқларни ортиғи билан адо этдилар. Пахтакорларимиз пландагидан 2 минг 300 тонна кўп, ҳаммаси бўлиб 14 минг 100 тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Ҳар гектар қўриқ ердан олинган ҳосилдорлик совхоз тарихида биринчи марта 30 центнердан юқори бўлди.

Бу муваффақиятларга биз фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, ишни илмий асосда олиб бориш, илғор, прогрессив технологияга кенг йўл очиш туфайли эришдик. Сўнгги йилларда Жиззах областининг айрим хўжаликларида, жумладан бизнинг совхозимизда капсулланган чигит экиш тажрибаси ўтказилаётир. Биз ўтган йили 4 минг 635 гектар пахта майдонининг 2 минг 540 гектарига капсулланган чигит экдик. Жўръат билан қилинган бу тажриба ўзини оқлаб, ижобий самарасини берди. Капсулланган чигит экилган пахтазорлардан бошқа майдонлардагидан кўра юқори ҳосил олинди. Шу майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача ҳосилдорликка нисбатан 3 центнердан кўп пахта етиштирилди.

Пахтачиликда дала ишларини нарядсиз ташкил этиш нақадар афзал эканлигини ҳам ўтган йили биз меҳнат фаолиятимизда синаб кўрдик. Совхозимиздаги мавжуд 54 та пахтачилик бригадасидан 8 тасида нарядсиз ишлашга ўтилган эди. Бу бригадаларда ҳар гектар ердан олинган пахтанинг ўртача ҳосил-

Совхоз сут-товар фермасининг ишчилари ҳар бир сигирдан 3000 литрдан сут соғиб олишга аҳд қилганлар. Суратда: илғор соғувчилардан Анора Тожиева, Гулбека Черкаева, Марям Миралимова, Норхол Тоғаева сигирларни парвариш қилиш ҳақида суҳбатлашаётирлар.

«Шодлик» деб номланган 180 ўринли болалар боғчасида кичкинтойлар учун барча шароит муҳайё. Суратда: тарбиячи Муяссар Боймуродова болалар даврасида.

дорлиги пландагидан 8 центнер юқори бўлди. Етиштирилган ҳар бир центнер пахтанинг таннархи планлаштирилганидан 6 сўм 81 тийин арзонга тушди. Нарядсиз ишлаган бригадаларда ҳаммаси бўлиб 157 минг сўм қўшимча даромад олинди.

Хўш, нарядсиз ишлаш деҳқонлар учун қандай моддий манфаат келтиради? Бу саволга иккита бригаданинг иши мисолида жавоб бериш мумкин. Ўтган йили нарядсиз ишлаган Исроил Ербеков бошлиқ бригадада бир центнер пахтанинг ўртача таннархи 38 сўм 92 тийинга тўғри келди. Бригадада оддий ишчининг бир ойлик ўртача иш ҳақи 209 сўмни, тракторчиники 295 сўмни ташкил этди. Наряд билан ишлаган Тожиқул Алимов бошлиқ бригадада эса, ҳар центнер пахтанинг таннархи 41 сўм 36 тийинга тушди. Етиштирилган пахтанинг таннархи қимматлашгани эвазига оддий ишчининг ўртача ойлиги 179 сўмга, тракторчиники 244 сўмга тўғри келди. Ваҳоланки, ҳар иккала бригада бир-бирига қўшни ва бир хил шароитга эга эди.

Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, нарядсиз ишланганда, қилинган меҳнатнинг якуний натижаси коллективнинг диққат марказида бўлади. Ортиқча сарф-харажатга йўл қўйилмайди. Бажарилаётган ишнинг сифати учун масъулият ортади. Коллективда бир-бирининг ишини назорат қилиш кучаяди. Бу нарсалар бевосита меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

Нарядсиз ишлаш катта моддий манфаатдорлик манбаи эканлигини пахтакорларимиз эндиликда яхши тушуниб олдилар. Шу тажриба асосида бу йил совхозимизда 40 та бригадада нарядсиз иш олиб бориш маъқул кўрилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил Май ва Ноябрь пленумлари қарорларидан руҳланган чўлқуварларимиз хўжалигимизнинг ёш тармоғи бўлган чорвачиликни жадал равнақ топтиришда ҳам яхшигина ютуқларга эришдилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов 1982 йил Ноябрь пленумида: «Партия ғоялари, режалари, даъватлари омманинг қалби ва онгидан жой олган тақдирдагина моддий куч бўлиб қолиши маълум. Ҳозир ҳар бир меҳнаткаш планнинг бажарилиши у қўшадиган меҳнат ҳиссасига ҳам боғлиқ эканлигини тушуниб олиши, биз қанчалик яхши меҳнат қилсак, шу қадар яхшироқ яшашимиздан иборат оддий ҳақиқатни ҳамма яхши тушуниб олиши, айниқса, муҳим ва зарур», деб таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленумида республикада чорвачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш масаласи кўриб чиқилди. Унда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг шу масалага бағишланган доклади тингланди. Пленумда гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳали меҳнаткашларнинг ортиб бораётган эҳтиёжларини қондирмаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Районимиздаги барча совхозлар сингари бизда ҳам чорвачилик чўлқуварларимизнинг иккинчи зарбдор қўриғи ҳисобланади. Чорвадорларимиз СССРнинг 60 йиллик юбилейи йилида бир миллион 234 минг 280 сўм даромад олдилар. Совхозда план ва топшириқлар бажарилмаган биронта тармоқ қолмади...

Маълумки, кўп йиллар давомида, янги совхозларда чорвачиликни ривожлантириш қийин, деган тушунча ҳукмрон бўлиб келди. Партия ва ҳукуматимиз раҳбарларининг, шахсан ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг ҳаётбахш, қимматли маслаҳатлари, доно кўрсатмалари асосида бу нотўғри тушунчага барҳам берилди. Қўриқ совхозларда ажойиб, тўла механизмлашган замонавий чорвачилик комплекслари қурилди, сут-гўшт етиштириш кўпгина хўжаликлар фаолиятидан кенг ўрин олди. Шу жумладан, бизнинг совхозимизда ҳам бу соҳа зарбдор тармоққа айланди. Мана беш йилдирки, чорвадорларимиз моллар туёғини кўпайтириш, наслини яхшилаш, маҳсулдорлигини оширишда унумли меҳнат қилмоқдалар.

Дастлабки йили сут-товар фермамизда 80 бош қорамол мавжуд бўлса, ўтган йилнинг охирига келиб чорвачилигимиз кўп соҳали тармоққа айланди. Қорамоллар сони 760 бошга, шу жумладан сигирлар 286 бошга, қўйлар 600 бошга, чўчқалар 200 бошга, паррандалар 5 мингтага етказилди. Меҳнатсевар соғувчиларимиз ўз боқимларидаги сигирларнинг ҳар биридан ўртача 2 минг 500 литрдан сут соғиб олишни таъминладилар.

Ўтган йилдан бошлаб совхозимизда бўрдоқичилик ҳам йўлга қўйилиб, давлатга гўшт етказиб берила бошланди. Юбилей йилида чорвадорларимиз давлатга 670 тонна сут, 55 тонна гўшт топширдилар. Бу ҳали чорвачиликдаги илк қадамларимиз, холос. Совхозимизда бу зарбдор тармоқнинг истиқболи жуда порлоқ.

Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комите-



Совхознинг 60 центнерчи бригадирларидан Турғун Аҳмедов билан илғор механизатор Маҳмуд Баҳовиддинов ғўза қатор ораларига ишлов бериш хусусида маслаҳатлашмоқдалар.

Ж. Тўраев фотолари

тининг IX пленуми кўрсатмаларига жавобан 1983—1985 йилларда чорвачиликни жадал ривожлантириш тадбирларини белгиладик. Бунга кўра, ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилидаёқ хўжалигимизда қорамолларни 1 минг бошга, шу жумладан сигирларни 450 бошга етказамиз. Қўй, чўчқа ва паррандалар сони бир ярим баравар кўпайтирилади. Чорвадорларимиз бу йил камида давлатга 550 тонна сут, 50 тонна гўшт, 600 минг дона тухум етказиб берадилар. Олинган мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун чорвадорларимиз ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб, ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Сигирлардан ўртача 3 минг литрдан сут соғиб олиш, бўрдоқи молларнинг тирик вазнини 500 килограммга етказиб гўштга топшириш бугунги кунда чорвадорларимизнинг жанговар шиорига айланган.

Белгиланган режаларимизни тўла рўёбга чиқариш учун чорва молларининг озуқа базасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор бермоқдамиз. Совхозимизда 647 гектар кўп йиллик ўт, шу жумладан, 250 гектар янги беда майдонларимиз бор. Маккажўхори ва бошқа озуқабоп экин майдонларини кенгайтириш ва бу ерлардан икки марта ҳосил олиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Ҳа, чўллар чирой очмоқда. Партия ва ҳукуматимизнинг мамлакатимизнинг куч-қудратини ҳамда халқимиз фаровонлигини ошириш борасидаги ғамхўрлиги туфайли кечаги саҳролар бугун ўзининг олтин сандиқларини очиб юборди. Фидокор чўлқуварлар эса, ўз пешана терлари билан ана шу олтин сандиқдан дур-гавҳарлар териб, давлатимиз қудратига ҳисса қўшмоқдалар.

АВВАЛ ИҚТИСОД... Колхоз раиси Тоиржон Элназаров кабинетида уззукун ўтириб, колхозчилардан тушган аризаларни бирма-бир синчиклаб ўқиб чиқди. Хатларнинг деярли ҳаммасида участка қуриш ташвиши, ғишт ва шифер топишга ёрдам бериш ҳақида гап борарди... Раис ўйланиб қолди. Колхознинг ўзида ғишт заводи қурилса қандоқ бўларкин? Хўжаликда ишчи кучи етарли. Қарийб минг хонадонга беш мингга яқин киши уюшган. Бу катта кучдан билиб фойдаланса борми, ҳар қандай ишни уддаласа бўлади.

Ўша куни раис партия комитетининг секретари ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, правление йиғилишини чақирди. Колхозда ғишт заводини қуриш масаласи муҳокамага қўйилди.

— Ҳурматли дўстлар!— деди Элназаров хўжалик фаолларига юзланиб.— Биз хутор системасини тугатиш ташаббусини областда бошлаганларданмиз. Бу ҳақда колхозчиларнинг умумий йиғилиши қарори бор. Қарор ижроси билан гўзал, дейдилар. Колхозчиларимизнинг кўпчилиги ариза ёзиб, қурилиш материаллари, асосан ғишт сўраяпти. Хўжалигимизнинг ўзида ғишт заводи қурсак бўлмасмикан?..

Ўша йиғилишда колхоз инженери Маҳмуд Арслонов, партия комитетининг секретари Саъдулла Саидов (ҳозир «Правда» колхозида раис) ва бошқа ўртоқлар мазкур масала бўйича ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Баъзилар, пахтанинг, пилланинг ҳажм кўлами катта, бунинг устига бошқа тармоқлар бор, қийналиб қоламиз, деган мулоҳазани билдирдилар. Лекин кўпчилик раиснинг таклифини маъқуллади.

Элназаров бу ишда ўзи ташаббус кўрсатгани учун ташкилий ишларни зиммасига олди. У область Ғишт заводлари ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари ҳузурига бориб маслаҳатлашди, кенгашди. Бошқарма ғишт қолипларини тайёрлаб берадиган бўлди. Ғишт заводини қуриш учун ғиждувонлик моҳир усталар таклиф қилинди...

Ғишт заводи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мана, бир неча йилдирки, «Маданият» колхозининг ғишт заводида кўплаб сифатли қурилиш материали ишлаб чиқарилаяпти. Заводда ҳар йили 3,5—4 миллион дона ғишт тайёрланмоқда. Бу маҳсулот хўжалик эҳтиёжидан ортиб, қўшни хўжаликларга, ҳатто районларга ҳам берилаётир. Масалан, ўтган йили колхоздан Свердлов райони хўжаликлари 1,5 миллион дона, Ромитан райони 2 миллион дона ғишт сотиб олдилар. Колхоз ҳар йили ғишт заводининг ўзидан ўрта ҳисобда 180—200 минг сўм даромад қилаяпти. Ғишт заводининг қурилиб ишга туширилиши колхозчилар учун, хўжаликнинг ички эҳтиёжлари учун қулай эканлигини айтмайсизми...

Бухоро области хўжаликлари орасида биринчи бўлиб хутор системасини йўқотишга бел боғлаган «Маданият» колхозининг меҳнаткашлари зўр уюшқоқлик кўрсатиб, ўн йил ичида барча қишлоқларни янги типда қайта қуришга муваффақ бўлдилар. Хўжаликдаги эски уйлар ўрнида «Пахтакор», «Деҳча», Кўчкисафид, Деҳожи, Сарҳанг каби еттита қишлоқ посёлкаси қад кўтарди.

Албатта, кенг кўламдаги бундай қурилишларни бунёд этиш осон кўчмади. Бунинг учун колхоз раҳбарлари дастлаб маблағ муаммосини, яъни иқтисодни мустаҳкамлашга, маданий парвоз учун моддий пойдевор яратишга алоҳида эътибор бердилар. Хўжаликнинг тўрт ярим минг гектарли еридан тежабтергаб фойдаланиш, ҳар гектар суғориладиган ердан бир йилда икки, ҳатто уч марта ҳосил олиш тадбирий чоралари кўрилди. Етакчи тармоқлар — пахтачилик ва чорвачилик билан бир қаторда пиллачилик, сабзавотчилик, мевачилик ва узумчилик каби қўшимча тармоқларни ҳам бир текис ривожлантиришга жиддий эътибор берилди. Пахта майдони икки минг гектарга, йиллик пилла салмоғи эса 60 тоннага, сут миқдори 1 минг 700 тоннага, гўшт 230 тоннага, боғ ва токзорлар 120 гектарга, ҳўл мева 150 тоннага, узум 200 тоннага етказилди. Қувончлиси шундаки, кейинги ўн йилда хўжаликнинг барча тармоқлари рентабеллашиб, фойда келтирадиган самарали соҳаларга айланди.

Колхоз правлениеси ва партия комитети КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил Май ва Ноябрь пленумлари қарорларини хўжалик фаолиятига изчил татбиқ қилган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ етиштиришга муваффақ бўлмоқдалар. Бу борада, айниқса теплица хўжалигини ривожлантириш айни муддао бўлди. Колхознинг 7,5 гектарли теплица комбинати ҳосил бера бошлади. Хўжалик раҳбарлари теплица хўжалигини яна ҳам кенгайтиришга қарор қилдилар.

Бир куни раис Тоиржон Элназаров область партия комитетининг биринчи секретари Абдувоҳид Каримов ҳузурига кирди:

КОММУНИЗМ КУРТАКЛАРИ

— Янгидан 4,5 гектарли теплица қурган эдик. Лекин бугё қозонининг қуввати етмаяпти. Сизга маслаҳатга келдим,— деди Элназаров секретарга...

— Сиздек ишчан раисларимизнинг ғайрати бизни қувонтиради,— деди секретарнинг чеҳраси ёришиб. У бироз ўйланиб турди-да, Бухоро шаҳар Марказий иситиш бошқармасига телефон қилиб, «Маданият» колхозининг теплица хўжалигига ёрдам кўрсатишни илтимос қилди.

Область партия комитетининг ёрдами билан шаҳар айланма йўли бўйлаб ётқизилган иккинчи иссиқлик трассасидан колхознинг теплица хўжалигига янги қувур ўтказилди.

— Биз хўжаликнинг етакчи тармоқларига ҳам, ёрдамчи тармоқларига ҳам баббаравар эътибор берябмиз,— дейди колхоз раиси Тоиржон Элназаров.— Партия ва ҳукуматимиз Озиқ-овқат программасини асосий вазифа қилиб кун тартибига қўйган ҳозирги шароитда мавжуд ички имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш бурчимиздир. Ҳозир хўжалигимизда ҳамма тармоқлар самара бермоқда. Биргина теплица хўжалигининг ўзидан ҳар йили 200 минг сўмдан ошириб даромад қилаяпмиз. Йиллик умумий даромадимиз 8 миллион сўмни, нақд соф фойда эса 2 миллион сўмни ташкил этади. Бўлинмас фондимизда жамғарилган маблағ колхозчиларимизнинг барча маданий-маиший эҳтиёжлари ва ободончилик ишлари учун бемалол етади. Ҳамма бригада ва фермаларимизда нарядсиз иш ҳақи системаси жорий этилган. Ҳар бир ишловчи ўз манфаати учун меҳнат харажатларини тежайди. Колхозчиларимизнинг ўртача ойлик иш ҳақи 170 сўмга, механизаторларники эса 200—250 сўмга боради.

КАДРЛАР — ЮТУҚЛАР ТАШКИЛОТЧИСИ... «Маданият» колхозига борган киши хўжалик раҳбарларининг, мутахассисларининг қамрови кенг, юқори савияли малакали кадрлар эканига ишонч ҳосил қилади.

— Бугунги колхоз индустрлашган қишлоқ хўжалик корхонаси,— дея мамнун ҳикоя қилади колхоз раиси.— Хўжалик тармоқлари механизмлаштирилмоқда. Фан-техника эса ҳар кун, ҳар соат ўзгаришда, тараққиётда. Ўқиб, ўрганиб турмаган раҳбар ҳам, мутахассис ҳам ўсишдан орқада қолади, кундалик тараққиёт билан баравар қадам ташлаёлмайди. Буни ўз тажрибамдан яхши биламан. Дастлаб фаолиятимни физкультура ўқитувчилигидан бошлаган эдим. Негаки, ёшлигимдан спортга қизиқардим. Самарқанддаги Физкультура ва спорт техникумини тамомлаб келгач, қамқишлоқ ўқувчи ёшларимиздан спортчилар тайёрлаш мақсадида мактаблар қошида самбо, классик кураш сингари турли спорт секцияларини ташкил этдик. Шу-шу бу соҳадаги ишларимиз аста-секин юриша бошлади. Айни вақтда билимимни ошириш учун Бухоро давлат педагогика институтида сиртдан ўқидим. Шу орада колхоз коммунистлари мени партия ташкилотининг секретарлигига сайлашди. Шунда хўжалик ишини яхши билмаслигимдан қийналдим. Колхоз шароитида партия ташкилотининг секретари айни вақтда хўжалик раҳбари эканини ҳам ҳис этдим. Шароит ва масъулият мени аввал Самарқанддаги Мичурин номли Мева-боғдорчилик техникумини сиртдан тамомлашга, кейин эса ўша жойдаги Қишлоқ хўжалик институти агрономия факультетининг сиртқи бўлимига кириб ўқишга даъват этди. Ҳозир институтнинг охирги курсидаман. Бундан роса ўн йил бурун ҳамюртларим мени колхоз правлениеси раислигига сайлашиб, зиммамга янада каттароқ масъулиятни юкладилар. Шундан бери... Ҳа, дарвоқе, ўшанда қўшни колхозлардаги раҳбар тенгдошларим ҳазиллашиб менга «физкультурачи раис» деган лақаб ҳам қўйишганди. Физкультура ва спорт соҳасида улардан ўзиб кетгандик-да...

Тоиржон Элназаровнинг колхозда физкультура ва спорт ишларини янада ривожлантириш учун алоҳида жонкуярлик қилганлиги рост. Хўжаликда ҳашар йўли билан ўн минг ўринли стадион, бассейн, иккита спорт зали қурилди. Қишлоқ ёшларининг аксарияти турли спорт секцияларига тортилди. Мактаблар ва бригадаларда спорт мусобақалари ўтказиш, ғолибларни колхоз правлениеси, партия ташкилоти ва касаба союз комитети томонидан таъсис этилган совринлар билан тақдирлаш ажойиб анъанага айланди. Спортда тобора маҳоратини ошира борган қишлоқ ёшлари аста-секин район, область ва ҳатто республика мусобақаларида муттасил қатнашиб, фахрли ўринларни эгалладилар. Қишлоқ ёшларидан СССР спорт мастерлари, хизмат кўрсатган тренерлар, ҳатто жаҳон чемпионлари етишиб чиқдилар.

Ҳа, колхозда йигирма бир кишининг кўксини СССР спорт мастери нишони безаб турибди. «Маданият»ликлар самбо бўйича жаҳон чемпиони Собир Қурбонов, СССР спорт мастерлари Ориф Рўзиев, Ашур Холиқов, Саъдулла Холиқов, Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган спорт ходими, СССР спорт мастери Фатхулла Холиқов сингари паҳлавонлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Айни вақтда бу шуҳратли спортчилар колхозда самбо, классик кураш ва спортнинг бошқа турлари бўйича ташкил этилган секция ва тўгаракларга етакчилик қилмоқдалар. Спорт секцияларига қишлоқ ёшларидан мингдан ортиқ киши жалб этилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бухоро районидаги «Маданият» колхозининг физкультура ва спорт соҳасида эришган тажрибалари тўғрисидаги қарорида ҳам бу фактлар алоҳида қайд этилган. Ҳали айтганимиздек, спорт соҳасида эришилган бу ютуқларда «физкультурачи раис» Тоиржон Элназаровнинг хизмати салмоқлидир. Биз ана шундай омилкор, ташкилотчи, ихтисос кўлами ва идрок қамрови кенг раислар кўпроқ бўлишини истардик.

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ... Одатда, қадимий Бухоро шаҳрига қадам қўйган саёҳатчи туристлар, албатта, «Маданият» колхозини бориб кўришади. Улар социалистик тузумнинг, совет коллектив хўжалигининг афзалликлари билан қизиқиб танишадилар. Ажнабий саёҳатчилардан бири колхознинг Маданият саройи «Таклиф ва мулоҳазалар» дафтарига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирибди: «Бухоро шаҳри этагидаги юксалган «Маданият» колхозининг файзини, кўркини кўриб ҳайратландик. Бу ерда мактаб ёшигача бўлган ҳамма болалар боғча ва яслиларга қатнайдилар. Улар колхоз маблағи ҳисобидан уч маҳал бепул овқатлантирилади, кийим-бошлари ҳам текин. Бу, инсониятнинг порлоқ келажаги бўлган коммунизм куртакларидир. Эътироф этишим керак, қишлоқ кишиларининг тўқ-маданий ҳаётини кўриб ҳавасимиз келди. Социалистик колхоз қудратли бу!..»

Дарҳақиқат, шундай. «Маданият» колхозининг бугунги кўркини кўриб тўймайди киши. Бу ерда ёш авлоднинг камолоти учун, қишлоқ меҳнаткашларининг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё: кенг ва равон йўллар бўйлаб қад ростлаган маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, Садриддин Айний, Калинин ва Ҳамид Олимжон, Луначарский номларидаги кўп қаватли ўрта мактабларнинг бинолари, колхоз посёлкаларига туташиб кетган бўлиқ боғ-роғлар, ям-яшил далалар кишини мафтун этади. Хўжаликнинг кўп қиррали тармоқлари билан танишар экансиз, бу ерда ҳамманинг — оддий колхозчининг ҳам, мутахассиснинг ҳам ўз бахтини ўз қўли билан яратаётганига гувоҳ бўласиз. Колхоз қурувчиси ҳам, иншоот ва биноларнинг лойиҳачи тузувчилари ҳам шу ердан етишиб чиққан малакали кадрлар.

Ҳозир хўжаликнинг «Дилором», «Ғунча», «Ғулҳайри», «Навбаҳор», «Наргиз» деб рамзий номланган саккизта марказий боғча-яслиларида колхозчи ота-оналарнинг минг нафар жажжи фарзандлари ўсиб улғаяётир. Колхоз партия комитетининг секретари Жаббор Қаҳҳоров кўрганларимизга йўл-йўлакай бир нарсани илова қилди:

— Бояги чет эллик меҳмоннинг сиз ўқиган сўзлари дафтарга ёзилганига тўрт йилча бўлди. Бизда аҳолининг ўсиш суръати тез. Ушандан бери яна 100 бола боғча ёшига етди. Уларни бирма-бир рўйхатга олиб чиқдик. Болаларнинг ўсишини ҳисобга олиб, яна битта боғча қуришни режалаштирганмиз.

Социалистик жамиятимиз буюк фазилатининг ифодаси бўлган «Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун!» деган улуғ ҳикмат колхоз ҳаётига тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Бу ердагилар бир-бирларига устоз, бир-бирларига шогирд. Балоғатга етган барча ёшлар ҳам ўқиб, ҳам ишлайдилар. Мактабларо ташкил этилган ва моҳир педагог Сакд Очилов раҳбарлик қилаётган ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида мактаб ўқувчиларига тракторчилик, тикиш-бичиш, зардўзлик, қурувчилик каби керакли касблар ўргатилмоқда. Комбинат машғулотларини ўтказишда колхознинг етук мутахассислари — инженерлар, механиклар, уста дурадгорлар фаол қатнашмоқдалар. Олтмиш кишидан иборат қурувчилар бригадасига сса прораб Қобил Қосимов етакчилик қилмоқда. Хўжаликдаги қурилишларнинг ҳаммаси уларнинг кучи билан бунёд этилаётир. Қишлоқнинг уста бинокорлари бир йил илгари қуриб фойдаланишга топширган «Висол» ресторани жамики маросимлар ўтказиладиган шодиёна даргоҳи бўлиб қолган.

Колхоз правлениеси ва партия комитети қишлоқ ёшларининг билимини ошириш ҳақида меҳрибонлик билан ғамхўрлик қилаётир. Қишлоқ хўжалик ўқув юртларида ўқиётган йигирма етти нафар ёшларга колхоз маблағидан стипендия тўланмоқда. Шунингдек, Шредер номидаги виночилик-узумчилик ва боғдорчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида ташкил этилган қисқа муддатли курсларда колхоз ёшларининг бир гуруҳи сиртдан ўқиб, гулчилик, боғбонлик касбларини эгалламоқдалар.

Ҳа, «Маданият» колхозининг кишилари буюк доҳиймиз В. И. Ленининнинг «билимсиз коммунизм қуриб бўлмайди» деган башоратини дилларига жо қилган ҳолда ҳам ўқиб, ҳам ишлаб, маънавий камолот сари кўтарилмоқдалар.

Бу, моддий ва маънавий юксалишда колхоз аҳлининг фарқи бўлган ишлаб чиқариш новаторлари — Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Рўзигул Турдиева, область партия комитетининг бюро аъзоси Муборак Мажидова, Икром Ҳамроев сингари моҳир пахтакорлар, Ленин орденли Шамсия Исматова, Раъно Кенжаева каби шуҳратли пилакорлар, Розия Аминова, Сўфия Аминова, Норбиби Ғуломова сингари илғор соғувчилар, Барот Арслонов, Ҳамро Қаҳҳоров, Ҳусайн Аминов, Пано Пўлатов каби тажрибали боғбонларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Дарвоқе, Бухоро районидаги «Маданият» колхозида коммунизм куртаклари тобора кенг қулоч ёймоқда.

Шомурод СИДДИҚОВ

НАВОИЙ ИЖОДИ ВА ҒОЯВИЙ КУРАШ

Навоий гулшани

Азиз ҚАЮМОВ,
филология фанлари доктори

ҲОЗИРГИ кунда коммунизм ғояларининг ҳақиқати ва ҳаётийлиги бутун инсоният ақлини қамраб олмоқда. Чунки коммунизм омманинг озодлиги ва саодатини таъминлаш орқали шахснинг ҳар томонлама такомилини амалга оширади.

Навоий ижодининг туб моҳияти инсонни, инсонийликни улуғлашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам Навоий тарғиб этган буюк ғоялар — инсонпарварлик, халқпарварлик, адолатпарварлик ғоялари янги социалистик инсонни шакллантиришда катта аҳамиятга моликдир.

Инсониятнинг XX аср охирги чорагидаги маънавий ҳаётида социалистик ва демократик мафкуранинг жаҳолатпараст буржуа мафкурасига қарши кураши бош ўрин тутади. Бу курашда Навоий бизнинг тарафимизда. У бизнинг қудратли иттифоқчимиздир. Мен мана шу фикрнинг исботига хизмат қилувчи бир-икки мисол келтирмоқчиман.

Мен 1979 йили Польша Халқ Республикасида хизмат командировкасида эканимда Навоий афоризмлари нашри билан танишдим. Польша Халқ Республикасида махсус серия қилиб буюк мутафаккирларнинг ҳикматли сўзлари нашр этилган. Бу серия «Афоризмлар кутубхонаси» деб аталади. Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг ҳикматли фикрлари ва ўгитлари ана шу серияда икки марта алоҳида китоб ҳолида чоп этилган. Навоий афоризмларини шоир ва адабиётшунос Леопольд Левин жамлаган, унинг ўзи афоризмларни поляк тилига шеър билан таржима қилган, яна у мазкур китобчага Навоий ҳаёти ва ижоди тўғрисида қисқача, аммо сермазмун сўз боши ёзган. Навоийнинг ўзбек адабиёти ва ўзбек адабий тилига асос солган буюк ижодкор экани бу сўзбошида алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Феодал ҳукмронлигининг бўғиқ муҳитида Навоий зулмкорларнинг жирканч қилмишларини фош этди. Элга жабр ва зулм ўтказувчиларга қарши кескин курашди. Ҳасадчи шоирларнинг иғволари, ҳукмрон доиралардаги фитначиларнинг душманлигига қарамай, Навоий тинмай халқ манфаатларини ҳимоя қилди ва халқнинг эзгу орзу-умидларини ифодаловчи ўлмас, қимматбаҳо ижод намуналарини яратди, деб ёзади Л. Левин китобчанинг сўзбошисида. Сўнгра сўзбоши муаллифи Навоийнинг «Хазоинул-маоний» ва «Хамса» китоблари тўғрисида маълумотлар беради: «Ҳайратул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий»нинг мавзу ва ғоялари билан китобхонни таништириб ўтади. Навоийнинг ҳикматли фикр ва ўгитлари барча кишилар учун фойдалидир. Улар инсонни маънавий камолотга чорлайди, эзгулик ва хайрли йўлда хизмат қилиш таълимини беради, деб сўзбошини якунлайди муаллиф.

Навоий афоризмлари китобчаси жами ўттиз бир саҳифадан иборат. У Навоийнинг «Ҳайратул-аброр»даги ота-оналарни қадрлаш, уларга юксак ҳурмат билан муомала қилиш тўғрисидаги машҳур мисралари билан бошланади:

Жонни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа она қошиға...
Тун-кунунгни айлагали нурфош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Китобчанинг ҳар иккала нашри ҳам супермуқова билан ўралган. Унда қуйидаги сўзлар ёзилган: «Навоийнинг асарлари ичида махсус афоризмлар китоби мавжуд эмас. Аммо унинг асарларида ҳаётий кузатишларнинг афористик тарздаги ифодалари жуда кўп. Навоийнинг бу фикрлари шарқ халқлари тафаккурига шунчалар сингиб кетганки, улар халқ ичида ҳатто муаллифи номаълум бўлган мисралар сингари ҳам ишлатилиб юради».

Китобчанинг ҳар иккала нашрида ҳам Навоийнинг портрети бор. Бирида шоирнинг рассом В. Кайдалов қаламига мансуб портрети (1970 нашри), иккинчисида эса (1973) Маҳмуд Музаҳҳиб ишлаган Навоийнинг миниатюра сурвати келтирилган.

Навоий афоризмларининг поляк тилида шеър билан таржима қилиб нашр этилиши улуғ ўзбек шоири Навоий ижодининг барча халқлар кўнглига яқин, замонамизга ҳамоҳанг эканини кўрсатувчи ёрқин далиллардан биридир. Ҳозир Польша Халқ Республикасида антисоциалистик кучларга қарши ғоявий кураш авж олгани аён. Бу курашда Навоий ўзининг доно ўгитлари, ҳаёт ҳақиқатини ифодаловчи мазмундор фикрлари билан социалистик тараққийпарвар кучларга хизмат қилаётир.

1981 йили Афғонистон Демократик Республикасида Навоий таваллудининг 540 йиллиги нишонланди. Бу тадбирларда Совет Иттифоқининг вакили сифатида мен ҳам иштирок этдим. 1981 йили 10 сентябрь куни эрталаб Кобилдаги «Истиқлол» лицейининг катта йиғилиш залида Навоий ижодига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Мажлисда олимлар, ёзувчилар, журналистлар, студентлар, руҳонийлар иштирок қилдилар. Улар билан бирга Афғонистон Халқ Демократик Партияси Марказий Комитетининг аъзолари, бир неча министрлар, ҳарбий қўмондонлар ҳам бор эди. Йиғилишни Афғонистон Министрлар Совети раиси ўринбосари, маданият министри Абул Ҳасан Сарбаланд очди. Ҳайъатга бир қанча мўътабар кишилар таклиф этилди. Сўнг расмий маросимлар адо этилгач, Абул Ҳасан Сарбаланд Афғонистон Халқ Демократик Партиясининг Бош секретари, АДР Инқилобий кенгашининг Раиси Бабрак Кармалнинг табрик сўзини ўқиб берди. Табрикномада ўртоқ Кармал Навоийнинг халқлар ўртасидаги бирордарлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, халқпарварлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик ғоялари мамлакатда демократия ва янги турмуш тантанасига хизмат қилади, деб таъкидлайди. Навоий инқилобий ғояларнинг ғалабаси, Афғонистонда яшовчи барча халқларнинг инқилоб байроғи остига бирлашиб, жаҳолатпарастликни ва аксилинқилобни тор-мор келтиришда иттифоқчидир, деб уқтирилади бу табрикномада. Афғонистоннинг бош раҳбари, навоийшуносликка ривож тилайди, Навоий ижодининг янги қирралари очилади, унинг бой ижоди ҳар томонлама ўрганилиб, у умумхалқ мулкига айлантирилади, деб ишонч билдиради. Шундан сўнг Афғонистон Фанлар академиясининг президенти, миллатлар ва қабилалар ўртасида ишлаш министри, машҳур инқилобчи, шоир Сулаймон Лойиқ, маданият министрлигининг масъул ходими Жоҳид ва бошқалар сўзга чиқиб, Навоий ижоди, унинг сиёсий ва бадиий мазмуни, аҳамияти тўғрисида сўзладилар. Мен ҳам совет навоийшунос олимлари номидан табрик сўзи айтдим ва Совет Иттифоқида, жумладан, Ўзбекистонда Навоий ижодини ўрганиш борасида қилинаётган ишлар тўғрисида сўзлаб бердим.

Йиғилиш охирида профессор Воҳидий Навоий ижодини урганиш бўйича 10 йиллик (1982—1991) программани эълон қилди. Бу программа Навоий, Навоий замондошлари асарларини ўзбек, форс ва пашту тилларида тўла эълон қилишни, Навоий тўғрисидаги барча асарларни шу тилларга таржима этиб нашр қилишни кўзда тутади. Шунга асосан ана шу тантаналар олдидан В. В. Бартольднинг «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт» асари Кобилда нашр этилган эди.

Тантанали йиғилишдан сўнг Навоий ижодини ўрганишга бағишланган илмий сессия бўлиб ўтди. Ундаги докладлар, дарий, пашту ва ўзбек тилларида ўқилди. Ўша куни кечки соат 5 да Кобилдаги Миллий Архивда (қўлёзма китоблар шу ерда сақланади) Навоий замонасидаги нодир қўлёзмалар кўргазмаси тантанали равишда очилди. Абул Ҳасан Сарбаланд бу кўргазмани очар экан, Навоий ижодининг инқилобий Афғонистонда халқни тарбиялаш ва уни инқилоб ғалабаси уҷун курашга сафарбар қилишдаги аҳамияти тўғрисида сўзлади. Кўргазма билан танишув асносида Абул Ҳасан Сарбаланд Афғонистон Миллий Архивидан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси учун махсус тайёрланган совғани топширди. Бу «Хамса» ва «Лисонут-тайр» достонларининг бирликда кўчирилган қўлёзмасидан олинган микрофильм бўлиб, у махсус тайёрланган мармар қутичага қўйилган эди. Қутининг қопқоғига ғоят гўзал каллиграфик хат билан: «Афғонистон Миллий Архивидан Ўзбекистон Фанлар академиясига» деб ёзиб қўйилган. Мен миннатдорлик билан уни қабул қилиб олдим. Ҳозир бу совға Тошкентдаги Навоий номли адабиёт музейидадир. Кобилда бўлиб ўтган Навоий юбилейига оид тантанали тадбирлар Афғонистонда юз бераётган ғоят муҳим сиёсий ва ғоявий курашларда Навоий инқилобий кучлар тарафида хизмат қилаётганидан яққол намунадир.

НОДИР ДАСТХАТЛАР

Буюк мутафаккир, даҳо санъаткор Алишер Навоийнинг яқин дўсти, маслакдош ва меҳрибон устози, форс-тожик адабиётининг улуғ классиги Абдураҳмон Жомий гуманист ижодкор, файласуф олим ҳамда фидоий устод сифатида XV аср Хуросон, Мовароуннаҳр ва Эрондаги ижтимоий-сиёсий, илмий, маданий-адабий ҳаётда катта мавқе, таъсирга эга бўлган. Зероки, Жомий ўз асарларида юксак инсонпарварлик, адолатпарварлик, ахлоқий-маърифий ғояларни тарғиб қилибгина қолмай, юқори мартабали шогирдлари, мансабдор маслакдошлари, мухлисларига таяниб, сиёсий-ижтимоий, ҳатто, хўжалик ва ободончилик ишларига хийла фаол аралашиб, иложи борича ўзи ардоқлаган халқпарварликнинг амалда жорий этилиши, бажарилишига интилган. Устод санъаткорнинг бу хислатлари, айниқса, унинг Алишер Навоийга йўлланган мактубларида ёрқин ифодаланган. Шунинг учун ҳам Жомий мактублари хусусидаги ҳар қандай тадқиқот катта илмий-тарихий, адабий-маърифий аҳамиятга эга.

Ҳозиргача, Абдураҳмон Жомийнинг мактублар тўплами —«Муншаот» ва Алишер Навоийнинг «Хамсатул мутаҳаййирин» асарида келтирилган номалари маълум даражада ўрганилган. Аммо, улуғ мутафаккирнинг «Алишер Навоий муроққаси» (альбоми)га киритилган, аксарияти бевосита Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийга йўлланган хатлари, айрим илмий асарларда тилга олинса-да, ҳанузгача тўла ўрганилмаган, илм-адаб аҳлига манзур этилмаган эди. Бинобарин, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмаларни тавсифлаш бўлими мудири, тарих фанлари кандидати Асом Ўринбоев томонидан «Алишер Навоий муроққаси»даги Абдураҳмон Жомийнинг дастхат мактублари» нашр этилиши ғоят қувончлидир.

Китоб хийла мукаммал, батафсил ёзилган муқаддима, мактубларнинг русча таржимаси, асл нусханинг факсимел нашри ва изоҳлардан иборат. Даставвал тадқиқотчи мухтасар тарзда Жомийнинг таржимаи ҳолини баён этган, сўнгра, шоирнинг ҳаёти, ижодий меросининг ўрганилиш тарихини ёритган. Шундан кейин, «Жомий ижодининг гуманистик йўналиши ва унинг даврини ўрганишда» (5-бет) муҳим аҳамиятга эга бўлган, Шарқда руқаот, мурасалот, иншо, муншаот номлари билан шуҳрат топган мактубларининг характери, ўрганилиши, қўлёзма нусхалари ва нашрлари ҳақида маълумот берилади.

Маълумки, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида машҳур ёзувчи, олим, давлат арбоби Шарифжон Махдум — Садри Зиё коллекцияси сақланади. Ёзувчининг шахсий кутубхонасидан келтирилган қўлёзмалар орасида «Мажмуаи мурассалот»— «Алишер Навоий муроққа»си ҳам мавжуд. А. Ўринбоев Навоийнинг бевосита ўзи томонидан ёки унинг топшириғи билан тузилган мазкур альбомни атрофлича тавсиф қилади, ўша даврдаги нуфузли тарихий шахслар бўлган нома муаллифлари (жами 16 киши) ҳақида қисқача бўлса ҳам

маълумот бериб ўтади, ҳар бир шахсга мансуб номаларнинг миқдори, туб моҳиятини изоҳлаб, альбомнинг ўрганилиш тарихи баён қилинади. Муқаддиманинг «Абдураҳмон Жомийнинг дастхатномалари» бўлимида Жомий қаламига мансуб 33 нодир хатнинг изоҳли таснифи берилиб, уларда қўйилган масалалар характерига кўра гуруҳларга бўлиниб, изчил тарзда таҳлил ва талқин қилинган.

Шарқ адабиётидаги мактуб-нома жанри ўзининг мураккаб услуби билан алоҳида ажралиб туради. Уларда шахсий, ахлоқий-таълимий, ижтимоий-сиёсий фикрлар деярли ҳамиша бевосита диний-фалсафий тушунчалар, мушоҳадалар билан қоришиб кетади. Шунинг учун эпистоляр наср характерига эга бўлган бундай асарларни таржима ва тадқиқот қилиш катта билим, иқтидор, сабот талаб этади. Бу ишда,— услуб ранг-баранглигидан ташқари,— бошқа мураккабликлар ҳам бор. Мактублар таржимасини кўздан кечирган, қисман бўлса-да, асл нусха билан қиёслаш имкониятига эга бўлган киши, мутаржим ана шу мушкул ишни муваффақият билан уддалаганлигининг гувоҳи бўлади. Таржимада мўъжазликка интилганлиги А. Ўринбоевнинг ютуғи, дейиш мумкин.

Китоб охирида Абдураҳмон Жомий хатларининг ёзилган йиллари, кимга жўнатилгани — бирма-бир, кенг изоҳланган. Хатларда учрайдиган мураккаб терминлар изоҳи, номлар, географик ва топографик атамалар шарҳи, Жомий хатларида тилга олинган асарлар кўрсаткичи ва бошқаларнинг ҳам русча, ҳам форсий тилдаги атрофлича талқинлари берилган, фойдаланилган қўлёзма — биринчи манбалар, адабиётлар рўйхати илова қилинган.

Алишер Навоийнинг Абдураҳмон Жомий билан ижодий ҳамкорлиги, қадрдон дўст-устоз шогирдлиги ҳақида уларнинг асарларида кўп қимматли фикрлар, далиллар мавжуд. Бу қондош-жондошлик илмий жиҳатдан тадқиқ этилган, умумлаштирилган. Жомий мактубларининг таржимаси билан бирга нашр этилиши икки аллома муносабатларининг мутлақо янги қирраларини аниқлаш учун имкон яратади. Номалардан маълум бўлишича, Жомий етим-есирлар, толиби илмлар, мадраса мударрисларию олимлар ҳақида ғамхўрлик қилишда, ҳунармандлар, деҳқонлар, чорвадорлар, хаттоту саҳҳофлар, жабрдийда хотин-қизлар ёнини олиш, уларга ёрдам қўлини чўзишда муҳрдор, вазир Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро давлатидаги мавқе ва нуфузига қатъий ишонч билан суянган. Ободончилик, маърифий ишларни бажаришда улар бақамти, бамаслаҳат иш кўрганлар. Чунончи, 23 номада Жомий бевосита деҳқон ва ҳунармандларнинг оғир аҳволини яхшилаш, уларни ҳимоя қилиш ҳақида фикр юритса, қирқ битта мактубда мадраса талабалари, олим ва толиби илмларнинг аянчли аҳволи хусусида қайғуради. Хатлардан бирида шундай фикр мавжуд: «Камбағал тоифалардан бўлмиш бир тўда кишилар: «Бу мамлакатда илм олиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд» деган овозаларга ишониб, тўрт томондан шу ёққа оқиб кела бошладилар, аммо бу ерда қандай тирикчилик ўтказиш ҳақида бош қотиришларига тўғри келган».

Икки нома Улуғбекнинг сафдоши, машҳур математик олим Али Қушчининг Мовароуннаҳр ва Хуросондан Туркияга жўнаб кетиш санасини аниқлашга ёрдам беради.

Хуллас, Жомий мактубларининг нашр этилиши катта маданий ҳодисадир. Бу китоб XV аср Ўрта Осиё ва Хуросоннинг жуда кўп ижтимоий-сиёсий, хўжалик, маданий ва адабий масалаларини ўрганишга, мавжуд далил ҳамда мулоҳазаларга аниқлик киритиш, тўлдиришга хизмат қилади.

Ҳамиджон ҲОМИДОВ,
филология фанлари кандидати

1

2

Тошкент шаҳридаги 63-ҳунар-техника билим юртида ўқув-тарбия ишлари ва амалий машғулотлар яхши йўлга қўйилган. 1. Дурадгор уста Содир Мўминов ёшларга ўн йилдан бери ҳунар ўргатиб келади. 2. Билим юртининг ўқувчиси Баҳодир Раҳимов (чапда) 1-ёғочсозлик заводида ишлаб чиқариш практикаси даврида тажрибали уста Тастон Мулдабековдан иш ўрганаётир. 3. Билим юртининг ишлаб чиқариш таълими ўқитувчиси, Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Шоимқул Норқулов (ўртада) Тошкент Бош қурилиш бошқармасининг 35-қурилиш-монтаж бошқармаси объектида ёшларга сувоқчилик сирларини тушунтирмоқда.

Н. Шарипов фотолари

3

СССР Давлат мукофоти лауреатлари

СУРХОН СУРИ

ОЛТМИШ учинчи йилнинг баҳори эди. Шўрчи район қишлоқ хўжалик бошқармасига портфель кўтарган қотмагина бир йигит кириб келди.

Бошқарма бошлиғи Рўзи Саманович Эргашев (ҳозирги пайтда Ленин йўли район партия комитетининг биринчи секретари) йигитни илиқ қарши олди. Йигит Қишлоқ хўжалик институтини тамомлаб, йўлланма билан районга келганини айтди.

— Ҳозирча районда икки хўжаликда —«Ўзбекистон» совхози ва Гагарин номли давлат наслчилик заводида зоотехник етарли эмас,— деди бошқарма бошлиғи.

— Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида ўқиган йилларимда Гагарин номли наслчилик заводида практикада бўлганман. Ўша ерда сур териларининг янги типларини яратиш устида иш олиб борилаяпти. Завод зоотехниги Мирхолиқ Менглиев билан шу масала бўйича баъзи ниятларни кўнгилга тугиб қўйгандик. Ўша жойга юборсангиз,— деб илтимос қилди Хуррам.

Рўзи ака ўйланиб, Хуррамга синовчан назар ташлади. Йигитнинг дадил ҳаракатлари унда ишонч уйғотди.

— Хўп, ука, сизни қоракўлчилик заводига ишга юборамиз. Муваффақият тилайман,— деди Рўзи ака Хуррамнинг қўлини маҳкам қисиб.

...Мана, бир ҳафтадирки, Мирхолиқ билан Хуррам Тебат яйловларида. Совхоз яйловлари хўжаликдан 100—120 чақирим узоқда. Фақат бир йўл бор: Қоракўл қўйларнинг янги типини яратиш учун қўчқорларни саралашни тугаллагунча шу кимсасиз, аммо айни баҳорда ям-яшил парқу гилам тўшалган яйловдан бир қадам ҳам жилмаслик керак!

Мирхолиқ Бектош Ўтаев, Ниёзқул Эргашев, Сафар Йўлдошев, Зариф Шодузов ҳамда Умир Қўчқоров каби чўпонлар билан маслаҳатлашди. Улар икки ҳамкасб — зоотехниклар Хуррам билан Мирхолиққа қўчқорларни танлашда маслаҳат бердилар.

— Бу жуда майда иш. Ҳар бир янги тип насл яратиш учун қўчқорларни саралаш керак. Бир бош сур қўчқорни ажратиб олгунча эса она сути оғзига келади кишининг,— дея синовчан назар ташлади Бектош ака.— Шу ишни кейинроққа қолдирсак бўлмайдими?

Хуррам Мирхолиққа қаради, унинг фикрини билмоқчидай бўлди.

— Иложи йўқ,— деди Мирхолиқ. У бу ишни пайсалга солиш кони зарар эканлигини яхши билар эди. Ахир, октябрь ойида совлиқлар қочирилмаса бутун завод ҳалокат ёқасига бориб қолади. Шунинг учун зот танлашни кечиктириб бўлмасди.

Хуррам дўстининг, кичкиналигиданоқ чўпон бобоси Раҳимқул Эшонқулов, отаси зоотехник Менгли Раҳимқуловлар билан бирга қўйлар ичида катта бўлгани учунми, шу соҳани яхши билишини яна бир карра ҳис этди: «Чўрткесар, принципиал одам. Манзилни кўзладими, ҳар қандай тўсиқни ҳам писанд қилмайди».

— СЖКда қочирилган совлиқларнинг қўзиларидан олинган қўчқорларни танламаслик керак,— деди Хуррам ҳамкасбларига.

Узоқда «Волга» машинаси оқариб кўринди... Ундан район партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Чори Алиматов тушди. У Мирхолиқ Менглиев ва Хуррам Менгбоев ўртоқлар билан отарларни кўздан кечирди. Айниқса, секретарь техник ассеминаторлар Жўра Чориев, Мамат Холбоев, Бекпўлат Қулқораев, Шоди Оқбоев, Бомомурод Хурсандов ва Алиёр Аширқуловнинг ишидан мамнун бўлди.

— Булар суянган тоғимиз,— деди Мирхолиқ Менглиев райком секретарига,— наслчилик ишини ассеминатор меҳнатисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

— Оби-ҳаво ноқулай келган қор-бўронли кунларда ҳам чорва қишловини чиқимсиз ўтказаяпсизлар,— деди Алматов яйловни айланиб чиққач, мамнун бўлиб.— Раҳмат сизларга, коммунистлар ана шундай бўладилар, уддабурон бўладилар, ишга масъулият билан ёндашадилар.

...Австрияда, Руминияда бўлиб ўтган жаҳон қоракўлчиларининг биринчи ҳамда иккинчи симпозиумларида хорижий мамлакатлар мутахассислари Сурхон сурини ҳайратланиб томоша қилдилар. Ҳатто улар: «Ростдан ҳам шу қоракўл терилар табиийми?..» деб, обдан қизиқдилар. Ўшанда ҳайратга тушган баъзи мутахассислар 1975 йили қоракўлчилик бўйича Самарқанд шаҳрида ўтказилган III Халқаро симпозиумга келган эдилар. Жаҳон қоракўлчиларининг вакиллари тўпланган бу йирик анжуманда Гагарин номли қоракўлчилик заводи директори Мирхолиқ Менглиев, зоотехник Хуррам Менгбоев ва бош чўпон Сафар Сатторов ҳам қатнашдилар. Улар кўргазмага элликта қоракўл қўй ва кўзи олиб келгандилар.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг Қоракўлчилик бош бошқармаси бошлиғи Муса Жақипович Муқанов меҳмонларни ва мутахассисларни кўргазмага қўйилган маҳсулотлар билан таништирди. Чет эллик қоракўлчи мутахассислар сури жилоланиб турган қоракўл қўйларни, қўзиларни қизиқиш билан томоша қилдилар. Улар Гагарин номли заводдан келтирилган рангли қоракўл қўй ва қўзиларни синчиклаб кузатдилар...

Гагарин номли наслчилик заводи директори Мирхолиқ Менглиев.

Наслчилик заводининг зоотехниги Хуррам Менгбоев.

Гагарин заводи раҳбарлари симпозиумдан хурсанд бўлиб қайтдилар. Улар сурнинг сифатини янада яхшилаш режаларини тузиб ишга киришдилар.

...Сурхон сури ва унинг типи 1962 йили, жанубий кўк қоракўл типи эса 1968 йили давлат тасдиғидан ўтди. (Бу тип сарғиш ва қаҳрабо ранглардан иборат.) Аслида янги типни яратиш учун қоракўл қўй ёввойи кийикдан уруғлантирилди. Лекин бу осон кечмади: ёввойи тоғ кийиги билан қўлда боқиладиган қўйни уруғлантириш мутахассисларнинг тинимсиз ҳаракати натижасидагина ниҳоясига етди. Бунинг учун йиллар ўтди. Бу давр завод мутахассисларининг иродаси, бардоши, муҳими, билими учун синов бўлди. Энди нима қилиш керак? Эгалланган марра етарлими ёки яна наслчилик ишини давом эттириш зарурми?

Директор Мирхолиқ Менглиев ва заводнинг мутахассислари олдида янги муаммолар кўндаланг бўлиб турарди. Қўйлар асосан СЖК орқали қочирилаётир. Аммо бундай совлиқлар ва қўчқорлардан янги-янги типлар яратиш учун наслчиликда фойдаланиб бўлмасди. Негаки, СЖК воситасида етиштирилган қўйлар барибир нимжон, камқувват бўлиб ўсади. Лекин иккинчи томондан совхознинг ишлаб чиқариш кўрсаткичи бир жойда «депсиниб» турмаслиги лозим.

— СЖКни яхши ишлатмапсизлар, деб район раҳбарларидан дакки эшитсак эшитайликки, лекин наслчилик ишини сусайтирмайлик,— деди Мирхолиқ бош зоотехник Хуррам Менгбоев билан шу масала юзасидан суҳбатда.— Қўйларни сунъий қочиришни кескин камайтирамиз. Шундагина селекция ишларини муваффақиятли олиб бориш имконияти яратилади.

1973 йил Москвадаги «Колос» нашриёти Гагарин номли заводнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган наслчилик ишлари планини кўп нусхада нашр этганлиги Ўзбекистон қоракўлчилигида муҳим воқеа бўлди.

1976 йил. Германия Демократик Республикасининг Лейпциг шаҳрида барча социалистик мамлакатлардан йирик фан арбоблари, қоракўлчилик мутахассислари йиғилдилар. Бу ерда «Агро-76» деб номланган қишлоқ хўжалик ярмаркаси бўлди. Бунда Совет Иттифоқидан 4 та маҳсулот олтин медаль билан тақдирланди. Мукофот билан тақдирланган маҳсулотлар орасида сурхон сури ҳам бор эди. Ярмаркада қатнашаётган Мирхолиқ Менглиевнинг севинчи чексиз эди.

1982 йилда завод давлатга 24 мингта қоракўл тери топширди. Бундан ташқари, хўжаликларга 2,5 минг бош наслдор қўчқор, яна шунча миқдорда урғочи қўй сотилди. Мақтанишга арзийдиган зафарлар! Бироқ бу зафарлар хўжалик меҳнаткашларида сира хотиржамлик кайфиятини ҳосил қилолмайди. Қоракўлчилар ҳамиша изланишда.

— Эндиликда яна бир муаммо устида иш олиб боряпмиз,— дейди совхоз директори Мирхолиқ Менглиев.— Бу жаҳон бозорида нархи энг қиммат ясси гулли тери етиштиришни янада кўпайтирмоқчимиз. Заводимизнинг фақат бир отарида шу хил тери олинадиган қўйлар бор. Барча селекционерларимиз, чўпонларимиз ҳозирги кунда шу муаммони ҳал этиш устида қизғин иш олиб бораётирлар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Фан ва техника соҳасида 1982 йилги СССР Давлат мукофотларини бериш тўғрисида»ги қарорига асосан Қумқўрғон районидаги Гагарин номли давлат наслчилик заводи ходимлари — директор, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Мирхолиқ Менглиев, селекционер, зоотехник Хуррам Менгбоев Бухоро ва Сурхондарё сурини яратганликлари ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этганликлари учун СССР Давлат мукофотига сазовор бўлдилар.

Юксак мукофот билимдон ва омилкор чорвадорларни янги муваффақиятларга даъват этмоқда.

Жовли ХУШВАҚТОВ

Хуррам Маматқулов фотолари Сурхондарё

ЎРТА ОСИЁДА ИНҚИЛОБ БЕШИГИ

Ғуломқодир РАШИДОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

XX аср бошларига келиб Ўрта Осиёда революцион ҳаракат йил сайин кучая борди. Бунда Россиянинг марказий районларидаги оммавий синфий кураш ва рус революционерларининг актив фаолияти кучли таъсир кўрсатди. Ўрта Осиёдаги ҳукмдор синфларга қарши курашга Тошкент ишчилар синфи бошчилик қилди. Чунки у большевиклар раҳбарлигида курашда анча чиниққан, тажрибага эга бўлган илғор синф эди. Тошкент пролетариатининг Ўрта Осиёдаги етакчилик роли бу ерда Улуғ Октябрь социалистик революциясини тайёрлаш ва амалга оширишда ҳам яққол кўзга ташланди.

1917 йилги февраль революцияси туфайли чор самодержавиесининг ағдарилиши мамлакатдаги аҳволни бутунлай ўзгартириб юборди. Ҳамма жойда сиёсий активлик кучайиб кетди. Революция ҳақидаги хабарлар босилган газеталарни тошкентликлар қизиқиб ўқишар ва ундан руҳланиб, кўча намойишлари ўтказишар эди. Март ойининг бошларида Тошкентда ишчиларнинг катта намойиши бўлиб ўтди. Эрталаб вокзал майдонига ишчилар тўпланишди, кейин улар саф-саф бўлиб қўлларида қизил байроқлар билан «Марсельеза», «Дадиллик билан баравар одим ташлайлик, ўртоқлар!», «Варшавянка» каби революцион қўшиқларни айтиб, Духовский (ҳозирги Пролетар) кўчасида Собор майдони (ҳозирги В. И. Ленин номли майдон) томон юришди. Алвонларда: «Яшасин, ишчи депутатлари!» деган шиорлар кўзга ташланарди.

Тошкент темир йўлининг ишчилари Ўрта Осиёда ишчи депутатлари Советларини ташкил этишда ташаббускор бўлдилар. 1917 йил 3 мартида ишчи депутатлари Совети сайланди. Эртасига эса солдат депутатлари Совети сайланди. Орадан кўп ўтмай, бу Советлар бирлашиб, Тошкент янги шаҳар Советини ташкил қилди. 1917 йил июнда эса Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида мусулмон ишчи депутатлари Совети сайланди. Бу Совет Тошкентнинг Эски шаҳар қисми меҳнаткашларининг Совет ҳокимияти учун олиб борган курашида муҳим роль ўйнади.

1917 йил мартида РСДРПнинг Тошкент ташкилотида большевистик группа ташкил топди. Бу группада Н. Шумилов, Ф. Колесов, А. Казаков, Д. Манжара, В. Ляпин каби тажрибали революционерлар билан бир қаторда Н. Хўжаев, Ж. Камолов, Т. Абдураҳмонов, М. Мирходиев О. Бобожонов ва бошқа миллат вакиллари бор эди.

Большевиклар ишчилар орасида февраль революцияси туфайли ташкил топган вақтли ҳукуматнинг, меньшевиклар, буржуа миллатчилари ва улар атрофида бирлашган унсурларнинг хоинлигини фош этиб, барча меҳнаткашларни ҳокимиятни Советлар қўлига олиб бериш учун курашга чорладилар. В. И. Ленининг буржуа-демократик революциядан социалистик революцияга ўтиш ҳақидаги кўрсатмаларини Ўрта Осиёда амалга оширишда Тошкент большевиклари катта роль ўйнадилар ва бу борадаги революцион курашга етакчилик қилдилар.

1917 йил ёзига келиб Тошкент Ўрта Осиёда касаба союз ҳаракатининг ҳам йирик марказига айланган эди. Бу ерда темир йўлчилар, бинокорлар, пахта тозалаш заводлари, трамвай устахоналари ишчилари ва бошқа касбдаги ишчиларнинг Касаба союзлари ташкил этилди. Ўша йили июнь ойида Эски шаҳарда биринчи марта бинокор ишчилар Касаба союзи юзага келади. Тажрибали революционерлардан бири Султонхўжа Қосимхўжаев бу ташкилотнинг раислигига, унинг акаси Акбархўжа Қосимхўжаев котиблигига сайландилар. Орадан кўп ўтмай маҳаллий ишчи ва камбағалларнинг яна бир нечта касаба союзлари вужудга келди. Барча касаба союзлар большевиклар раҳбарлигида иш олиб бориб, синфий душманларга қарши курашга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

РСДРП VI съездининг социалистик революцияни тайёрлаш, большевиклар ва меҳнаткашларни қуролли қўзғолонга сафарбар этиш борасидаги қарорларини амалга оширишда Ўрта Осиёда тошкентликлар олдинги сафда бордилар. 1917 йил кузига келиб бу ерда революцион вазият етилди. Тошкентдаги «Сентябрь воқеалари» бунинг ёрқин намойиши бўлди.

1917 йил 12 сентябрда Александр паркида (ҳозирги Темир йўлчилар хиёбони) Янги ва Эски шаҳар ишчилари, солдатлар, ҳунармандлар ҳамда камбағалларнинг кўп минг кишилик катта митинги бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари якдиллик билан ҳокимиятни Советлар қўлига топшириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Шу ернинг ўзида Муваққат революцион комитет сайланди. Тошкент Совети ижроия комитетининг янги состави тузилди. Сентябрь кунларида большевикларнинг таъсири анча кучайди ва ҳокимият асосан Тошкент Совети ва Ревком қўлига ўтди. Сентябрь воқеалари Ўрта Осиёдаги революцион вазиятни кескинлаштирди ва социалистик революцияга ўтишда бурилиш нуқтаси бўлди.

Шаҳар ишчилари, революцион солдатлари ва камбағаллари бутун ҳокимиятни Советларга беришни, империалистик урушни тўхтатишни, ерни деҳқонларга беришни, саноат, савдо ва ҳоказолар устидан назорат ўрнатишни қатъий талаб қила бошладилар. Бу вақтга келиб Тошкент социалистик революциясининг марказларидан бирига айланди, унинг пролетариати ўз жасорати, ташаббуси ва бирдамлиги билан энг катта миллий ўлкалардан бири бўлган Туркистонда намуна кўрсатди.

Петроградда қуролли қўзғолон ғалаба қилган куни — 1917 йил 25 октябрда Тошкент Советининг шаҳар демократик ташкилотлари вакилларининг иштирокида ёпиқ кенгайтирилган мажлиси бўлди. Ана шу мажлисда қуролли қўзғолон плани ишлаб чиқилди ва қўзғолонга тайёргарлик кўриш ишларини олиб бориш учун ўлканинг турли шаҳарларига вакиллар юборишга қарор қилинди.

Петроградаги қуролли қўзғолон ғалабаси ҳақидаги хуш хабар Тошкентга 27 октябрда етиб келди. Ундан руҳланган Тошкент ишчилари эртаси куни Ўрта Осиёда биринчи бўлиб вақтли ҳукумат маъмуриятига қарши қуролли қўзғолон бошладилар. 28 октябрь куни тонготар вақтда «Ишчилар қалъаси» деб аталган Темир йўл бош устахонасига шаҳарнинг ҳамма томонидан ишчилар кетма-кет кела бошлади. Улар устахонага келтирилган қурол-яроғлар билан қуролланишди, ўқ-дори ғамлашди. Ишчилар уз заводлари бўйича группаларга бўлиндилар. Қўзғолонга раҳбарлик қилиш учун революцион комитет ва унинг штаби тузилди. Шу куни тонгда даставвал В. Ляпин ва А. Першин бошчилигида темир йўлчилар қўлга қурол олиб майдонга чиқдилар. Совет ҳокимияти учун жанг тўрт кун давом этди. Қўзғолончиларга раҳбарлик қилиб турган шаҳар большевиклари Янги шаҳар билан Эски шаҳарнинг ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш, барча кучни душманга қарши сафарбар этиш тадбирларини изчиллик билан амалга оширдилар. Шаҳар ишчилари, камбағал ҳунармандлар қўзғолончиларга катта ёрдам кўрсатдилар. Улар орасида Тошпўлатов, Искандарбеков, Тарасов, Галкин, хотин-қизлардан Узоқбоева, Ғойибжонова, Бахтиёрова ва бошқалар бор эди. Кушка, Красноводск ва бошқа шаҳарларнинг Советлари ҳамда ишчилари Тошкентда қуролли қўзғолон бошланганлигини эшитиб, тошкентликларни табрикладилар ва уларга мадад беришга ваъда қилдилар.

Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги ўзбек ишчилари ва камбағаллари тинимсиз шиддатли жанг кунларида қўзғолончиларга ҳар томонлама кўмаклашдилар. Уларнинг катта бир группаси Урда билан Шайхонтоҳур ўртасида баррикада қуриб, ҳужум қилиш эҳтимоли бўлган оқгвардиячиларга қарши шай туришди.

Қўзғолоннинг дастлабки икки куни ишчилар учун оғир кунлар бўлди. «Ишчилар қалъаси»даги қўзғолончилар мардонавор жанг қилиб, бир неча бор душман ҳужумини қайтаришга муваффақ бўлдилар. 30 октябрдан бошлаб уларнинг қўли устун кела бошлади. Революцион жанг роса кескинлашган бир пайтда Эски шаҳардан қурилланган ўзбеклар дружинаси етиб келиб, Совет ҳокимияти учун курашда актив қатнашди. 31 октябрь кечаси шаҳарнинг барча қисми (ҳарбий қалъадан ташқари) қўзғолончилар қўлига ўтди. Шундан кейин ҳарбий қалъага штурм бошланди. Охирги жанглар ҳам қўзғолончиларнинг мутлақ устунлигида ўтди.

1 ноябрь куни саҳар чоғи аксилинқилобчиларнинг сўнгги таянчи — ҳарбий қалъа штурм билан олинди. Бутун ҳокимият большевиклар раҳбарлик қилаётган Тошкент Совети қўлига ўтди. Бу ҳувончли воқеа телеграф орқали ўлкадаги барча маҳаллий Советларга маълум қилинди. Тошкент Совети Ўрта Осиёдаги барча Советларга қарата ғалаба чақириғини тарқатди: «Бутун ҳокимиятни Совет эгаллади, ҳокимиятни ўз қўлингизга олингиз!»

Шу тариқа Ўрта Осиёда революциянинг тақдири айнан Тошкентда ҳал бўлди. Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари тошкентликлардан ўрнак олиб, революцион ҳаракатни кучайтирдилар ва бирин-кетин ҳокимиятни қўлга ола бошладилар.

Шундай қилиб, уч революция шаҳри бўлган Тошкентда Совет Шарқи шаҳарлари орасида илк бор пролетар революциясининг ғалаба байроғи ҳилпиради. Совет ҳокимияти ғалабаси шарофати билан қайта туғилган Тошкент ленинча миллий сиёсатни оғишмай амалга ошириш туфайли бир неча йиллар ичида ўз қиёфасини тубдан ўзгартирди, қудратли индустрия, илғор социалистик маданият ва фан шаҳрига айланди.

Тошкент шаҳридаги эксперименталь-механика заводининг слесари, коммунист Қудрат Муҳамедов етти йилдан бери коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номни оқлаб келаётир.

Н. Шарипов фотоси

БОЛАЛАРГА ШЕЪРЛАР

Рауф ТОЛИБ

СЕНИ ДЕБ...

— Нега айтинг,
Гулзорларда
Очилар чаман гуллар?
Нима деб тонг —
Саҳарларда
Сайрар тинмай булбуллар?

— Гул очилар,
Кўрганингда
Кўзларинг қувнасин, деб.
Булбул сайрар,
Эшитган чоғ
Завқ-шавқинг қайнасин, деб.

Тоғдан эриб,
Тушар қорлар
Ташнангни қондирай, деб.
Лолазорлар
Яшнар, порлар
Дилингни ёндирай, деб.



Қўкда кулиб,
Қуёш бобо
Шуъла сочар йўлингга.
Кундан-кунга
Ўсар ниҳол
Бол тутай деб қўлингга.

Қувна, ўйна,
Эй, болажон,
Сени кафтда тутар ер.
Қирлар, боғлар
Сени кутар,
Бутун борлиқ сени дер.

МЕН — БАҲОР

Гул очибди,
Яшнаб ҳар ёқ
Олам гўзал қанчалар.
Қалбим менинг —
Уйғонган боғ,
Қувончимдир —
ғунчалар.

Осмонга бўй
Чўзган ниҳол —
Ям-яшил орзуларим.
Тутқич бермай,
Чопган шамол
Бебош, шўх туйғуларим.

Бугун қуёш
Кўринг ёрқин,
Зиё олган кўзимдан.
Лолалар-чи,
Олди ёлқин
Менинг гулгун
юзимдан.



Қулоч очиб,
Чопгим келар,
Мен қандай бахтли бола!
Шўх қаққаҳам —
Юксак тоғдан
Тик отилган шалола.

Кўнглим каби
Чақнар осмон,
Гуллар унар изимдан.
Табиатга
Мен бердим жон,
Баҳор — менинг
ўзимман.

ОДОБЛИ БОЛА

Каттакон Олапарга
Аббоснинг тушиб кўзи,
Ўтакаси ёрилиб
Оқариб кетди юзи.

Эгаси буни кўриб,
Деди:— Қочмагин, ўртоқ.
Тишламайди у ахир,
Бунча бўлмасанг қўрқоқ?

Итдан кўзини узмай,
— Ундай эмас,— дер
Аббос.—
Мен одобли боламан,
Итга йўл бердим, холос.

Баҳодир АМИНОВ

МЕН ЭККАН КЎЧАТ

Бобом билан эккан кўчат
Бу йил нишона берди.
Олмалари шиғил-шиғил
Кун бўйи мева тердик.

Еган одам оғзида бол,
«Воҳ, мунча мазали!» дер.
Бошим силаб дейди бобом:
— Буни эккан Алишер!

Ўгирилиб барча менга
Ҳавас билан боқади.
Нима дердим, ўзимга ҳам
Боғбон бўлиш ёқади.

САВОЛЛАРИМ

Ёмғир савалайди, дерлар,
Бўрон эса увлармиш.
Қордан кўрпа ёпиб ерлар
Қишда ҳорғин ухлармиш.

Баҳор келса мажнунтоллар
Сўйлармиш сувга эртак.
Гуллар аста чайқалармиш
Еллар куйласа бирдак.

Тун қўйнида япроқлар ҳам
Шивирлашармиш бир-бир.
Сирдан иборатми олам,
Айтинг, ахир, бу не сир?

Рўпарада, ҳув баланд тоғ
Уйга чўмгани ростми?
Фақатгина оппоқ қалпоқ,
Айтинг, унга либосми?

Қовоғини солиб осмон
Гоҳо минса ғазабга,
Нега шунда, сиз, дадажон,
Дейсиз: «Тегди асабга».

Кўкда юлдуз кўз қисади,
Ой кулади мулойим.
Булар бари сеники дер
Мени аллалаб ойим.

Тонгда туриб боқсам, яна
Олам куйга тўлади.
Табиатда шўх тантана,
Ҳатто қуёш кулади.

1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш куни

Билдим, билдим: табиат
ҳам
Биздай нафас оларкан.
Шудир сабаб: кўчат эксам,
Бобом хурсанд бўларкан.

Лекин дилда саволларим
Жуда кўпдир, қатма-қат.
Барчасини сўраб, билиб
Оламан етса фурсат.

Жўра РАҲИМ

БУҒДОЙ ЎРИМИ

Сариқ чойшаб ёпинган
Кўз илғамас ғаллазор.
Шабада қанотида
Чайқалади беозор.

Бошоқлари шамолда,
Тилла сочин тарашар.
Шиғил-шиғил донлари
Мўралашиб қарашар.

Комбайнлар гурлайди,
Қизғин буғдой ўрими.
Ҳансиратар ҳосили
Машиналар зўрини.

Штурвални бураган
Опам Ойқизга ўхшар.
Худди буғдой донидек
Юзи қирмизга ўхшар.

Чанг қўнса ҳам киприкка,
Лабидан кетмас ханда.
Қалбингиз тўлқинланар,
Ҳар бункерни тўкканда.

Занжирдек бирин-кетин
Машина ташир ғалла.
Бизда буғдой ўрими
Қизир шундай ёз палла.

ПИЛЛАЧИ ПИОНЕР

Доим аъло ўқийди
Пионер қиз Ойтўти.
Шу йил баҳор келганда
У қурт тутди бир қути.

Парваришлаб қуртларни
Тут баргини берди у.

Сўкичакдан тўкилса,
Эринмасдан терди у.

Ҳароратин хонанинг
Тутди у бир маромда.
Унутмади ғанани,
Ҳаво қуртга ором-да!

Оқаришиб етилди
Ўраб бошлади пилла.
Кўрган киши завқланар
Пилла эмас, оқ тилла.

Мўл бўлса кумуш тола
Халқимиз шоҳи кияр.
Хурсанд бўлиб халқимиз
Бизларга раҳмат деяр.

Чортоқ

Анвар ОБИДЖОН

ОШҚОВОҚНИНГ ТАРВУЗГА ХАТИ

Ҳаёт жуда мураккаб,
Топиб ол ўз йўлингни.
Нодон бўлиб,
Ҳар кимга —
Ширин қилма тилингни.

Ўхшаб, аҳмоқ Пуфакка,
Сал нарсага шишмагин.
Яшай десанг
Узоқроқ
Кеч кузда ҳам
пишмагин.

Жаноб Қозонювғичдан
Олиб турғин соҳ сабоқ.
Омад тилаб қолувчи:
Олим аканг
Ошқовоқ.

ҚЎРАНИНГ ҚУМҒОНГА ХАТИ

Чилопчинхон иккимиз
Апоқ-чапоқ юрибмиз.
Уйимиз йўқ,
Ҳозирча —
Айвончада турибмиз.

Гоҳ дахлизга киритар
Хўжайним сал эриб.
Келган меҳмон билан мен
Кўришаман қўл бериб.

Кеча
Уйинг ичига
Кириб бордим айвондан.
Кўрсам, турар Чойнаквой,
Бурни десанг осмонда.

Қуйиб-пишиб ўчоқда
Қайнатасан сен сувни.
Ликопчага ўтқазиб,
Ҳурматлашар у қувни...

Соғ бўлайлик, ишқилиб,
Ўткинчидир бу бари.
Обдаставой айтгандек,
Дунё ўзи тескари.

ҚАЙЧИНИНГ ПИЧОҚҚА ХАТИ

Ғийбатчилар тўдаси
Мени очкўз дейишар.
Лекин улар ўзлари
Мендан кўпроқ ейишар.

Яшаш керак, ошнажон,
Йўқ, нафсимни тиймайман.
...Қўрқма,
Касбимиз бошқа,
Ризқингни ҳеч қимайман.

ПЕЧКАНИНГ ЎЧОҚҚА ХАТИ

Уй ичида ҳозирча
Йўқдир муҳим янгилик.
Фақатгина кўмирдан
Сезаяпман сал танглик.

Гоҳи мўрим тиқилса,
Тутоқаман армонда...
Мундоқ хат-пат ёзиб тур,
Хўш,
Нима гап айвонда?

Қамбар ЎТАЕВ

ЯПРОҚЛАР

Нур эмишиб қуёшдан,
Япроқчалар яйрайди.
Бу қувончга қўшилиб
Шохда қушлар
сайрайди.

Дарахтларда ёмғирдан
Асраб турар гулларни.
Мевалари пишганда
Қувнатади дилларни.

Зумрад, яшил япроқлар
Шовуллайди боғларда.
Соясига чорлайди,
Кун қизиган чоғларда.

Бизлар учун чанг ютиб,
Тозалайди ҳавони.
Кўзимизга яшнатиб
Кўрсатади дунёни.

ЕРШУНОС БЎЛАМАН

Мен ершунос бўламан,
Текшираман ер шарин.
Бир кун айтиб бераман
Унинг ҳамма дардларин.

«Меҳрибон онам» дея,
Бағрига қўл соламан.
Бир кичик фарзанд
бўлиб,
Кўнгилларин оламан.

Истагим, ер қадрига
Етмаган зот қолмасин.
Биз уни эъзозлайлик,
Еримиз ҳеч толмасин.

«Мана, дардингга шифо,
Ержон, ингранма»,—
дейман.
«Иситмалаб, ҳеч қачон
Оғриб тебранма,—
дейман —

Омон яшашинг учун —
Тайёрмиз хизматингга.
Бош эгиб таъзимдамиз
Ҳурмату ҳимматингга».

Бахтимиз гаровидир
Тупроқнинг ҳар зарраси,
Йўлатмайлик ерга ғам,
Бўлмасин ҳеч яраси.

Мен ершунос бўламан,
Текшираман ер шарин.
Қандай яхши, биз ернинг
Тузатолсак дардларин.

ҚУШНИ БОЛА

Жондан яқин,
Қўшни бола.
Дилда чақин
Қўшни бола.
Ёнма-ёндир
Эшигимиз.
Янграр қувноқ
Қўшиғимиз.
Қўғирчоқлар,
Ўйинчоқлар
Кўнглимизни
Роса чоғлар.
Доим дилдан
Меҳр қўйиб,
Гаплашайлик
Тўйиб-тўйиб.
Жондай яқин
Қўшни бола.
Дилда чақин
Қўшни бола.

Саодат ТОЖИ

БОЛТАТУМШУҚ

Болтатумшуқ қуш
кўрдим,
Тумшуғи болта экан.
Бир ишини хуш кўрдим,
Хизмати катта экан.
Қанча қушлар ишини
Бажараркан бир ўзи,
Боққан чоғи тик боқар,
Меҳрга ошён кўзи.
Садоқатда кўкраги
Гўё олам-осмон қуш.
Қушчаларга, қушларга
Болтатумшуқ посбон
қуш.

ЙЎРҒА ҚУШ

Бир қуш кўрдим, йўрға
қуш,
Меҳнатидан кўнгли хуш.
Қўқатларни оралаб,
Доим юрар йўрғалаб.
Уни қувиб тутолмас,
Чопиб ҳеч ким етолмас.
Баҳор ва ёз паллада
Учраб турар далада.
Табиатга фойда қуш.
Гўзалликка шайдо қуш.
Севган жойи далалар,
Уни севар болалар.

Қашқадарё

ХАФА БЎЛМАНГ, ДАДА

Яйра САЪДУЛЛАЕВА

Ҳамид дарс тугашини орзиқиб кутарди. Қўнғироқ чалинса-ю уйига чопса. Бувиси: «Келишингга картошка билан гўшт қовуриб қўяман», деган эдилар. Мана кўрасиз. Бориши билан Фарғонадан келган сопол лаганга овқатни шундай сузадилару, бугини чиқариб олиб келадилар. Тилла ҳалли ликобчада, албатта, туруп ёки тузланган помидор бўлади. Икковлари учун ҳозиргина дамланган чойдан Ҳамидга ҳам қуйиб қўядилар.

Ҳамид шуларни кўз олдига келтириб, иштаҳаси очилиб кетди. Доскага ёзилган сўзлар ўрнида бугун кўтарилган овқат пайдо бўлди. Биқиллаб қайнаётган самовар олдида бувиси пиёладаги чойни пуфлаб-пуфлаб ичяптилар. Яхшиямки, шу пайт қўнғироқ чалиниб қолди. Ўқитувчи турғизсами, роса уялиб қоларди-да.

Ҳамид папкасини апил-тапил қўлтиқлаб уйига югурди. Айтганидай, газ плитаси устида чой биқиллаб қайнаб турибди. Қозон томондан шунақанги иштаҳа очадиган ҳид келяптики... У дарров кийимини ечиб спорт формасига алмаштирди. Бувиси билан бирга масза қилиб овқат еди. Ахир бугун бошқача мусобақа бўлади. Қандай бўлмасин Садирларни енгиш керак. Кеккаймачоқларнинг бир таъзирини беришсин...

Уйин жуда қизиқ ўтди. Ҳамид ҳужумчи эмасми, бир ўзи рақиб дарвозасига тўртта тўп киритди. Ҳисоб улар фойдасига ҳал бўлди. Бошқа дўстлари сингари Ҳамид ҳам роса чарчади. Уйин тугагач, терлаб-пишиб кетган Ҳамид уйига ошиқди. Чунки дадаси унга бугун ниманидир совға қилмоқчи эди.

Муюлишда дадасига дуч келди. Унинг икки қўли тўла нарса, елкасига «айлана» осиб олган эди. Дадаси кўтариб олган нарсаларни кўриб, Ҳамид аввалгидан ҳам чарчагандек бўлди. «Шунча нарсани нима қиладилар кўтариб», деб ўйлади у. Дадаси икки ҳалтани ерга қўйиб, елкасидан тушиб кетаётган «айлана»ни яхшилаб кўтариб қўйди, қўлларини бир-бирига ишқаб, юкни олди.

— Дада, хафа бўлманг, хўпми, кўтаришиб юборардиму жуда чарчаб кетдим,— деди Ҳамид ҳорғин. Кейин у бирдан жонланди.— Тўртта тўпниям ўзим урдим. Садирвойлар энди кеккаймайдиган бўлишди.

Ҳамид уйга бора-боргунча футбол ҳақида оғзини тўлдириб гапириб борди. У дадасининг қўли толиққанини хаёлига келтирмас эди.

Эҳ, Ҳамиджон, даданга озгина ёрдамлашиб юборсанг бўлмасмиди?..

КЕЧ БЎЛСА ҲАМ...

Саодат ШАМСИЕВА

Касаллик сабаб бўлиб Зебо исмли дугонамни топдим. Сабаб тасодифни келтиради.

Шу кеча алламаҳалгача ухлай олмадим. Ёшлик йилларим кўз олдимда намоён бўлаверди. Зебо билан мен ва қўшни йигитлар Ҳамидулла билан Насибулла ҳар куни Тарновбоши маҳалласидан пиёда янги шаҳарга қатнардик. Биз Қизлар билим юртида ўқирдик. Улар эса Эрлар билим юртида ўқишарди. Ўқишлар тамом бўлгач, мен Ҳамидулла билан Самарқандга, Зебо билан Насибулла Сурхондарёга йўлланма олиб, ишга кетдик. Шундан сўнг анча йиллар кўриша олмадик.

Эртаси куни врачлар кўригидан ўтиб бўлгач, борсам, Зебонинг нарсалари йиғиштирилган экан. «Кўрдингми,— деди у жилмайиб,— эшик олдида турган кишига ишора қилиб, ўша Насибулла бўлади». Мен боғ томон ўтиб Насибулла билан кўришдим. Унинг соч-соқоли оқарган бўлса ҳам, ҳали бақувват, кўзлари тетик боқарди. Улар менга турар жойини айтиб, хайрлашиб, уйларига таклиф этиб кетишди. Мен шунча кун шифохонада ётиб, бир-биримизни аввалроқ учратмаганимизга афсусланиб қолдим. Зебога: «Сен бефарзандлик доғида куйиб адо бўлибсан, тўрт гўдак билан бева қолиб, рўзғор судраб менинг ўлмаган жоним», дегим келарди.

Шифохонадан чиқиб, бир куни аэропорт ортидаги Полвонариқ маҳалласини қидириб кетдим, суриштириб аранг топиб борсам, Насибулла пешвоз чиқди.

— Эй, Замирахон, келинг, хуш келибсиз, бахтимга дугонангиз соғайиб кириб-чиқиб юрса майли эди-я! Қўллари чангак бўлиб қолганига уч ой бўлди, боқтирган бизча бўлар. Унга ачинаман...— деди ғамгин овозда Насибулла.

— Чортоқ санатория си шу хил касалликларни даволайди, шекиллик,— дедим мен, сўз тополмай хижолат чекиб. Хуллас, Зебосиз гапимиз қовушмасди. Мен кўп ўтирмай, кета қолдим....

Мен қиш бўйи Самарқандда қизларим ёнида бўлдим. Эрта кўкламда Зебодан бир хабар олай-чи, деб борсам, эшикни яна Насибулла очди.

— Уйингизга неча бор бориб тополмадим, Зебо оламдан ўтди!— деса бўладими кўзлари ёшланиб.

«Дугонажоним, Зебо!» деб додлаб юборибман. Йиғлай-йиғлай шундай кираверишдаги диванга ўтириб қолдим. Кечқурун Насибулла мени уйимгача кузатиб қўйди, аммо уйга кирмади. Шундан сўнг у бизникига келиб-кетадиган бўлиб қолди.

1 Май куни намойишдан сўнг телевизор кўриб ўтирсам, эшик қўнғироғи жиринглаб қолди, очсам, эшикда Насибулла жилмайиб турибди, қўлида кичикроқ бир қути торт. «Байрамингиз муборак бўлсин, азизим», деб жовдираб турибди. Уйга таклиф этмай бўладими шундай бегубор, қадрдон кишини. Байрам столида ўтириб, улуғ айёмни қутладик.

— Бизникига серқатнов бўлиб қолдиларми ўзлари,— деб ҳазиллашдим мен у хайрлашиб чиқиб кетаётганида ерга қараб, даҳлизда турибди.

— Ўзга меҳрибоним бўлмаса, нима қилай?— деди у юзимга тикилиб, жилмайиб.

— Қўни-қўшнилар нима дейди?— дейман ҳижолат чекиб.

— Чолу кампир бир-бирига хўп муносиб. Икки ёрти бир бутун бўлибди, ажаб қилишибди, дейишади,— деб кулади у.

— Менинг болаларим, набираларим бор-а? Улар нима дейди?

— Ҳаммасини биламан,— деди у жиддийлашиб.

У шляпасини ечиб, илгакка илиб қўйди, яна қайта уйга кириб, дивангa ўтирди. Мен ҳам ўтирдим. Гап ўзўзидан уланиб кетди. У ўз гапларининг жиддийлигини уқтирмоқчи бўлди. Мен ён бермадим. Йиғлагудек бўлиб кетди. «Энди келмаса керак», девдим, яна бир куни туш пайти: «Хабар олиб ўтай деб келдим», деб эшик очди. Ноилож: «Киринг», дедим. Тушлик устида гап айланиб яна ўша сўққабошлик, ёлғизлик, бевалик, танҳолик устига келиб тўхтади. «Ёзда бизникида, қишда сизникида яшасак», деб қолди.

— О, дидлари чакки эмас,— деб қолдим мен кулиб нон ушатаётиб.

— Бўлмасам-чи, мен ҳали-бери қаримоқчи эмасман. Боғимизга қаралса, ажойиб истироҳат жой бўлади.

— Насибулла ака, сиз мени илгариги қувноқ, хушфеъл Замира деб ўйлаяпсиз шекилли. Мен ёшликдан тул қолиб, не-не машаққатли кунларни кечириб, тўрт гўдакни вояга етказиб, элга қўшгунча адо бўлдим. Қирқ йиллик беваман. Ун бешта набирани нинг бувисиман. («Бир оёғим тўрда, бир оёғим гўрда», демоқчи бўлдимку, уялдим.) Бир ёғи кексалик, мана шу каталакни зўрға эплаб ўтирибман. Яна инжиқлигимни билмайсиз, ҳали. Шундай одамовиманки, худбинманки, болаларимникига борганимда бирон таси қовоғини уйса, дарров уйимга жўнаб қоламан. Қайтиб бормайман....

— Ёлғизликдан сиқилгансиз, кейин очилиб кетасиз.

— Қайдам, менда аёллик назокати ҳам қолмаган бўлса керак. Баъзи одамлар билан муомаладаги қўрслигимни, қўполлигимни пайқаб қолиб, хижолат чекаман. Мен энди самимий бир жуфти ҳалол сифатида ҳеч кимни бахтиёр қилолмасам керак. Мени қўйинг, ўзим сизга муносиб бевалардан топиб бераман.

— Ундайлардан танишим бор,— деди у нохушлик билан.— Биласизми, Замирахон, эй бу ёшда кишига хотиндан кўра, қадрдон бир дўст, меҳрибон ҳамхона, умр йўлдоши керак бўлар экан. Кўп ўйладиму, сизни танладим.

— Менинг думим узун дедим-ку, улар сизни тан олишармикан?

— Менинг думим йўқ-ку. Сизнинг фарзандларингизга шерик бўлиб, уларга бобо бўлиб қўяқоларман. Катта ўғлингизга маслаҳат солиб, гапнинг учини чиқариб кўрмайсизми?

— Йўғ-эй, юзим чидамайди. Ичимда эса: «Бохудо, болаларим ўзидан тиниб кетган бўлса?» деб турсам ҳам яна рад жавобини бердим. Шу аснода ўзим ҳам унга ўрганиб қолдимми, икки-уч кун келмай қолса, уйим ҳувиллаб қоладиган бўлди.

Ўйлаб-ўйлаб охири колхозда кўп йил бригадир бўлиб ишлаган қайнисинглим Раҳимага маслаҳат солмоқчи бўлдим. Борсам, суюниб кутиб олди:

— Хўп, мавридида кепсиз-да, келинойи, экинларни экиб бўлдик. Мана энди сиз билан бир отамлашамиз,— деб қолди. Кечки овқатдан сўнг ёшлар телевизор олдига тўпланишди, биз эса айвонда ўтириб қолдик. Мен Раҳимахонга гапнинг учини чиқардим. У:

— Келинойижон, сизга минг раҳмат, Ҳамидулла акамларни кутаверибгул умрингиз кул бўлди. Болалар ҳам уйлик-жойлик бўлиб кетишган. Болалар минг яхши бўлгани билан ўзидан ортишмайди,— деди у юзимга қараб.

— Болалардан гинам йўқ, шукурким, улар кам-кўстимдан хабар олиб туришибди,— дедим мен унинг сўзини бўлиб.

— Гап ундамас, келинойи, ётар-турарингиз бор, сизга бир меҳрибон ҳамхона керак. Безурёд хотин билан умр қилиб, тағин унинг касалини ўн йиллаб боққан бўлса, ўзи ўқимишли одам, кўп йиллар мактаб мудири бўлиб ишлаган бўлса, шу киши сизга жуда муносиб экан. Хотин кишининг қирқта чироғи бўлармиш. Бири ёнмаса, бири ёнармиш. Ажабмас, ҳеч бўлмаса кексаликда бахтингиз очилса,— деди у куюниб.

— Болаларга нима дейман?

— Ҳаммасига ўзим тушунтираман. Насиб қилса, тўйингизга ўзим қўй етаклаб бораман,— деб кулди у.

Шундан икки ҳафталарча ўтдимийўқми, қайинсинглим севинч билан уйимга кириб келди. «Тўйлар муборак!» деб хиргойи қиларди у кўриша туриб, мени қучоқлаб ўпаркан:

— Ҳаммаси рози, уй-рўзғор нималигини ўзлари кўриб-билиб туришибди.

— Қўни-қўшни, эшитган қулоқ нима дейди?— дейман ичимда чироқ ёниб.

— Бир кун гапиради, икки кун гапиради, кейин эсидан чиқади-кетади,— дейди у кулиб.

— Ҳо, беш кунлик эрга тегсам ҳам мен ЗАГСсиз эр қилмайман. Менга омонат эр керакмас. Кичиккина бўлса ҳам, тўй қилиб, эл олдидан ўтайлик,— дедим куюниб.

— Тўйингизга ўзим бош-қош бўламан, дедим-ку, ҳаммасига ўзим кафил.

Қариндошлар қарорини Насибуллага айтганимда севиниб кетди. Ҳамма шартларимни қабул қилди. Ўтган йили айни тўкин-сочин куз палласида олдин секцияда, кейин участкада тўйимиз ҳам бўлиб ўтди. Турсуной ва Раҳимахондан бўлак қариндошлар қатнашмади. Тўйдан сўнг Насибулланикида қолиб кетдик. Мен бўйнимдаги рўзғор хуржунини Насибуллаге топширганимдан хурсанд бўлсам, у уй юмушларини менга топширганидан мамнун. У боғни парвариш қилса, мен гулларга парвона бўламан. Фақат набираларимни соғинаман, болалардан кўнглим тинчимайди.

Куёвлар бироз ғайирроқ бўларканми, қизларим олдин набираларимни юборишиб, кейин ўзлари келишди. Оталари маъқул бўлди шекилли, куёвлар бизни Самарқандга — уйларига таклиф этиб кетишди.

Шундай қилиб, икки ёрти бир бутун бўлиб, янги оила қуриб, ўксик кўнгиллар кўтарилиб, роҳату фароғатда яшамоқдамиз. Замонамиздан ўргилай, меҳнатимизга лойиқ пенсия оламиз. Бир-биримизга андармон ва меҳрибонликда кексалик гаштини сурмоқдамиз. Раҳимахон ҳар келганида:

— Мана, бинойидек оила бўлди. Эсиз ёлғизликда ўтган умр, ҳа майли, ҳалқ мақолида айтилганидек, «ҳеч бўлмагандан кўра, кеч бўлса ҳамки, бўлгани яхши», деб қўяди.

Жиззах область Октябрь районидаги Собир Раҳимов номли совхозда биринчи ўзбек генералига ўрнатилган ҳайкал олдида ўқувчиларнинг уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашуви ажойиб анъанага айланган. Ветеранлар — Байзоқ Бекназаров (чапдан), Босим Назиров, Ҳаким Ҳошимов ёшларга ўз хотираларини гапириб бермоқдалар.

Ж. Тўраев фотоси

Амин УМАРИЙ

ШЕЪРЛАР

САРВ ТАГИДА

Сарв тагида кутганда сени,
Чизиб олдим ишқинг расмини...
Сен туфайли ой чиқди кулиб
Сен туфайли сой оқди тўлиб.
Денгиз билан чайқалди нозинг,
Тўлқин билан келди овозинг,
Сарвдаги булбул сени дер,
Мақтовингни тинглар само, ер...
Атир билан тўлган ҳавосан,
Дилимдаги савти навосан...
О, ёшликнинг сарин баҳори,
Тонг юртининг чиройли ёри,
Сарв тагида завқ-ла кутаман.
Хиромингдан чаманлар чаман.
Сарв тагида кутганда сени,
Ҳаётимнинг тотли мазмуни
Умримдаги ой бўлиб қолди,
Шўх, ўйноқи сой бўлиб қолди.

* * *

Шабададан жонланар чаман,
Чаманзорда кулган ғунчаман.
Ҳузури жон учун ичаман,
Бу диёрнинг соф ҳавосини...

Ёнбағрига ёнбошлаб кўрдим,
Мен тоғларда ошиён қурдим,
Сарвдаги булбулдан сўрдим
Табиатнинг тамошасини.

Денгиз билан сўзлашдим узоқ,
Бу умримда тўнғич кайфли чоғ,
Байроқ қилгин, эй она тупроқ,
Шод ўғлингнинг муддаосини...

Ай — Петрдек бўлдим сарбаланд,
Денгиз қанот қоқарди хурсанд,
Тўлқинларда мен кўрдим хушханд...
Зўр Пушкиннинг шеър даҳосини!

ЁР КЕТДИ...

Ёр кетди-ю кўнглим тўла нози қолибдур.
НАВОИЙ

Раънодек табассуминг,
Киприклардан тизиминг,
Ҳали-ҳали ёдимда,
Инжудир бисотимда.
Оқ сув каби тошдик биз,
Енгил хайрлашдик биз.
Эрталабки тумандек
Қуёш нурида ёндик.
Кўнглим тўла нозинг бор,
Қулоқда овозинг бор.
Сарви равоним ўзинг,
Қоши камоним ўзинг.
Кўйлагингдаги гуллар
Баҳор-баҳордек кулар.

Бўстонимнинг нақшисан,
Ғазалимдек яхшисан.
Сен кетдинг боғ оралаб,
Қуёш қолди мўралаб.
Мен бурилдим гулзорга,
Ишқинг билан кезарга...
Юрагимда ҳижроннинг,
Пок бир асл виждоннинг,
Ширин висоли бордир,
Бўсанинг боли бордир.
Уқи, омон бўл, ёрим,
Мактабингдир диёринг,
Юксал ишингда, моҳтоб,
Умринг билан камол топ!

ЧИРЧИҚ БАҲОРИ

Ўрик гулларига ўранган боғлар
Янги ясан билан бизни кутади.
Яқинга ўхшайди оқ сийна тоғлар,
Унинг этагида кураш кетади.

Тоғлар этагида баҳор кулади.
Дилларда, сувларда, ҳаётда баҳор.
Дарёлар қадрини ўлкам билади,
Кўнглим каби жўшиб оқади анҳор.

Коммунизм асрин шуҳрати, кўрки —
Сенда донг таратган, муҳташам Чирчиқ.
Сенда миллионларнинг қудрати, эрки
Гуриллар. Юртимга ёруғ шам Чирчиқ:

Чиндан ҳам қўйнингга баҳор кирибди,
Баҳорки, ватаннинг гулдек кулиши,

Баҳорки халқларнинг шахдам юриши,
Баҳорки, элимнинг даврон суриши.

Ҳар бир қаҳрамоннинг шавкатли иши,
Катта зафарларнинг қўлга кириши,
Сенда ботирларнинг бино қуриши,
Дарёнинг жиловин қўлда буриши,

Танангга қон берди, зўр, доно киши;
Шуларнинг ҳаммаси — саодат, баҳор
Бахтли ёшлигимдек бўлдинг бебаҳо.
Шифонинг манбаи — наҳоринг гўзал,

Қўшиқчинг бўлайин кундуз, тунингда,
Бахтлар тўйи бўлган баҳоринг гўзал.

ИЛҲОМ ЧЕЧАКЛАРИ

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари кандидати

Шеърият ижодкор қалбидан сизиб чиқади ва инсон қалбининг нозик жилваларини, сеҳрли қатламларини тадқиқ этади. Зеро, у қалбнинг замзамаси ва ҳайқириғи, қалбнинг мисралар шаклида ифодаланган кардиограммаси, унинг сўзлар ва садолар ҳолатини олган фавқулодда бир кўринишидир. Шунинг учун ҳам шеърият ижодкордан беҳудуд самимийликни, қалб ва руҳнинг ёниқ манзараларини, ички оламнинг мафтункор жилваларини инкишоф этишни тақозо қилади.

Заргар ва заршунос халқимиз бахтига, шеърият инқилобдан аввалги асрларда ҳам, кейин ҳам ўзбек адабиётининг пешқадам жабҳаси бўлиб келди. Узбек шеърияти ўз тараққиёти давомида ўнлаб ва юзлаб ажойиб намояндаларни юзага келтирди. Ана шу ажойиб силсила орасида бу йил таваллудининг 70 йиллиги нишонланаётган жўшқин истеъдод соҳиби Амин Умарийнинг ҳам мустаҳкам ўрни бор.

Амин Умарий 1913 йилнинг ёзида Кўқоннинг жанубий тарафида жойлашган Говхона қишлоғида дунёга келди. Унинг отаси Мадумар Узоқбоев ўқимишли киши бўлиб, узоқ йиллар мобайнида заводда рус мутахассислари билан ёнма-ён хизмат қилди, улар кўмагида рус маданияти билан таништиб, ўз фарзандини ҳам бу қутлуғ хазина билан ошно этишга уринди. Онаси Нисобиби Узоқбоева эса Кўқоннинг отин аяларидан бўлиб, шоиртабиат, ширинсухан ва хушовоз аёл эди. Бу аёл туфайли Мадумар аканинг оиласи яшаётган боғ ҳовлида Навоий ва Фузулий, Машраб ва Ҳувайдо ғазаллари янграрди, халқ қўшиқ ва яллалари қанот ёзиб турарди. Орадан анчагина йил ўтгач, Амин Умарий Қримда, Қора денгиз соҳилида истироҳат қилар экан, кўкда пайдо бўлган булутни кўриб, онасининг «Ҳавода парча булут, ёмғир ёғиб ўтгаймукин», деб бошланувчи қўшиғини бежиз эсламаган ва шу қўшиқ таъсирида «Парча булут» деган шеърини ёзган эди. Бўлажак шоирнинг қўшниси Сандахон эса киройи дуторчи эди. Амин ундан дутор чертиш санъатини ўрганиб, ёқимли овози билан дутор наволарига жўр бўлиб турарди. Бинафша гуллаб ётган ариқ бўйида ўтириб, баҳорнинг хушбўй нафасидан жунбушга келар, қалбида куртак ёзган туйғуларни қоғозга тушириб, шеъриятнинг сеҳрли водийси сари интилар эди.

Амин болалик чоғлариданоқ ўзининг узумзор ва мевазор боғчаси, тоғ этаклари билан туташган хушманзара қишлоғи, «мардона яллалар» ва «илҳомрез паллалар» тўла водийсига айрича муҳаббат билан қаради. Бутун олам унинг назарида ана шу қадрдон масканнинг давоми, шунинг учун баҳор ҳам, ёз ҳам, куз ҳам баравар нашъали эди.

Адабиёт мунаққидлари 30-йиллар ўзбек шеъриятига бугунги ижодий юксакликдан туриб назар ташлар эканлар, уни воқеликдан завқланиш шеърияти сифатида талқин этмоқдалар. Бу фикрда жон бор. Шу давр ўзбек шеъриятининг қиёфасини белгилаган Ҳамид Олимжон ва Ғафур Ғулом, Ойбек ва Уйғун, Собир Абдулла ва Шайхзода, Миртемир ва Усмон Носир ижодида воқеликни бадиий тадқиқ этиш кўпроқ ундан завқланиш, ҳайратланиш, уни улуғлаш ва олқишлаш шаклида олиб борилган, десак хато бўлмас. Бу мушоҳададан Амин Умарийнинг шеърий ижоди ҳам тўла тасдиқлайди. Шоир ўзи яшаётган мамлакат ва замонни, ўзини қуршаган табиат ва муҳитни улуғлаб ардоқлайди, уларни илҳом манбаи деб билади:

Ойдинда шовиллайсан,
Қуёшда ловиллайсан,
Руҳий зийнатим ўзинг.—

Гулистон галереяси

ЭЗГУ ТУЙҒУЛАР ЖИЛОСИ

ЯҚИНДА Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида Совет Иттифоқи Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли рассом Самиғ Абдуллаев асарлари кўргазмаси очилди. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва Ўзбекистон Рассомлар союзи томонидан уюштирилган бу кўргазмада санъаткорнинг тематик полотнолари, портрет, манзара ва натюрморт жанрига оид хилма-хил асарлари намойиш этилди.

Рассомнинг мазкур асарлари 1982 йили Ғалаба куни муносабати билан Украина ССРнинг Қрим областида очилган кўргазмада ҳам тасвирий санъат мухлисларини хушнуд этган эди. Аслида рассом асарлари кўргазмасининг қардош республикада очилиши бежиз эмас эди. Маълумки, Улуғ Ватан урушининг бошидан охиригача иштирок этган Самиғ Абдуллаев Қрим ҳамда Кичик ерни фашист босқинчиларидан озод қилишда фаол қатнашган, бунинг учун бир неча жанговар орден ва медаллар билан мукофотланган эди...

Самиғ Абдуллаев 1917 йили Тошкентда туғилди. Унинг отаси Файзулла ака боғбон эди, онаси Каромат опа сўзана ва дўппиларга гул тикадиган чевар эди. Шунинг учунми, жуда ёшлигиданоқ Самиғнинг табиатга меҳри зўр эди. У боғда қушларнинг сайрашини узоқ-узоқ тинглар, турфа гулларнинг хилма-хил рангини ва уларга асалариларнинг учиб-қўнишини эринмай кузатар эди. Гоҳо у эрмак учун қаламда чойнак-пиёла, учиб бораётган лайлак, дарахт новдалари тасвирини қоғозга туширар эди.

Бир куни Самиғ Абдуллаев мактабдан қайтаётганида Чорсу майдонида Кўкалдош мадрасаси расмини мойбўёқда чизаётган кишини кўриб қолди. Яқинроқ бориб, унинг ишини ҳавас билан кузатди. Эртасига ҳам рассомни ўша ерда учратиб, тортинибгина унинг ёнига борди.

— Ҳа, болакай, расм чизишга қизиқасанми?— деб сўради рассом. Ёш Самиғ бош ирғаб, тасдиқ аломатини билдирди.

— Нечанчи синфда ўқийсан?

— Тўртинчи синфда...

— Рассомлик мактабида ўқишни хоҳлайсанми?

— Хоҳлайман,— деди у...

Самиғ Абдуллаев шу тариқа Тошкентдаги рассомлик мактабида, сўнгроқ рассомлик техникумида таҳсил кўра бошлади. У билан Чорсуда танишган киши — таниқли рассом Александр Николаевич Волков Самиғнинг устозларидан бири бўлиб қолди. Рассомлик техникумида у Усто Мўмин (Александр Васильевич Николаев), Николай Георгиевич Карахан сингари мўйқалам соҳибларидан ҳам таълим олди.

Ўша йиллари С. Абдуллаев ўз тенгдошлари бўлган Баҳром Ҳамдамий, Малик Набиев, Валентин Фадеев, Латиф Насриддинов, Ҳаким Раҳимов билан биргаликда рассомлик техникуми қошидаги тасвирий санъат студияси машғулотларига қатнар ва турли кўргазмаларда иштирок этар эди. Унинг дастлабки тематик асари — «Ёш скрипкачи» полотноси ана шу йиллари яратилди.

1938 йили Самиғ Абдуллаев Қизил Армия хизматига чақирилди. У сапёр-жангчи, сўнгроқ сапёр-жангчиларнинг кичик командири сифатида узоқ йўлни босиб ўтди: Халхин-Голда япон босқинчиларига қарши жангларда қатнашди, оқ финларга қарши жанг қилди, Улуғ Ватан уруши йилларида Украинада, Забайкалье ҳарбий округида ва Қримда хизмат этди. Самиғ Абдуллаев Москвада бўлган пайтларида рус тасвирий санъатининг дурдоналарини ўзида жамлаган Давлат Третьяков галереясини томоша қилди, Қримда эса, Симферополдаги бадиий музей экспонатларини кўздан кечирди. Классик санъаткорларнинг ўлмас асарлари Самиғ Абдуллаевга ҳам илҳом ва қанот бағишлади.

1947 йилда рассом ўзининг уруш йилларидаги хотиралари асосида «Сабун тоғнинг ишғол қилиниши» асарини яратади. Ўша йили Самиғ Абдуллаев бир неча ёш маҳаллий рассомлар сафида Ленинграддаги Репин номли Живопись, ҳайкалтарошлик ва меъморлик институтига ўқишга киради. Бироқ уруш йилларидаги жароҳатлар унинг учун иқлимни ўзгартиришни тақозо этади. С. Абдуллаев бир йил ўтар-ўтмас Тошкентга қайтиб келади. У даволаниш билан бирга ижодий ва ижтимоий меҳнатга берилади.

Самиғ Абдуллаев Ўзбекистон Рассомлар союзининг раиси бўлиб сайланди ва бу вазифада 1955 йилгача ишлайди. 1955 йилдан ҳозиргача эса, Самиғ Абдуллаев Ўзбекистон Давлат санъат музейининг директори вазифасида хизмат қилиб келаётир.

Шу йиллар ичида ижодкор Тошкент Театр ва рассомлик институтини битирди ва тасвирий санъатнинг турли жанрларида юздан ортиқ асарлар яратди. Булар орасида рассомнинг «Тошкент комиссарлари 1919 йилда», «Уста Усмон Зуфаров устахонасида», «Китобсевар қиз», «Карим Зокиров портрети», «Генерал-лейтенант Ф. Норхўжаев портрети», «Совет Иттифоқи Қаҳрамони Боис Эргашев портрети», «Автопортрет» сингари асарларини айниқса алоҳида қайд этиш лозим.

Сўнгги йилларда Самиғ Абдуллаев манзара, портрет, натюрморт жанрларида ғайрат билан ижод этаётир. Бу ўринда унинг «Шафтоли гуллади», «Пионер қиз», «Қўзибоқар Синдоров портрети», «Муҳиддин Каримов портрети», «Умар Хўжаев портрети», «Бригадир портрети» ва кўпгина натюрмортларини санаб ўтиш мумкин.

Зўр истеъдод билан машаққатли ва завқли меҳнат ҳамоҳанг бўлган кезларда ҳақиқий санъат асарлари юзага келади. Чинакам санъаткорлар, шу жумладан, рассом Самиғ Абдуллаев ҳам, ҳамиша ана шу ҳикматга амал қиладилар. Республикамизнинг тасвирий санъат усталари сингари қаҳрамон рассом Самиғ Абдуллаевнинг асарлари ҳам республикамиз тасвирий санъат мухлислари дидини ўстиришда ўз хизматини ўтаётир.

Хулоса қилиб айтганда, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли рассом Самиғ Файзуллаевич Абдуллаевнинг ҳаёти ва меҳнати она Ватанга муҳаббат, унинг гўзал табиатидан завқланиш, фахрланиш, ана шу гўзаллик намуналарини мўйқалам орқали халққа тuҳфа этишдек эзгу туйғулар ифодаси бўлиб туюлади. Зеро, Ватанни севиш ва унинг ҳимояси йўлида қаҳрамонлик кўрсатиш, она табиатга меҳр қўйиш ва унинг гўзалликларига ошуфта бўлиш чинакам инсонийликни белгилайдиган фазилатлардир. Самиғ Абдуллаевнинг асарлари Ватанга меҳр-муҳаббат туйғусининг ёрқин ифодаси бўлиб жилоланаверади. Зотан, инсон учун Ватанни севишдан кўра олижаноб ва эзгу туйғу йўқ.

Оқилжон ҲУСАНОВ

деб Шоҳимардон сойига мурожаат этади.

Утопик коммунизмнинг илк намояндаларидан бири — Томмазо Кампанелла ҳибсда кечган 27 йиллик ҳаёти давомида «Қуёшобод» деб номланган машҳур диалогини яратган эди. У яшаган даврда биргина Неаполда 50 мингдан зиёд киши бошқаларни эзиш ҳисобига кун кечирарди. Ҳаёти заҳмат ва азоб-уқубатда кечган 15 минг аҳолининг машаққатли тақдирини ўз кўзи билан кўрган мутафаккир коммунистик давлатнинг дастлабки тимсоли бўлган Қуёшобод шаҳрини ўйлаб топган эди. Бу шаҳарда хусусий мулк ҳам, текинхўрлар ҳам йўқ бўлиб, халқ ўз раҳнамоларини сайлар ва турмуш неъматларидан ўз эҳтиёжига яраша фойдаланар эди. Айни пайтда Қуёшободда коммунистик жамиятга ёт бўлган айрим унсурлар ҳам мавжуд эди. Амин Умарий Кампанелла орзу қилган Қуёшободдан фарқли ўлароқ ўз Ватанининг реал замин устида майдонга келгани, реал қимматларга эга бўлгани, реал кишиларга реал бахт ва иқболни ато этолганини кўриб, чексиз қувонади. У Советлар юртининг пойтахтини ёқут юлдузга қиёс этиб, ёзади:

Лекин менинг ёқут юлдузим бошқа,
Унинг исми адолатдир дунёда.
Агар унинг нури тегса қум, тошга,
Тошлар гавҳар, қум зар бўлар саҳрода.

Ана шу тарзда Амин Умарий шеърларида ҳаётдан, Ватандан, замондан ҳайратланиш, уларни шарафлаш ва ардоқлаш ҳисси жўш уриб туради. Шоир ўз Ватани ва даврини шеърга солишда оригинал ташбеҳлар, тимсоллар, бўёқлар топади. Ўзбек тилининг бой мусиқий имкониятларини намоён этади. Пушкин ва Лермонтов, Навоий ва Фузулий, Муқимий ва Фурқатнинг ижод булоғидан баҳраманд бўлган ҳолда тасвир воситалари ва имкониятларини кенгайтиради. Сўз унинг шеърларида дилбар мавжлар таратиб, поэтик мундарижани на фақат мазмуни, балки жаранги билан ҳам очишга хизмат этади.

Бир томонда фараҳ билан кулар ғунчалар
Гул исига ғарқ бўлибди кундуз-кечалар,
Жаннатлари ип ечолмас бизнинг чаманда,
Йигит-қизлар дарс ўқийди бу анжуманда
Қандай яхши бир умрга баҳоринг бўлса,
Қандай яхши бахт сингиган диёринг бўлса...

Бу фараҳбахш мисраларнинг мусиқий тўлқинида ўзбек халқи номидан ёзилган машҳур хатларнинг улуғвор жарангини сезиш қийин эмас. Ватанга муҳаббат туйғулари билан йўғрилган бу мисраларда сўзлар ва товушлар тизмаси шундай ажиб бир мусиқий қаторларни вужудга келтирганки, улар лирик қаҳрамон қалбини тўлдирган ҳаяжонни, ғурур ва сурурни, тантанавор кайфиятни барча жилвалари билан акс эттира олади.

Амин Умарийнинг Улуғ Ватан уруши йиллари Усмон Юсупов накази билан ёзган «Қасамёд», «Ғалабанинг ўзи келмайди, дўстим» каби машҳур шеърлари кузатув митингларида тез-тез янграб, халқни қаҳрамонона жангга ва меҳнатга созлаб келди. У урушнинг иккинчи йили ўзбек халқи номидан қаҳрамон ленинградликларга совға-салом олиб борган ҳукумат делегациясига қўшиб фронтга юборилди. Икки ой мобайнида Ленинград остоналарида олиб борилган жангларнинг мардона иштирокчилари билан бирга нафас олди. Унинг Ленинград сафари таъсирида майдонга келган шеърларига суронли йилларнинг шиддатли манзаралари ва садолари, кишиларнинг кураш ва ғалабага ташна ҳолати кириб келди.

Шоирнинг ўзи эса фронт орқасида яшаб ҳам ўзига жанговар ўрин, жанговар пост топиб олди. Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг биринчи секретари Ҳамид Олимжоннинг топшириғи билан Амин Умарий, Мирмуҳсин ва И. Никулиндан иборат ёзувчилар группаси шу даврнинг улкан қурилишларидан бири — Бекобод металлургия заводига ижодий командировкага юборилди. Улар гигант қурилиш корхонасининг бунёд этилишини кузатибгина қолмай, бўлажак қаҳрамонлари билан ёнма-ён туриб меҳнат ҳам қилдилар. Улар ташаббуси билан чиқа бошлаган «Металл учун» деворий газетаси кейинчалик кўп тиражли газетага айлантирилди. Амин Умарий бу қувончли кунни кўра олмади. У 1942 йилнинг 14 ноябрида оғир касалликдан сўнг оламдан ўтди. Бу вақтда у эндигина 30 баҳорни қаршилаган эди.

Шоирнинг сўнгги шеъри Бекобод район газетасида «Хазина» номи билан эълон қилинган эди. Назаримда, бу сарлавҳада ўзга маъно ҳам бор. Унинг бутун ижоди, барча сўлим шеърий асарлари ўзаро бирлашиб, Амин Умарий хазинасини ташкил этади.

Шоирнинг умри ниҳоятда қисқа, аммо сермазмун кечди. У 11 та шеърлар, ҳикоя ва очерклар китобини эълон қилди. Н. Островскийнинг «Момақалдироқ», М. Горькийнинг «Душманлар» ҳамда «Егор Буличев ва бошқалар» пьесаларини, М. Лермонтов, Т. Шевченко, Жамбул ва Генрих Гейне шеърларини ўзбек тилига таржима этди. Алишер Навоийнинг ўлмас «Лайли ва Мажнун» достонини нашрга тайёрлади. К. Яшин билан ҳамкорликда «Ҳамза», Туйғун билан ижодий алоқада эса «Қасос» пьесаларини ёзди. Адабий мунаққид ва педагог сифатида ҳам фаоллик кўрсатди. Аммо Амин Умарийнинг ўзбек совет адабиётининг тараққиётига қўшган салмоқли ҳиссаси унинг шеърий ижоди билан боғлиқ. Ҳассос лирик шоир ўзининг ўлмас асарлари билан ўзбек шеъриятининг уфқларини кенгайтириб, унинг бугунги ижодий юксакликка эришувига муносиб улушини қўшди.

Шоир ўз шеърларининг бирида — «Шеърларим — чечагим, ҳаётим», деб ёзган эди. Бошқасида эса «Илҳомимнинг чечаги шеърим, букун сени нурга буркаман», дея қайноқ ижодий ҳолатини ифодалаган эди. Унинг илҳомидан унган, унинг қалб нурлари билан йўғрилган чечаклар ҳали узоқ-узоқ йиллар кишиларга қувонч бағишлаб, жўшқин шоир номини шарафлашда давом этажак.

Н. Шарипов фотолари

Суратда: Сирдарё районидаги «Ленинград» колхозида меҳнат қилаётган пахтакор қизлар: чапдан Роҳатой Тоғаева, Гулчеҳра Шералиева, Уғилой Жавлонова, Хосият Турдиқулова, Замира ва Жамила Ниятовалар.

Оҳангарон районидаги Куйбишев номли совхоз яйлови.

Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозида чорва учун мўлкўл озуқа тайёрланмоқда.

АВТОПОРТРЕТ.

МУҲИДДИН ҚАРИМОВ ПОРТРЕТИ.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ, РАССОМ САМИҒ АБДУЛЛАЕВ АСАРЛАРИДАН

НАТЮРМОРТ.

ҚУЗИБОҚАР СИНДОРОВ ПОРТРЕТИ

УМАР ХУЖАЕВ ПОРТРЕТИ.

ПИОНЕР РАЪНО.



БРИГАДИР.

ШАФТОЛИ ГУЛЛАДИ.

Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз ерларида ғўзага ишлов бериш пайти.

Сув бўйида суҳбат.

Ж. Тўраев фотоси

ИЛМУ ИДРОК ҚУДРАТИ

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ

Ёзувчи Одил Ёқубовнинг «Шарқ юлдузи» журналининг 1983 йил январь-февраль сонларида чоп этилган «Кўҳна дунё» асарида шундай сатрлар бор: «Шундайким, буюк бир донишманд бани башарнинг нопок истаклари ва тубан эҳтиросларини бир уйга қамаб қўйилган уч махлуқ — одам, тўнғиз ва арслонга ўхшатган экан. Бани одам деганда, у ақл-идрокни назарда тутибди; тўнғиз деганда, инсоннинг чиркин хоҳишларини, арслон деганда эса қаҳр-ғазабни назарда тутибди. Бу уч махлуқнинг қайси бири зўр чиқса, қамалган уйда ўша устунлик қилармиш... Бу қиссадан ҳисса шулки, тўнғиз билан шер, яъники, тубан эҳтирослар қанчалик зўр бўлмасин, бани одам, яъники, ақл-идрок бари бир енггусидир!»

Дарҳақиқат, ақлу идрок ҳар қандай синовларга бардош беради, ижтимоий, маънавий-маданий тараққиётга хизмат қилади. Ўз йўлида энг катта, энг даҳшатли тўсиқларни бартараф эта боради. Айни замонда у ҳеч қачон хамирдан қил суғургандек осонлик билан ғалаба қозонмайди. Одил Ёқубовнинг янги романи бу ҳақиқатнинг тўғрилигини яна бир карра исботлади.

«Кўҳна дунё»даги аксари шахслар, характерлар, туйғулар, эҳтирослар, фикрлар, дунёқарашлар шундай шафқатсиз «жангга» киришадиларки, бу «жанг» кимнидир ларзага солади, кимнидир қойил қилади, кимнидир узоқ ўйга толдиради, кимнидир баҳсларга чорлайди, кимнидир хурсанд, кимнидир ғам-аламларга «ғарқ» этади, кимдадир ҳатто норозилик уйғотади, аммо ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди. Албатта бу, романдаги курашлар ҳамма вақт ҳам бир хилда қалбларни тўлқинлантирувчи манзаралар ва бадиий юксак лавҳалардан иборат, деган сўз эмас. Аммо бу нуқсонлар кенг миқёсли, эпик кўламли мураккаб характерларнинг ҳаётий чиқишига путур етказа олмаган.

Бу ерда гап ибн Сино, Беруний, Маҳмуд Ғазнавий ва ибн Шаҳвоний тўғрисида бораяпти. Хўш, биз нега фақат шуларни ажратиб олиб, уларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз? Ахир, «Кўҳна дунё»да жонли чиққан ҳаётий қаҳрамонлар оз эмас-ку? Ҳа, оз эмас. Бироқ асарда ким тўғрисида гап бормасин, қандай шахс тасвирланмасин, қандай муаммолар ўртага ташланмасин — ҳаммаси пировард натижада шу икки даҳога ва сохта олиму, мустабид ҳукмдорга бориб боғланади, уларнинг курашларига гоҳ бевосита, гоҳ бавосита уланади, асар конфликтини ҳаракатга келтириб, композицион яхлитликни таъминлашга хизмат қилади.

Тўрт қаҳрамон!

Одил Ёқубов уларнинг баъзи муштарак хусусиятларини ҳам, бир-бирига зид, қарама-қарши жиҳатларини ҳам ҳаққоний гавдалантириб, ўзига хос қиёфалар ва бой маънавий оламларини ижтимоий-маънавий тараққиёт билан узвий боғлаб кўрсатишга алоҳида эътибор беради. Икки буюк олимнинг муштарак хусусиятларини очиб бериш эҳтимол ёзувчини кўп қийнаган бўлиши мумкин. Шу боисдан уларнинг тақдирини оғир дардга учраб, ўлимга маҳкум этилган Маҳмуд Ғазнавий ҳамда сохта, маккор табиб ибн Шаҳвоний тақдири билан боғлаш маҳоратини чуқур ижодий «тўлғоқлар» ва изланишлар меваси, деб бемалол айтиш мумкин.

Ёзувчи барча ижобий ва салбий қаҳрамонларни даставвал тирик инсон сифатида талқин этади. Ибн Сино ва Берунийгина эмас, Маҳмуд Ғазнавий билан ибн Шаҳвоний ҳам тирик инсон бўлганлиги туфайли уларнинг дарду ҳасратлари ҳам биз учун ёт эмас, уларда одамийликнинг заррагина бўлса-да аломатлари бор. Чунончи, Маҳмуд Ғазнавийнинг қиличидан қон томиб туради, у беҳисоб мамлакатларни тиз чўктиради, қанчадан қанча шаҳарлар, қалъаларни ер юзидан супуриб ташлайди, лекин «у ҳеч қачон пистирмада туриб жанг қилмаган, энг шафқатсиз қирғинларда ўзини лашкар панасига олмаган! У машриқдан мағрибга чўзилган бу ҳудудсиз салтанатини ўз салоҳияти, куч-қудрати ва шер юраги билан орттирган».

Тўғри, Маҳмуд Ғазнавий бутун куч-қудрати, салоҳияти, лашкарбошилик истеъдодини эзгуликка, эл-юрт манфаатига эмас, балки айш-ишратга, шон-шуҳрат орттиришга сарфлайди. Шунинг учун қиёфасида гоҳида баъзан бани инсон, лекин кўпинча «тўнғиз» билан «шер» намоён бўлади. Мана, унинг шундай худбинлигини таъсирчан гавдалантирган манзаралардан бири: оғир, бедаво дардга чалинган Маҳмуд Ғазнавийнинг кўзига ўз жонидан бошқа нарса кўринмайди, вазиру вузаро, амирул умаро, алломаю шоирларни йиғиб кенгаш ўтказади ва ҳар қандай дарду бедаволардан халос қилувчи «неъмати илоҳий»ни топиб беришни талаб қилади, «неъмати илоҳий» ҳақидаги гап чўпчак эканини эшитиб ғазаб отига минади: «Ҳамманг гумроҳ! Ҳамманг нобакор! Қирқ йил тузимни ичиб, тузлиғимга тупирган нонкўрлар! Бошимга мусибат тушганида нажот тополмаган ақли кўтоҳ алломалар!»

Ёзувчи «амирал мўминин»нинг бу ҳақоратомуз гапларига Берунийдан бошқа бирорта тирик жон жавоб беришга журъат этолмаганини кўрсатаркан, ҳукмдор билан алломанинг ички дунёсини чуқур ва ишонарли тадқиқ этади. Беруний ўзининг султондан устун эканини билади, айни замонда Маҳмуд Ғазнавийнинг бир сўзи билан тақдири ҳал бўлишини ҳам эътибордан соқит қилмайди. Шунинг учун хаёлан: «Ё тавба! Султонку, чўкаётган чўпга тирмашар дегандаридек, сабаби бедаво дард, бу қадим эртакка инонса инонгандир! Аммо... назм аҳлининг султони аталмиш бу шоир, бу вазиру вузаро, бу амирул умаро!.. Наҳот булар ҳам бу чўпчакка инонсалар! Ё булар ақлдан озган, ё... сабаби безгак, унинг ўзи ақлу ҳушидан айрилган!» деб дил-дилидан оҳ уради. Беруний қалбидаги бу туғёнлар асар воқеалари билан узвий равишда шундай тадқиқ этилганки, натижада асар қаҳрамонлари — илму идрок даҳолари ҳам, мансабдорлардан тортиб то султонгача — барчаси ўз характерлари ва ҳаёт мантиқига, шунингдек, тарихийлик талабига кўра ҳаракат қиладилар, олишиб-тортишадилар, лекин бу шафқатсиз курашлар бир томоннинг осонгина ғалабаси билан тугамайди. Романда Маҳмуд Ғазнавий ўзининг Ҳиндистонга қарши салб юришларида Беруний билан ёнма-ён бўлиб, у билан уч марта тўқнашади ва бу тўқнашувларнинг ҳаммасида ҳокими мутлақ ғолиб чиқади. Ибн Сино билан султон бор-йўғи бир марта юзма-юз келади ва бунда ҳам султон тантана қилади, бироқ бу тантана донолик тантанаси эмас, балки чексиз ҳокимият ғалабасидир. Шу сабабли биз бу тўқнашувларда аслида илму идрок қудратини намоён қилувчи Беруний билан ибн Сино ғолиб чиққанини доим ҳис этиб турамиз.

Ҳақиқатан Беруний билан ибн Сино тирик инсон сифатида султон томонидан чексиз таҳқирланади, буюк олим тарзида қадрланмайди, ерга урилади, бунинг учун уларгина эмас, балки биз ўқувчилар ҳам эзиламиз, қаҳрамонларнинг ғам-аламларига шерик бўламиз. Айниқса, асар охиридаги буюк олим устидан чиқарилган адолатсиз ҳукм кишида кучли нафрат уйғотади. Бинобарин, Маҳмуд Ғазнавийдаги «шер» билан «тўнғиз»нинг таҳдидига дош беролмаган вазиру вузаро Ибн Синонинг ўзини тополмаганларидан кейин ўзини Ибн Сино деб эълон қилган ва Ибн Синога жуда ўхшаб кетадиган бир фирибгарни султонга рўбарў этишади. Тақдирнинг ўйинини қарангки, ибн Шаҳвоний, деб лақаб олган бу «ибн Сино»нинг дори-дармонлари «амирал мўминин»нинг дардига жиндай шифо бахш этиб, жонига оро киради. Шу-шу ғалати ҳангомалар бошланиб кетади, ҳар иккаласи ҳам айш-ишратга шўнғишади, давлатни Маҳмуд Ғазнавий эмас, ибн Шаҳвоний, яъни сохта ибн Сино бошқаради, унинг айтгани айтган, дегани деган бўлади. Аҳвол шу даражага бориб етадики, ибн Шаҳвонийни султон ибн Сино деб тўла эътироф этади, ибн Синонинг ўзини эса фирибгарга чиқариб, сохта ҳаким, деб эълон қилади ҳамда саройдан ҳайдаб юборади. Бу машъум ишнинг гувоҳи бўлган Беруний ларзага тушади: «Ё ҳазар, алҳазар! «Ал-Қонун» ва «аш Шифо»ни яратиб, донғи бутун оламга кетган, ҳакими даврон ва ҳаттоки шайх ур-раис номини олган ҳазрат ибн Сино ёлғонга чиқиб, икки маккор вазир фириб ниятда «ўйлаб» топган бир иблис чин ибн Сино деб топилмиш! Буюк аллома ва пок инсон ҳақоратомуз сўзлар билан саройдан ҳайдалмиш, ибн Синонинг номини булғаб, аҳли мўминни тунаб юрган шайтони лаин эса бўйи баробар ганжга кўмилмиш!.. О, телба дунё, телба дунё!»

Одил Ёқубов буюк тарихий шахслар, улуғ алломалар, ғоятда пок ва олижаноб одамларнинг эзгу ишларини кўрсатиш, уларнинг маънавий оламми, илмий фаолиятларини мумкин қадар ёрқин гавдалантириш, эл-юртни шафқатсиз эзиб, зулм ва адолатсизлик уруғини сочган ҳукмдорларни фош этиш билангина чекланмайди, балки ўтмиш сабоқларини ҳозирги замонга хизмат қилдириш устида бош қотиради, қаламга олинган тарихий воқеаларнинг ижтимоий илдизлари, сабаб-оқибатларини коммунистик жамият яратаётган халқимизга хизмат қилдириш талабидан келиб чиқиб тадқиқ этишга интилади. Демоқчимизки, «Кўҳна дунё» Беруний билан ибн Сино ўз даврининг улуғ олимлари бўлган, уларнинг илмий кашфиётлари ҳозиргача ўз қадр-қимматини йўқотмаган, биз уларни жонимиздан ортиқ даражада ардоқлашимиз зарур, Маҳмуд Ғазнавийларни эса мустабид ҳукмдор сифатида шафқатсиз қоралашимиз зарур, деган гапни айтиш учунгина ёзилган эмас. Романда Жавоҳарлал Нерунинг «Жаҳон тарихига бир назар» китобидан шундай кўчирма келтирилади: «Мен сенга султон Маҳмуд Ғазнавий қирғинлари тўғрисида гапирган эдим. Бироқ мен Маҳмуд даврининг бошқа бир буюк вакили тўғрисида ҳали гапирмадим. Бу — ал-Берунийдир. Чексиз қирғинбарот ва шафқатсизликлар даврида у ҳаётга чуқур разм солиб, ҳақиқатнинг тагига етишга интилган улуғ олим сифатида ажралиб туради». Бундан шундай маъно англашиладики, Берунийнинг буюклиги, Маҳмуд Ғазнавийнинг золиму мустабидлиги бутун жаҳонга аллақачон маълум. Бинобарин, ёзувчи олдида жуда мураккаб вазифа, маълуму машҳур шахсларнинг номаълум, ҳали очилмаган хусусиятларини кашф этиб, уларни ижтимоий-маънавий тараққиёт муаммолари билан узвий боғлиқликда ёритиш, оригинал ва ҳаққоний образлар яратиш вазифаси турган. «Кўҳна дунё» буюк шахсларга бағишланган кўп тарихий асарлардан шуниси билан ажралиб турадики, ёзувчи бу ишда бошқаларни такрорламайдиган ўзига хос йўл тутган. Ёзувчининг фикрини яхшироқ англаб олмоқ учун Берунийнинг қуйидаги сўзларига қулоқ солайлик: «Ё тавба! Бу гўзал олам, бу мусаффо осмон, бу ёруғ юлдузлар, қўйингки, бу мукаммал оламни бунёд этган худованди карим нечун ўз бандасини бундайин номукаммал қилиб яратди? Агар бу фоний дунё, Абу Али, сен айтгандай буюк зарурат ва етук ақл-идрок асосига қурилган бўлса, нечун бу улуғ қонуният бани башар ҳаётига келганда ўз кучини йўқотди? Осий бандангни ўзинг кечиргайсан, э яратган эгам! Ва лекин... бандангни лойдан яратиб, унга ўз нафасингдан уфуриб жон ато қилганинг рост бўлса, нечун бу жон билан бирга унга жаҳолат ва қаллоблик, худбинлик ва разолат янглиғ тубан истакларни қўшиб бердинг? Нечун унга бошқа ҳеч бир тирик зотга ато қилмаган ўткир тафаккур ва етук ақл-заковат инъом этиб, бу ақл-заковатни тубанлик, разолат ва қабоҳат йўлида ишлатмоқни раво кўрдинг?»

Буюк донишманд тилидан изҳор этилган бу аламли фикрлардан кейин неча асрлар кечган, шундан буён қанча сувлар оқиб кетди, замонлар ўзгариб, қанча-қанча ҳокимлар, алломалар яшаб ва курашиб ўтдилар. Аммо фақат буюк Октябрь шарофати, Ленин даҳоси ва ақл-заковати билан меҳнаткаш халқимиз чинакам ижтимоий озодликни қўлга киритди, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлди, кўҳна жамиятга хос бўлган зулм ва адолатсизлик тугатилибгина қолмасдан, бу иллат ва маразларни юзага келтирадиган сабаблар, шарт-шароитлар ҳам таг-туги билан қўпориб ташланди. Лекин минг афсуски, «кўҳна дунё»га хос бўлган иллатларнинг баъзи қолдиқлари, ибн Шаҳвонийга ўхшаш баъзи лўттибозлар, Пири Букрийга ўхшаш дунёпараст ва сотқинлар батамом тугаб кетгани йўқ. Демак, коммунистик эътиқод тантанасига ғов бўлаётган бундай шахслар ва иллатларга қарши кураш олиб бориб, уларнинг илдизларини очиб ташлаш ҳам фарз, ҳам қарзки, «Кўҳна дунё»да Одил Ёқубов масаланинг мана шу жиҳатларини ҳаққоний ёритишга астойдил ҳаракат қилган. Ана шу ҳаракатнинг «меваси» биринчи навбатда Маҳмуд Ғазнавий билан сохта ибн Сино — ибн Шаҳвоний образларида ўз аксини топган. Бу ўринда мамнуният билан қайд этиш мумкинки, романда фақат ижобий қаҳрамонлар эмас, салбий персонажлар ҳам жонли ва ҳаётий чиққан. Хусусан Маҳмуд Ғазнавий билан сохта ибн Сино — ибн Шаҳвонийдаги «шер»лар ва «тўнғиз»ларнинг бани одам билан тўқнашувлари таъсирчан манзараларда акс этган. Айниқса, давосиз дардга мубтало бўлган Маҳмуд Ғазнавийнинг тавбасига таяниб, гуноҳларини ювиш-

Адабий танқид

га интилиши ҳаққоний чизилган: «Насиб қилса, эрта-индин «Мозори калон» қабристонида ис чиқарамен. Қирқ хўкиз, қирқ туя, қирқ бия, қирқ қўчқор сўйиб, қирқ ботмон гуруч дамлаб, юртга сп берамен... Агар осий банда ёшликда бировларнинг кўнглига озор берган бўлсам, эндиликда, иншооллоҳ, савоб ишлар ила, олло йўлига хайр-эҳсон ила гуноҳларимни ювмоқ ниятидамен!» Унга жавобан кекса дарвиш Маликул Шароб шундай дейди: «Йўқ, офтоби олам! Қирқ бия тугул юз минг бия, юз минг туя сўймоқ, ҳатто бор давлатлари, Осмон маликаси янглиғ саройлари, Феруза боғи янглиғ бўстонлари, хазиналари тўла ганжлари, ҳарамлари тўла канизаклари ва ҳаттоки бутун салтанатларини совурсалар ҳам гуноҳларини ювмоққа етмас, амирим! Илло, сиз кесган бошлар, жабру ситамларидан қон йиғлаган мўминлар манов қўш чинор япроғидан ҳам кўпдир!»

Бошқа одам бўлганда-ку, султон унинг бошини оларди, лекин Маликул Шароб ёшликда Маҳмуд Ғазневийнинг дўсти ва ҳамдарди бўлган, кейин эса ҳақиқатпарварлиги туфайли саройдан ҳайдалган. Саройдан қувилганда унга бошқа жазо берилмасин, деган ҳукм чиқарилган эди.

Сохта ибн Сино — ибн Шаҳвонийнинг аянчли тақдири ҳам замонавий мазмун касб этади. Лекин унинг тақдирини нима учун аянчли деб айтаяпмиз? Ахир, унинг иши ўнгидан келиб, фирибгарлиги фош бўлмайдику! Фош бўлиш у ёқда турсин, Маҳмуд Ғазнавийнинг «ўнг қўли»га айланади-ку! Романнинг хотимасида эса чин ибн Сино у ҳақда ҳатто шундай дейди: «Ибн Шаҳвоний — тақдири азалнинг ажаб жумбоғи. Бу жумбоқни донолар ҳам ечишга ожизлик қилур!». Қаранг: Маҳмуд Ғазнавий ва унинг вазиру вузоролари халққа жафо қилганлари учун жазоларини тортадилар-у, ибн Шаҳвоний эса қутулиб қолади. Қутулиб қолиш тугул улуғ мартабани эгаллайди, бутун илму идрок меваларини қуртдек кемириб, айшини суради! Узи на моддий, на маънавий хазина яратади, бироқ ўзгалар яратган илм неъматларини беҳаёларча ўзлаштириб, доноларнинг юзига, тузлуғига тупуради!

Ёзувчи ибн Шаҳвонийнинг Маҳмуд Ғазнавий сингари ҳукмдор билан, унинг вазиру вузоролари, амирул умаролари билан маслакдош бўлиб яшагани ва курашгани учун енгилмас кучга айланганини ишонарли ёритади, айни чоқда баъзан ҳақиқат билан юзма-юз келиб, фош этилиш хавфи туғилганда унинг ожиз, нотавон банда бўлиб қолишини ҳам эсидан чиқармайди: «О, қариб қуюлмаган нодон! Бир оёғинг ерда бўлса, бир оёғинг гўрда турганида ҳазрат ибн Сино бўлишни орзу қилган миясиз эшак!..» Бироқ, пировард натижада пичоғи мой устида бўлиб, омад унга қулиб боқаверади! Албатта, бизнинг етук социалистик жамиятимизда ибн Шаҳвонийларнинг яшаб, даврон суриши учун объектив шарт-шароит йўқ, лекин уларнинг ўзлари бўлмаса ҳам, ҳозиргача сақланиб келган қандайдир соялари: лаганбардорлик, мансабпарастлик, шуҳратпарастлик каби иллатларини намоён қилмоқдаки, «Кўҳна дунё» романи мана шу иллатларга қарши шафқатсиз кураш руҳи билан суғорилган.

Шубҳасиз, ёзувчининг бош нияти Беруний ва ибн Сино каби илму идрок даҳоларини улуғлаш, уларнинг заҳматкаш халқимизга кўрсатган хизматини бутун салмоғи ва жозибаси билан гавдалантиришдир. Бу ниятни амалга ошириш учун эса, икки аллома ҳаётини чеккан азоб-уқубатлари билан, барча зиддиятлари билан ифода қилиб бериш лозим эди. Одил Ёқубов «Кўҳна дунё» қаҳрамонлари ҳаётини ана шундай мураккаблиги билан тасвирлаб бергани учун ҳам, уларнинг маънавий-руҳий дунёсига чуқур кириб боргани учун ҳам бу қийин, ижодий вазифанинг уддасидан чиққан дейиш мумкин. Романда бу икки сиймо ҳеч хато қилмайдиган, асло янглишмайдиган фаришталар, бугунги ибора билан айтганда, идеал қаҳрамонлар тарзида талқин этилмайди. Улар қанчалик улуғ инсон, буюк аллома бўлмасин, бари бир тирик инсон сифатида тасвирланади.

Беруний билан ибн Сино кўпинча ўзларидан норози бўлиб яшайдилар, ўзларида мавжуд барча ирода ва ақл-заковатга суяниб, адолат учун, ижтимоий тараққиёт жумбоқларини ечиш учун жонбозлик қиладилар, бу оғир йўлда бот-бот ожизлик ҳам қиладилар, бироқ ҳеч қачон мушкулот, қийинчилик, жаҳолат ва зулм олдида қадларини букмайдилар, таслим бўлмайдилар, умрларининг охиригача илму идрок ва ақлу заковатга содиқ қоладилар. Бунга қаҳрамонларнинг осонлик билан эришмаганини, мунтазам давом этган олишув-тортишувлар, агар таъбир жоиз бўлса, ҳам ички, ҳам ташқи тўқнашувлар, курашлар орқали эришганини ўқувчи илғаб боради. Тўғри, бу кураш ва тўқнашувлар, Берунийнинг ички дунёси ва ибн Синонинг руҳий оламида рўй берган «жанглар ҳамма вақт ҳам бутун ёркинлиги, бутун зиддиятлари билан ифодаланади, ҳамма вақт ҳам китобхонни ларзага солади, деб айтиш қийин. Боз устига бу икки алломанинг илмий ва оилавий-интим фаолияти баъзан шунчалик баён этилади, шарҳланадики, оқибатда айрим англашилмовчиликлар ҳам келиб чиқади: «Йўқ ибн Сино ҳеч қачон манманлик қилган эмас, унга ҳурматсизлик аломатини кўрсатган эмас. Улар илк бор Бухорода учрашган маҳалларидаёқ ёш Абу Али Берунийни устод деб атаган эди, кўп йиллардан кейин Гурганжда учрашганларида ҳам «устод» сўзини оғзидан туширмади. Йўқса, нечун Беруний кейинчалик табиат сирлари тўғрисидаги ёзишмаларида, алхусус Арастунинг «Илоҳиёти» ҳақида, жисмларнинг иссиқлик ва совуқликдан кенгайиши ва торайиши тўғрисида хат ёзишганларида ибн Синога нисбатан **қўполлик** қилди, алломаларга ярашмайдиган **густоҳ**ликка йўл қўйди? Ёзишмалар ҳам майли! Ибн Сино Журжон Ҳокими Қобус ибн Вушмагирнинг қизи Зарринабонунинг илтимоси билан шаҳарлар орасидаги масофаларни ўлчаш тўғрисида рисола ёзганида Беруний унинг бу рисоласини **камситди**, ҳатто уни **ерга урувчи** мактублар йўллади? Нечун?». (Таъкид бизники — Н. Х.)

Аввалambор икки аллома ўртасидаги муносабатларни бу тарзда изоҳлашдан кўра бевосита кўрсатиш, тасвирлаш мақбул эди. Чунки, изоҳлаш, баён этиш орқали Беруний билан ибн Сино характерларига оид хусусиятларни конкрет ёритиш амри маҳолдир. Бундан ташқари, Беруний ибн Синога густоҳлик қилди, уни камситди, дейилади-ю, бироқ бу хатти-ҳаракатларнинг сабабларини аниқ тасвирланмайди. Йўқ, биз даҳолар бир-бирларига қўполлик қилмайди, бир-бирларини камситишмайди, демоқчи эмасмиз. Улар ҳам тирик жон экан, ораларидан ҳар хил гап-сўзлар ўтиши мумкин, аммо бу муносабатлар мавжуд зиддиятлари, чигалликлари билан ҳаққоний ёритилганда эди, уларнинг характерлари янада чуқурроқ, ёркинроқ очиларди. Ваҳоланки, ҳозир «Кўҳна дунё»нинг айрим ўринларида Беруний билан ибн Сино бир хил мулоҳаза юритаётгандай, бир-бирига ўхшаш ҳаракат қилаётгандай таассурот қолдиради. Улар характерларининг ўзига хос такрорланмас хусусиятлари гоҳида етарли ёритилмагандай туюлади. Ҳатто Маҳмуд Ғазнавий билан ибн Шаҳвоний фаолиятини кўрсатишда ҳам гоҳо баёнчиликка йўл қўйилган. Баъзан жуда таъсирчан, ҳаққоний чизилган, ишонарли тасвирланган манзараларга сингдирилган фикрларни яна ортиқча изоҳлаб, яна шарҳлаб беришга интилишлар бор. Бундай камчиликлар тўғрисида гапириб, ёзувчига анчагина эътирозлар билдиришимиз мумкин ва жоиз. Лекин шуниси ҳам борки, бу нуқсон ва камчиликлар «Кўҳна дунё» романининг кенг кўламли эпик полотно даражасига кўтарилиб, тарихий ҳақиқатни, узоқ ўтмишимизни бутун мураккаблиги билан ҳаққоний ёритиб берганини асло инкор этмайди.

Романдаги деярли барча етакчи образлар, биринчи галда Беруний, ибн Сино, айниқса, Маҳмуд Ғазнавий, ибн Шаҳвоний, ўнлаб иккинчи ва учинчи даражали персонажлар ягона бир мақсад асосида бирлаштирилиб, яхлит организмни ташкил этган. Энг муҳими, Беруний билан ибн Синони Маликул Шароб билан Садафбибисиз, Бўтакўзбегим билан Имом Исмоилийсиз, Маҳмуд Ғазнавий билан сохта ибн Синони эса Абул Ҳасанак ва Али Ғарибсиз, Хатлибегим ва Маъсудсиз, Пири Букрий ва Унсурийсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шуниси диққатга сазоворки, бу қаҳрамонларнинг бири фақат оқ, иккинчиси фақат қора рангга бўяб тасвирланмайди. Улар ўз характерларидаги мавжуд мусбат ва манфий хусусиятлари, зиддиятлари билан ҳаёт мантиқига, ижтимоий-маънавий тараққиёт қонунига мувофиқ тасвирланадилар. Тўғри, баъзиларида, масалан, Унсурийда қора бўёқ бироз меъёридан ошиб кетган. Ундаги нопоқ, тубан туйғулар бор бўйи басти билан кўринади-ю «бани одам» эса деярли кўзга чалинмайди. Шунингдек, Хатлибегим билан шаҳзода образларининг ҳам айрим томонлари меъёрига етказиб ёритилмагани кўзга ташланади.

Лекин, умуман олганда, «Кўҳна дунё»нинг етакчи қаҳрамонларигина эмас, ундаги иккинчи ва учинчи даражали персонажлар ҳам илмий-эстетик таҳлил учун бой ва ранг-баранг материал беради. Ҳолбуки, мен фақат тўрт қаҳрамон, тўрт образ — Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Ғазнавий ҳамда ибн Шаҳвоний тўғрисидагина батафсилроқ тўхталдим, холос. Аммо шунга имоним комилки, роман талабчанлик билан ёндашилиб ёзиладиган тақризларгагина эмас, қизғин мунозаралар учун ҳам етарли материал беради.

Ёзувчи Одил Ёқубов «Кўҳна дунё» романида биз қайд этган айрим нуқсонларга қарамасдан, ўз олдига қўйган ниҳоятда қийин, лекин шарафли вазифани асосан муваффақиятли уддалаган.

ЮГУРИШ — ЧИНИҚИШ МАКТАБИ. Т. Каримов фотоси

УЧАР ЮЛДУЗЛАРНИНГ АНТИҚА ОВОЗИ

«Гулистон» журналининг ўтган йил июль сонида В. Гребенниковнинг «Учар юлдузларнинг антиқа овози» номли мақоласи босилди. Унда табиатда содир бўлиб турадиган ҳодисалардан бири тўғрисида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Мақоланинг қизиқарли томони шундаки, кузатилган ҳодисада бир неча изоҳлаш лозим бўлган масалалар юзага келган, яъни муаллиф мақолада ўзи ва бошқа кўпчилик кишиларнинг кузатишларида пайқаган гувоҳликларига кўра, учар юлдузлар[1] (метеор ва метеорит — болидлар[2]) кўриниши билан, ҳатто кўринишидан илгари у ҳосил қиладиган овозни эшитганлар. Муаллиф таъкидлаганидек, бу ҳодисанинг физика қонуниятларига зид бўлиб туюлиши ҳайратланарли ҳолдир. Чунки нурнинг тезлиги ҳаводаги товуш тезлигидан 909 мартадан зиёдроқ эканлигини ҳисобга олсак, учар юлдуз олдин кўриниб, товуши анча кейин эшитилиши керак эди. Ундан ташқари овозлар хилма-хиллиги ва бир жойда бир неча киши кузатганларида учар юлдузнинг овозини айримлари эшитиб, бошқалари пайқамаганлиги, бунинг сабабларини изоҳлаш кераклиги тўғрисида ҳам маълумотлар бор.

Мақолада келтирилган муаммоларни бизга аввалдан маълум бўлган тушунчаларга асосланиб изоҳлашга ҳаракат қилиб кўрайлик. Маълумки, ҳавода овоз ҳосил қилиш учун бирор жисм тебранма ҳаракатга келтирилса кифоя. Жисмни қуршаб турган ҳаво қатламлари ҳам тебранишга мажбур бўлиб, тебранаётган ҳаво қатламлари жисм атрофида тўравермасдан атрофидаги қатламларга узатади (бунга ҳавонинг эластиклиги сабабдир). Тебранишлар жисмдан бутун сфера бўйлаб тўлқин шаклида фазога тарқалади. Ҳаводаги овоз тўлқинлари қулоққа етиб келса, ундаги нервлар овозни бизга сездиради. Умуман, ҳар қандай овоз ҳосил бўлиш ҳодисаси шу тахлидда рўй беради. Учар юлдуз Ер атмосферасига кириб келиш жараёнида йўналиш томонидаги ҳаво қатламлари зичлашиб, орқа тарафидаги ҳаво қатламининг сийраклашиши оқибатида ҳаво уюрмалари юзага келади. Натижада ҳаво қатламларининг тебраниши овоз тўлқинларини ҳосил қилади. Учар юлдузларнинг чақнаши Ер сиртидан 20—130 км баландликда содир бўлиши шуни кўрсатадики, у атмосферага урилган заҳотиёқ ёнмайди. Чунки атмосфера чегарасининг Ер сиртидан баландлиги 1000 километр атрофида. Учар юлдуз ёнгунча (кўзимизга кўрингунча) атмосфера ичида 870—980 километрча йўл босишга улгуради. Метеор атмосферага урилган ҳамон, ҳеч вақт ёниш даражасигача қизимайди. Уни ёндирадиган иссиқлик ҳавога ишқаланиши туфайли ажралиб чиқади. Лекин атмосферанинг юқори қатламлари сийрак, шунга мувофиқ ишқаланиш ҳам нисбатан кам. Демак, учар юлдуз ёнгунича 870—980 километр ҳаво қатламида ҳаракатланган. Маълум бўлган ҳисобларга кўра, учар юлдузлар асосан Ер юзасидан 130 километр баландликда ёна бошлайди. Ана шу баландликдаги ҳавонинг миқдори, жисмларнинг ҳавода ишқаланиб ажралиб чиқаётган иссиқлик миқдори ёниш даражасигача кўтарилган дейишга олиб келади.

Энди учар юлдузларнинг овозига келсак, юқорида кўриб ўтганимиздек у жисмлар ёнишгача овоз ҳосил қилаяпти. Демак, жисм ёнгунча бу овоз тўлқинлари анча масофага етиб боришга улгуради. Натижада кузатувчи аввал овозини эшитади, кейин унинг ёнишини кўради. Ёки иккала сигнални бир вақтда пайқайди. Бунда кузатувчи турган жойга нур билан овоз бир лаҳзада етиб борган бўлади. Иккала ҳодисанинг вақт оралиқларидаги фарқ кузатувчи билан учар юлдузнинг кўриниш узоқлигига боғлиқ.

Учар юлдузларнинг овозини эшитган кишилар, бу овознинг қисқа вақт давом этиб сўнганлигини пайқаганлар. Ёруғлик тезлиги овозникидан 909 мартадан зиёдроқ эканлигини ҳисобга олсак, сўнгандан кейин ҳам овози эшитилиб туриши керак эди. Учар юлдуз ёна бошлаши билан овоз ҳосил қилаётган ҳаво уюрмаларини ёниш маҳсулотлари тўлдириб заифлаштиради. Натижада товуш тўлқинларининг қуввати пасайиб Ер сиртига етиб келгунча сўнади. Учар юлдузнинг 30—20 километр баландлик оралиғида ёниши аниқланган, ундан кейин ҳаво қаршилиги унинг тезлигини пасайтириш оқибатида ёнмасдан Ер сиртига тушади. Тезликнинг камайиши унинг товуш қувватини пасайтириб, эшитишни қийинлаштиради. Ҳар қандай тебранишни эса одам қулоғи сезавермайди.

Мақолада ва бошқа адабиётларда учар юлдузлар атмосферадаги ҳаракати ҳамда унинг ҳаво билан ишқаланиб ажралиб чиққан иссиқлик натижасида парланади деб ёзилган. Аслида бу жисмлар атмосферада парланмайди, ёнади. Чунки ёнувчи моддаларнинг кислород билан бирикиши натижасида ёниш ҳодисаси рўй бериб кўп миқдорда иссиқлик ва ёруғлик нури ажралиб чиқади. Учар юлдузлар — метеор ва метеоритлар таркибига кирадиган темир, тош, кальций, кремний ва бошқа моддаларнинг ёниш даражаси буғланиш даражасидан паст. Шунинг учун буғланишга улгурмасданоқ, ҳаводаги кислород билан бирикиб ёнади.

Учар юлдуз овозларининг ҳар хил эшитилишига келсак, тушаётган метеоритнинг ташқи тузилиши шаклдор, қиррали ва бурчакли бўлиши унинг овозининг хилма-хил тарқалишига олиб келади: бутун шакли, ҳар бир қирраси ўзига хос товуш тўлқинлари ҳосил қилади. Яъни қоғознинг йиртилишига, портлашга ўхшаш товушлар таралади.

Бир жойда кузатган кишиларнинг айримлари учар юлдузнинг овозини пайқаб, айримларининг эшитмаганлигини психологик ҳолат асосида тушунтирса бўлади. Буни диққатингиз бошқа ёқда бўлганида ёнингиздаги кишининг гапини эшитмаганингизга қиёс қилишингиз мумкин.

Абулқосим МАҲАММАТОВ,

Фориш районидаги 17-ўрта мактабнинг физика-химия ўқитувчиси

[1] Қадимдан кишилар метеор ва метеорит — болидларнинг кўриниши юлдузга ўхшаганлиги учун «учар юлдуз» деб атаганлар. Аслида метеор ва метеорит-болидлар юлдузлардан жуда катта фарқ қилади. Шунга қарамасдан «учар юлдуз» атамаси ҳозир ҳам ишлатилади.

[2] Чақнаётган метеорит фанда болид деб аталади.

МЕН ҲАМ ТАСДИҚЛАЙМАН

Ҳурматли редакция! Мен СССР Фанлар академияси Бутуниттифоқ Астрономия-геодезия жамиятининг ҳақиқий аъзоси Виктор Гребенниковнинг «Гулистон» журналининг ўтган йил 7-сонида босилган «Учар юлдузларнинг антиқа овози» мақоласини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Унда 1973 йил 10 августда Омск областининг Куртинск районида яшовчи Грушановнинг учар юлдузни кўрганлиги ёзилган. Ўша куни юз берган бу ҳодисани мен ҳам тасдиқлайман. Чунки мен худди ўша куни — 1973 йил 10 август тунги соат 12 ва 1 ларда ҳовлида ғимирлаб юрган эдим. Бир маҳал Шимолдан Жанубга томон учиб кетаётган улкан қушсимон нарса диққатимни тортди. Бу улкан юлдуз, бамисоли электр нуридек ҳамма ёқни ёритиб юборди ва «вишиллаган» овоз билан ўтиб кетди. Ёруғлигидан кўзим қамашиб бироз вақтгача уйларни ҳам кўролмай қолдим. Ўша учар юлдуз тахминан 18—20 секунд ичида кўздан ғойиб бўлди.

Малика СОБИРОВА

Ёзёвон райони

Мутахассис шарҳи

В. Гребенниковнинг катта қизиқиш уйғотган мақоласида сўз юритилган осмон жисмларига алоқадор ҳодисаларни шарҳлашдан олдин мазкур осмон жисмларининг физик табиатлари билан яқинроқ танишиб чиқайлик.

Маълумки, Қуёш системасида 9 та йирик планета Қуёш атрофида турли орбиталарда айланади. Шунингдек, Ер орбитаси атрофи зонасида ҳам сон-саноқсиз метеор деб юритилувчи майда жисмлар ва чанг заррачалари Қуёш таъсирида ҳаракатланиб, ўз орбиталарига эга эканлиги фанга маълум. Ер ўз «йўли»да ҳаракат қилаётганида бундай жисмлар билан тинимсиз «тўқнашиб» туради. Натижада Ер атмосферасига етарлича катта тезликларда кирган метеор жисмлар ҳаво молекулалари билан ишқаланишлари туфайли қизиб чўғланади ва оқибатда, кузатувчига осмонда «учар юлдуз» бўлиб кўринади.

Ҳисоблашларнинг кўрсатишича, Қуёш атрофида ҳаракатланувчи бу хил майда метеор жисмларнинг орбитал тезликлари, Қуёшга нисбатан иккинчи космик тезлик (Қуёшни бутунлай ташлаб кетиш мумкин бўлган тезлик)ка яқин бўлиб, секундига 40—42 километргача боради. Ернинг орбитал тезлиги секундига 30 километрлигини эътиборга олсак, бундай жисмлар Ерга, унинг ҳаракат йўналишига нисбатан қайси томондан киришига кўра, секундига 10—12 километрдан 70—72 километргача бўлишини тушуниш қийин эмас. Бундай катта тезликларда самонинг Ер атмосферасига кирган «дайди» тошлари атмосферанинг нисбатан қалин қатлами (термосфера)да, Ер сиртидан тахминан 100—120 километр баландликда «ёнабошлайди». «Учар юлдузлар»нинг атиги бир неча секунд давом этадиган чақнашининг тугаши эса, унинг массасига боғлиқ бўлиб, массалари граммнинг улушларида ифодаланганлари Ер сиртидан 60—80 километр баландликда, бир неча юз граммдан юзлаб килограммгача бўлганлари 10—15 километр баландликда (айрим ҳолларда Ерга етгач), яъни тўла тормозлангачгина сўнади. Булардан биринчи типдагилари нисбатан ингичка из қолдириб, унинг узунлиги баъзан 100 километрдан ортади ва фанда метеор деб юритилади. Иккинчи типдагиларининг бур-

чак ўлчамлари метеорга нисбатан сезиларли катта бўлиб, кўндаланг кесими баъзан Ойнинг кўринма диаметричалик (30 минутли ёй) бўлади ва фанда болид деб юритилади. Болид, грекча «болидос» сўзидан олинган бўлиб, улоқтириладиган копье (метательное копье) деган маънони билдиради. Болид сўнгандан сўнг бир неча минут ўтгач, кузатувчи қулоғига портлашга ўхшаш узуқ-узуқ товушлар, сўнгра момоқалдироқни эслатувчи гумбурлаш товуши етиб келади. Ёрқин ва йирик болидлар кузатилганда эса дераза ойналарининг синиши, ташқи уй эшикларининг очилиб кетиши ҳамда осиғлиқ жисмларнинг тебраниши кузатилган.

Бироқ В. Гребенников мақоласида сўз юритилган товушлар учар юлдуз — болидларнинг учиш давомида чиқарган товушлари бўлиб унинг ер сирти билан тўқнашишидан вужудга келган — юқорида эслатилган товушдан фарқ қилади. Нисбатан кам гувоҳлар томонидан эшитилган бу товушлар бир қарашда, муаллиф қайд қилгани каби, бироз муаммодек, баъзан эса мавжуд физик қонунлар билан уйғунлашмагандек туюлади. Аслида эса бу ҳодиса ҳақидаги маълумотларни турли кузатувчиларнинг, кўп ҳолларда объектив бўлмаган фикрлари базасида туғилганидан, эниқ ва мукаммал дейишга ҳали эрталик қилади. Агар болидлар ҳақида махсус кузатиш асбоблари ва радиоэлектрон қайд қилгич асбоблар билан қуролланган махсус қурилма ёрдамида маълумотлар йиғилса эди, шубҳасиз улар чиқарадиган товушларнинг сирлилигига бу қадар урғу беришга ҳожат қолмаган бўлур эди.

Яна шуни қайд этмоқ лозимки, «гапирувчи» болидларнинг товуш чиқариш механизми бутунлай ўрганилмаган ёхуд бу ҳақда ҳали олимларимиз бош қотирганларича йўқ дейиш жудаям тўғри бўлмайди. Чунки товуш берувчи учар юлдузлар олимлар томонидан охирги бир неча ўн йиллар давомида рўйхатга олиниб, улар махсус ном билан электрофонли болидлар деб юритилади. Ҳозирга қадар Совет Иттифоқида ва чет элларда қайд қилинган электрофонли болидларнинг сони 267 та бўлиб, уларнинг товуш манбалари ҳақида ҳам етарлича назарий қарашлар мавжуд. Ушбу назарияларнинг бирига кўра, метеор жисм ўтган траектория бўйлаб ҳаво молекулаларининг ионлашиши плазма устунини ҳосил қилади. Бундай плазма устунининг тебраниши эса, бир вақтнинг ўзида бир неча килогерц частотада ҳам товуш, ҳам электромагнит тўлқинларининг туғилишига сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида оптик диапазонда кузатилаётган болидни ҳам, оддий товушини ҳам, радио товушини ҳам эшитишга имкон яратади. Хусусан, чақмоқ пайтида ҳам яшин йўли бўйлаб плазманинг тебраниши оқибатида, ҳуштак чалинишига ўхшаш радиошовқинлар минглаб километрларга тарқала олиши, радио ихтиро қилингунга қадар — 1888 йили телефон симлари орқали эшитилган. Шунинг учун ҳам болидлар товушининг сири — паст частотали плазма тебранишларидан эканлигига шубҳа йўқ бўлиб, бу масалани муайян болиднинг кузатувчидан узоқлиги ва тезлиги орқали ўрганиш эса, унинг товушини эрта ё кеч эшитилиши билан боғлиқ муаммоларнинг осон ҳал қилинишига имкон беради. Болидни вужудга келтирувчи метеор жисмлар, эслатилганидек, тахминан 100—120 километр баландликда, яъни атмосферанинг нисбатан қалин қатламида «ёнабошлайди». Бир неча секунд ўтгач, у 60—80 километрли баландликка етганда метеор жисм атрофида, ҳавода товуш тезлигидан катта тезликда ҳаракатланаётган ҳар қандай қаттиқ жисм атрофида пайдо бўлгани каби, зарбавий тўлқин вужудга келади. Кези келганда шуни айтиш кераккки, зарбавий тўлқин портлашга ўхшаш товуш манбаи бўлиш билан бирга йўлда учраган ҳар қандай тўсиққа сезиларли механик таъсир ҳам кўрсатади. Сўнгра ҳаво қатламлари орқали ўтаётиб узлуксиз тормозланишда давом қилаётган метеор жисмлар катталикларига кўра 10—12 километр баландликда тўла тормозланишга улгуради (йирикларида тўла тормозланиш Ер сиртига урилгандагина содир бўлади). Болид траекториясининг бу участкаси ушланиш области дейилиб, бу қисмда метеор жисм қизишдан тўхтаб, сўнади. Ушланиш областида болиднинг траекторияси кескин ўзгариб, у Ер сиртига унинг тортиш кучи таъсирида эркин туша бошлайди. Эркин тушиши деярли вертикал траектория бўйлаб кузатилади.

Энди болидлар товушини, уларнинг кўринишидан олдин эшитилиши масаласини тушунтиришга ҳаракат қилган журналхон А. Маҳамматовнинг мақоласига келсак, аввало шуни айтиш керакки, ёруғлик (ёки умуман электромагнит тўлқинларининг) тарқалиш тезлиги, товушнинг ҳаводаги тарқалиш тезлигидан 909 марта эмас, 909 минг марта ортиқдир. Шунинг учун ҳам кузатувчи, ҳали чўғланиб улгурмаган болиднинг товушини унинг ўзидан олдин эшитиши ҳеч ҳам мумкин бўлмайди. Буни ушбу оддий арифметик ҳисоблашларга таянган мулоҳазадан осонгина англаш мумкин. Болид, юқорида эслатилганидек, 100-120 километр баландликда чақнагач, бир неча секунддан сўнг сўнишини эътиборга олиб, 100 километр баландликдан товушнинг етиб келиши учун қанча вақт керак бўлишини ҳисоблайлик. Товушнинг тезлиги ҳавода секундига 330 метр бўлганидан бу вақт (100000:330) секунд яъни тахминан 300 секунд ёки 5 минут бўлади. Бинобарин болид чақнашдан олдин чиқарган товушни у сўнгандан кейин 4 минутдан кўпроқ вақт ўтгач эшитиш мумкин бўлар экан (аслида бундай баландликдан унинг товушини эшитиш бутунлай мумкин эмас).

Болиднинг кузатилаётган пайтдаги товушини энг камида қисман эшитиш учун эса, у атиги бир неча километр (тахминан 1—2 километр) баландликда учаётган бўлиши лозим, акс ҳолда космик «меҳмон» товушини фақат у сўнгандан кейин эшитиш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, болиднинг товуши унинг чақнашидан олдин ёки энг камида у билан синхрон (бир вақтда) бўлиши учун, «учар юлдуз» траекторияси бўйлаб вужудга келган плазма устуни, одам қулоғи қайд қилиши мумкин бўлган паст — бир неча килогерц частотада радиошовқинни генерация қилиши лозим бўлади.

Шунингдек журналхоннинг болид чақнаганда метеор жисмнинг эриши ва буғланиши ўрнига ёниши кузатилади, дейиши ҳам ҳар қандай илмий асосдан холи. Гап шундаки, спектрал кузатишлар асосида метеорларнинг температураси ва чақнаш жараёни modданинг қайси ҳолатида кечаётганлиги жуда яхши ўрганилган. Бундай анализ ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмай туриб, содда мулоҳаза асосида фалон жараён бўлади, деб маъқуллаш этик нуқтаи назардан тўғри келмайди. Маълумки, болид кўринишини ўтаб Ерга тушган осмон жисмлари метеоритлар (бинобарин метеор жисмлар ҳам) асосан уч хил ҳолда учрайди ва темирли, темир-тошли ҳамда тошли кўринишларда бўлади. Темирли метеоритнинг салкам 90 проценти темир-бетондан, 9 проценти никелдан; темир-тошли метеоритнинг состави — 49 проценти темирдан, 5 проценти никелдан, 21 проценти кислороддан, 14 проценти магнийдан ва қарийб 10 проценти кремнийдан; тошли метеоритнинг эса 25 проценти темирдан, 36 проценти кислороддан, 14 проценти магнийдан ва ниҳоят 18 проценти кремнийдан ташкил топади. Булар ичида энг кўп учрайдиган (80—90 проценти тошли метеор жинсларда темирнинг олтингугуртли (олтингугурт 1,9 процент атрофида) қотишмаси — троилит минерали ҳамда темирнинг фосфорли (фосфор атиги 0,1 процент) қотишмаси — шрейберзит минерали кўринишида бўлади.

Ерга тушган бундай метеоритларнинг анализи ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлаб, метеор жисмнинг метеор ёки болид кўринишида емирилиши асосан қуйидаги икки — абляция (эриш ва буғланиш) ҳамда бўлакларга парчаланиш кўринишида содир бўлишини маълум қилади.

Мамадмусо МАМАДАЗИМОВ,
физика-математика фанлари
кандидати, доцент

Наботот оламида

ЧОЙЎТ

Чойўт — чойдошлар оиласига мансуб, бўйи 75 сантиметргача етадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси цилиндрсимон, силлиқ бўлиб, тухумга ўхшаш барги ялтироқ безакчалар билан қопланган. Гули сариқ, хушбўй.

Чойўт март ойининг иккинчи ярмида униб чиқиб, июндан то август ойигача гуллайди. Дастлабки гуллардан тухумсимон мева ҳосил бўлади. Октябрь ойида чойўтнинг уруғлари батамом пишиб, ер устки қисми қурийди.

Чойўт Наманган областининг Поп, Чуст, Косонсой, Янгиқўрғон, Чортоқ ва Учқўрғон районларининг юқори адирлари ҳамда тоғли қисмларида кўп учрайди. Бундан ташқари республикамизнинг ва Ўрта Осиёнинг бошқа тоғли районларида, Кавказда, Ғарбий Сибирда, Ғарбий Европада ҳам кенг тарқалган. Мазкур ўсимлик асосан йўл ёқаларида, ариқ бўйларида, ўтлоқларда, бедазорларда, суғориладиган ерларда, бутазорларда, тоғ ёнбағирларида, майда тошли-тупроқли жойларда ўсади. Халқимиз орасида бу ўсимликни чойўт, далачой, чойчўп деб ҳам аташади. Чойўт поясининг пастки қисми қизил рангда бўлганлиги учун у қизил пойча ёки қизил оёқ деб ҳам юритилади. Уни Қозоғистонда «жарабой» (ярани тузатадиган), РСФСРнинг кўпчилик областларида «хворобой» (хворь — хасталик, бой-кураш), яна бошқа областларда эса аҳоли бу ўсимликни «зверобой» (йиртқичга қарши курашувчи) дейдилар.

Химиявий текширишлар натижасида чойўтнинг баргида 10 фоиз ошловчи моддалар, 0,1 фоиз алколоидлар, сапонинлар ва гиперцин деб аталувчи пигмент борлиги аниқланган. Ўсимликнинг маълум даражада заҳарлилиги ҳам шу гиперцин пигментига боғлиқ. Бу модда айниқса ўсимлик гуллаган даврда унинг барги ҳамда гулбаргларида кўп бўлади. Шу сабабли чойўт ғунчалаш ва гуллаш даврида ҳайвонлар учун анча хавфлидир.

Чойўтдан заҳарланиш ҳодисаси оқ ёки олачипор тусдаги қўй ва эчкилар, қисман қорамол ҳамда отларда кўпроқ кузатилади. Бошқа рангдаги ҳайвонларда заҳарланиш аломатлари нисбатан кучсиз кечади. Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, агар қорамол ўз оғирлигининг 5 фоизига тенг келадиган миқдорда чойўт еса, у албатта ўлади. Ёш моллар катта молларга нисбатан кўпроқ заҳарланади. Заҳарланган молларнинг териси яллиғланиб шишади, ёрилади ва яралар пайдо бўлади. Ҳайвон тинчлигини йўқотади, тўхтовсиз қашинади, баъзан ўзини тишлаб яраларини кўпайтиради. Касаллик аломатлари кўринган жониворларни тезликда чойўт кам бўлган ўтлоқларга, соя жойларга дарҳол кўчириш керак.

Лекин, чойўт инсон учун фойдали, доривор ўсимликдир. Шифобахшликда бошқа доривор ўтлар орасида муҳим ўрин эгаллайди. Рус халқ медицинасида чойўтнинг «тўқсон тўққиз дардга даво» деб таърифланиши бежиз эмас. Халқ табобатида чойўтни бошқа доривор ўтлар билан аралаштириб дамлама тайёрланади ва ундан ичбуруғни қолдирувчи, қонни тўхтатувчи, пешоб ва сафро ажралишини тезлаштирувчи, оғриқни йўқотувчи, иштаҳани очувчи, асабни босувчи, жароҳатларни битирувчи дори сифатида фойдаланилади. Абу Али ибн Сино чойўтни жароҳатларни тузатишда ва асаб томирларининг яллиғланишини даволашда ишлатишни тавсия қилган. Айрим халқ табобатида чойўтдан ошқозон ширасидаги кислотани пасайтиришда, бўғим боди, бавосил (геморрой), жигар, буйрак касалликларини даволашда қўлланилган.

Илмий табобатда чойўтнинг спиртда тайёрланган дамламаси колит касаллигини даволашда ишлатилади. Бу ўсимликдан тайёрланган препарат — иманин тери: жароҳат, куйиш, чипқон, қулоқ-томоқ касалликларини даволашда ҳам кенг қўлланилади. Иманин суртилиши билан кучли тумов бир неча соатдан сўнг тарқалади. Чойўтдан оқсилли препарат — гиптальбин ҳам олинади. У шикастланган тўқимани тиклайди. Баъзи маълумотларга қараганда, чойўтдан олинган шарбат вена қон томирига юборилса, у юрак фаолиятини ҳамда қон босимини яхшилайди, иштаҳани очади, ошқозон-ичак фаолиятини тартибга солади.

Чойўтнинг бундай шифобахш бўлишига сабаб унинг таркибида флавоноидлар, эфир мойлари, витаминлар, смолалар, қандлар, минерал моддалар, кислоталар, минерал тузлар ва С, А витаминлари мавжудлигидадир.

Чойўт бўёқбоп ўсимлик сифатида ҳам машҳур. Унинг гулидан сариқ, яшил, поя ва баргларидан эса очпушти, қизил бўёқлар олиниши қадимдан маълум.

Ш. ТОЖИБОЕВ,
биология фанлари кандидати, доцент

М. МЎМИНОВ,
Наманган давлат педагогика
институтининг ўқитувчиси

ОНА ОРЗУСИ



Бобомурод ДАМИНОВ

Бобомурод Даминов ижодини дастлаб очерк ёзишдан бошлади. Унинг «Одамдан яхши ном қолсин», «Тугалланмаган портрет», «Бободеҳқон», «Томир» сингари тўпламларига кирган очерк ва ҳикояларида ҳалол меҳнати ҳамда инсоний фазилатлари билан ҳаётда ўз бахтини топган, самарали хизматлари туфайли эл назарига тушган ажойиб замондошларимиз ҳақида ҳикоя қилинади.

Узоқ йиллар партия ходими ва хўжаликларнинг раҳбари лавозимларида ишлаган ва мана шу жараёнда халқ орасида юриб катта ҳаётий тажриба орттирган муаллиф йирикроқ асарларга ҳам қўл урди. «Шам», «Она орзуси» қиссалари унинг кейинги изланишлари самарасидир.

Б. Даминов 70 ёшга кирди. «Гулистон» журналининг ижодий коллективи ҳам унга қутлуғ ёши билан муборакбод этади.

Қуйида «Она орзуси» қиссасидан парча ўқийсиз.

ВОКЗАЛ гавжум. Кимлар поезддан тушарди, кимлар поездга чиқишга шошиларди. Мен ҳам вагоним сари одимлардим. Қоронғи тун. Илимиқ ёмғир шивир-шивир ёғиб турибди. Шундай астойдил шивирлайдики, гўё аллақандай муҳим сирни кимларгадир секингина баён этаётгандай туюлади.

Вагонга кирдим. Ғовур-ғувур авжида. Купега ҳам кирдим. Пастки ўринларнинг бирида шол рўмоли тагидан оппоқ сочи кўриниб турган аёл ўтирарди. У кафтини иягига тираганича деразадан нигоҳини узмасди. Унинг ёнидаги ўрин меники эди. Юқоридаги ўринларнинг бирида озғинигина, сочлари ўсган бир ўспирин тиззаларини буклаб ётибди. Иккинчисида эса алвастидай эркак чалқанча ётганича ниманидир ғижирлатиб чайнарди. Шифтда нимжонгина чироқ милтирайди...

Қаршимдаги сочлари оппоқ аёл ўз хаёллари билан шунчалик банд эдики, гўё ўзлигини ҳам унутгандай. Унинг ғамгин, мунис кўзларида кишини хаёлга толдирадиган чексиз аччиқ ўкинч, ғусса кўпдан бери туриб қолгандай эди. Салгина чимрилган қалам қошлари, ҳаёт ташвишларининг излари — ажинларга тўла пешонаси, текис, озғин ёноқлари-ю, силлиқ бармоқларигача ундаги аллақандай сеҳрли маъсумлик, хушрўйликдан белги бериб турарди.

Поезд «тақа-тақ»лаб бир маромда манзилига шошилар, гўё у манзил узоқлигини мудом таъкидлаётгандек эди. Тепадаги полкада ётган тўнкадай қўпол киши аллақачон хуррак отишга тушганди. Соат миллари ўн иккига яқинлашганига қарамай, негадир уйқум келмасди. Қаршимдаги сочи оппоқ аёл ҳамон нигоҳини деразадан олмай, вагон ҳаракатига мос тебраниб борарди.

«Тавба, сочлари оппоқ бўлса ҳам пиликдай қошлари ҳамон қоп-қора. Пешанасига ажинлар из солибди-ю, юзларининг тиниқлиги ўзгармаган. Қизиқ, қизиқ...» Мен ҳамон қаршимдаги аёл ҳақида ўйлардим. Ҳа, унинг чеҳрасида кексалик билан ёшлик гўё баҳслашаётгандай эди.

— Неча ёшдасиз, опа?— деб юбордим ногаҳонда. Аслида: «Қаёққа кетяпсиз?» демоқчи эдим.

Аёл назарини деразадан олиб, менга қаради:

— «Опа» деб мурожаат қилдингиз, менга неча ёш берардингиз?

— Қирқ беш десамми...— чайналдим мен. Ёши улғайиб қолган кишиларнинг ёшроқ бўлиб кўринишга уринишларини назарга олиб, атайин шундай дедим. Аслида эса унинг ҳорғин кўзлари, пешанасидаги чумоли изига ўхшаш ажинлари, оппоқ сочи, ўзини вазмин тутиб гапиришлари бу аёлнинг элликдан ошганига шубҳа туғдирмасди. Фақат чиройли чарос кўзларидаги мунислик, қора қалам қошлари, аёлларга хос иффат, оппоқ садаф тишлар: «Мен ҳали ёшман» деб турарди.

— Эллик, эллик беш бермайсизми?— аёлнинг юпқа лабларида кинояли табассум пайдо бўлди.

— Йўғ-е, бунча бермасдим,— дедим. Аслида ранжитгим келмасди.

— Билишни истайсизми аниғини?— аёлнинг кўзларида истеҳзога ўхшаш нимадир бор эди.

— Кечирасиз, сўрадим-да,— назаримни олиб қочдим ундан.

— Майли,— бош ирғаб деди у,— ростини айта қолай, ўттизга кирдим.

— Нима дединг?!— ўрнимдан сакраб кетгудай бўлиб дедим.

— Ишонмаяпсизми?— деди маъюс жилмайиб аёл.

— Ишониш...— мен ҳам жилмайдим. Аслида эса ишонмас эдим.— Нега ишонмай? Бировлар ёшига нисбатан ёшроқ кўринади, бировлар эса аксинча...

— Тўғрисини айтаверинг,— қошлари чимирилди унинг.— Мана сиз ҳам ишонмаяпсиз. Бир сиз эмас, кўплар ишонишмайди. Иложим қанча.

— Лекин ҳар ҳолда...— дедим ўйчан.

— Тез қарибманми?— тилимнинг учидагини юлиб олди аёл.— Шундай! Э-э, бўларкан-да, пешанадагиси.

— Севмай эрга тегдингизми? Ёки эрингиз ноқобил чиқдими?

— Нима десам экан...— хаёл суриб деди у.— Сизга ростини айтсам, мен ҳали севги нималигини билмайман. Севишга улгурмай бўларим бўлиб, бўёвим синган. Лекин, севги нималигини бошдан кечирмаган бўлсам ҳам уни нозик гулга ўхшатаман. Севгини ҳам бошдан авайлаб парвариш қилинмаса, очилмай сўлиб қолади.

— Тўғри айтасиз,— қувватладим.— Айни вақтда муҳаббатни бургут боласига ҳам ўхшатиш мумкин. Осмонўпар чўққиларнинг тепасида хатарсиз парвоз этмоғи учун уни ҳам кенг ва юксак фазоларда мустақил учишга ўргатиш керак.

— Менинг-чи, менинг...— киприклари пир-пир учиб, кўзларида ёш кўринди аёлнинг. Бироқ у ожизлигидан уялдими, бир зумда ўзини қўлга олишга уриниб, лаблари зич қапишди. Шу ҳолича бир дақиқа жим турди. Асабига эрк бермай, уни жиловлашга ўрганган, ҳаёт суронларига кўникиб қолган мунис кўзларида итоаткорлик, кўникиш бор эди.— Ҳа, меники бутунлай бошқача. Сиз айтган бургут болачининг парвози қайда-ю, мен қайда? Парвоз қиладиган ўша қанотларимнинг бор-йўқлигини ҳам сезмай қолганман.

— Ҳаёт мураккаб, баъзан билиб-билмай янглишасан,— хайрихоҳлик билдирдим.

— Борди-ю, борди-ю,— такрорлади у,— ҳаётни ўзимиз чигаллаштириб ўтирсак-чи?

Зимдан назар ташладим — чеҳрасидаги бурунги мунислик, ожизлик энди аллақандай жиддийлик билан алмашганди. Назаримда унинг борлиғи эътирозга, журъатга айланиб бораётгандай эди.

— Шунақалари ҳам учрайди,— гап оҳангига қараб дедим.

— Яна қанақалари!— аёл қўл силтади. Унинг назари яна деразага қадалди.

«Қоронғи тунда нималарни кузатаётган экан...»

Жимлик чўккан, уни фақат поезднинг «тақа-тақ»и бузмоқда. Қаршимда ўтирган аёлга қараб хаёл сураман. Ҳа, ҳаётнинг аччиқ қисматларига, ўзининг ички ҳисларини жиловлашга, сабр-тоқатга, тақдир ўйинларига тан бериб бўрганиб қолган бу ёш аёлнинг ҳамма учун ҳам эшиги очиқ бўлмаган қалб сирлари бор эди.

— Менимча,— дедим суҳбатни давом эттириш ниятида,— ҳаёт ўзининг баъзи иллатлари билан ҳам қизиқ.

— Кимга қизиқ, кимга азоб,— ҳамон у назарини деразадан олмасди.

— Биз ўша азоб, фожиалардан ўрганамиз,— билимдонлик билан дедим.— Қайтиб такрорламасликгимиз учун улар бизга: «Мен аҳмоқ бўлиб янглишдим. Энди сенлар эҳтиёт бўлинглар», деб туради.

— А-ҳа, сиз ўрганасиз. Сизнинг ўрганишингиз учун эса кимлардир ўз ёғига ўзи қовурилиб, жизғаначи чиқиши керак,— чироқ шуъласида аёлнинг кўзлари бирдан ғалати ярақлаб кетди. У энди бутунлай менга қараб ўгирилиб олганди. Зумда важоҳати аллақандай даҳшатли бир қиёфага кирган, унда бояги мунисликдан ва ҳорғинликдан асар ҳам қолмаганди. Энди унинг қалбида аллақандай муросасиз исён, бўрон кўтарилмоқда эди.— Сиз ачинасиз. Сизларга ачиниш учун баҳона бўлсин, шундайми?!— Бир лаҳза назарини мендан олмай турди аёл. Кейин яна давом этди.— Э... биламан сизларни. Хафа деб аврайсиз, ачинган бўласиз, мен билан ғам чекишга ҳам тайёрсизлар. Ҳатто, кўзларингизга ёш ҳам оласизлар.— Э-ҳей, буларнинг ҳаммаси менга таниш. Биламан, биламан сенларни!— аёл ногаҳонда мени «сен»лашга ўтди. Кўзлари эса ёввойи мушукникидай ялтирарди.— Ҳамманг ифлоссан, раҳмдиллик ниқобига яширинган йиртқичсанлар! Ҳа, биламан сенларни! Кўзинчоқ бўлиб маърайсанлар, аслида ҳамманг йиртқич бўрисанлар!— Аёл бирдан ўкраб йиғлаб юборди.

Тепадаги полкада ётган ҳайбатли киши уйғониб қаддини ростларкан, эгилиб пастга қаради. Гумонсираган кўзлари менда эди.

Бирдан купе эшиги очилиб, кифтига шол рўмол ташлаган кампир кўринди. Ажинлар қуршаган кўк кўзларини менга тикканича: «Сен нима қиляпсан ўзи?» деб турарди.

— Хўш, нима гап ўзи?— Кампирни четга суриб, эшик олдида супурги ушлаган қора мўйловли вагон кондуктори пайдо бўлди...

Қаршимдаги аёл эса киприклари титраб, ҳамон бўғилиб, энтикиб йиғларди.

Мен хижолатда эдим. Йиғлаётган аёлга ҳам, норози тикилиб турган кўз эгаларига ҳам нима дейишни билмасдим.

— Ҳамманг йўқол!— Қўл силтаб ўшқирди аёл. Энди эшикда турган кампир билан кондуктор ҳам хижолатда эди.— Нима дардларинг қолди мен билан? Биламан, сенларга ҳам томоша керак. Мана, кўрдинглар, томошани! Қани, энди мени тинч қўйиб жўнаб қолинглар-чи!

Кампир кифтини учириб ўзини четга олди. Кондуктор ҳам тааҳҳуб тўла кўзларини аёлдан олмай изига қайтди. Тепадаги семиз киши ҳам нималардир деб ғудунгларди-да, ёстиққа бош қўйди. Аёл билан яна иккимиз юзма-юз қолдик. Мен унга қарашга журъат этмай хомуш ўтирардим.

Н. ИБРОҲИМОВ чизган расм

ИККИ ЭРТАК

САЁҚ МУШУК

Турғунбой ҒОИПОВ

ОВҚАТ ўғирлашни одат қилган саёқ мушукни эгалари қувиб юборишгач, у яқин орадаги ўрмонга бориб чумчуқларни, қуён, олмахонларни тутиб емакка бошлабди. Айиқ мушукни койиган экан, у айиққа тик қараб:

— Миёв! Сен маймоқдан ким қўрқарди? Ўзингни емаганимга қувонсанг-чи!— дебди.

— Нима дединг?— дея ўкирибди Айиқ.— Шу одобсизлигингни ҳам қўшиб ҳисоблаб, бир жазонгни бермасамми!

Мушук тепалик устига қочиб чиқиб ўша ердан:

— Жониворлар зўри фил менинг тоғам-ку, билмайсанми, у сени хартуми билан бир уриб, ерга қапиштириб ташлайди-я, менга тега кўрма!— деб ўдағайлабди.

Айиқ иккиланиб тўхтабди:

— Кучда тенгсиз бўлишидан ташқари оқкўнгил, беозорлиги билан танилган фил наҳотки сени ёқласа? Қани бориб ўзи билан сўзлашиб кўрайчи,— дебди-да, чумчуқ, қуён, олмахонларни эргаштириб филнинг ёнига жўнабди. Мушук бўлса, бошқа йўл билан чопиб филнинг ёнига етибди, аянчли миёвлаб кўз ёши тўкибди:

— Миёв, миёвв... Айиқ сизни барчага ёмонлаб сўзлади. «Филга тил тегизма, дунёда ундан яхши жондор йўқ», десам, Айиққа алам қилиб мени мижғилади, аранг қутулиб қочдим. Ана ўзи... Мени қувиб келяпти, мени яширинг, қутқаринг! Миёв...

Мушук филнинг орқа оёғи ортига ўтиб яшириниб улгурибди. Айиқ етиб келиб, филга салом бериб, мақсадидан сўз очибди. Бошқа жониворлар ҳам мушукдан шикоят қилишибди:

— Текканга тегиб, тегмаганга кесак отади. Болаларимизни тутиб ейди. Бизга кун кўрсатмай қўйди. Шумнинг дастидан ўлар бўлдик-ку? Жиянингизни нега тиймайсиз?— дейишибди

Уларнинг ҳасратидан таъсирланиб кўзи ёшланган фил:

— Нима... Ким... Қайси жияним ҳақида гапиряпсизлар?— деб сўрабди.

— Саёқ мушук фил менинг туғишган тоғам, мени ёқлайди!— деб чиранди-ку.

— А, шундай денглар...— Энди тушунибди фил.— Ана шу мушук ҳақида гапиряпсизлармми?

У орқа оёғини сал четга олган экан, жунлари ҳурпайган, кўзлари олайган саёқ мушук барчанинг кўзи олдида пайдо бўлибди. Жониворлар илонни кўргандай сесканиб, ранглари ўчиб:

— Ана, ана... худди шунинг ўзи! Шу сизга жиян эмиш!— дейишибди.

— Миёв! Туҳматларига ишонманг, фил тоға, уринг, ўлдиринг, барчаси сизга душман!— деб қичқирибди шошиб қолган Мушук қочишга йўл қидириб.

Фил хартумига кўлдан сув олиб Мушукка шундай пуркабдики, унинг қайга учиб йўқолганини ҳеч ким билмай қолибди.

— Фитначи саёқ Мушукдан ҳеч қачон жияним бўлмаган, бўлмайди ҳам! Ундайларни ҳимоя қилган кимса ўзи шарманда бўлади!— дебди фил.

Жониворлар Филга раҳмат айтиб, қувнашиб, қайтиб яна тинч-тотув, аҳил яшайверибдилар.

ЭНГ ЯХШИ ДАВО

ВОР ЭКАН, йўқ экан, аввал замонда бир подшо яшаган экан. Унинг икки вазири бўларкан. Вазирларга нимадир камлик қилаётгандай сезилибди. Подшо қараса, улар камҳаракат эмиш. Шуни ўйлаб кўнгли бузилибди. Вазирлар эса бунга бепарво, ахир амалларига яраша йўғон гавдали, улуғвор бўлишлари керак эмасми? Йўқса, уларни ким назарписанд қиларди? Шунинг учун улар кўп ухлаб, кўп овқат еб, кам ҳаракат қилиб, ҳеч нарса ҳақида ташвиш тортмай семираверибдилар. Қовоқдай қорин чиқариб, бақбақалари осилибди. Юрганда ҳам оғирсиниб, зўрға қадам босишар, эгарланган отга ҳам хизматкорлари ёрдамида аранг миниб олишар экан. Бир-бирларига бош оғриғидан, дармонсизликдан шикоят қиладиган бўлишибди. Подшо: «Вазирларимга нима жин урди, тўнкага айланиб қолишяпти-ку»,— деб ажабланибди. Бир куни у вазирлари билан овдан қайтаётиб ёши юздан ошган, қоши, сочи, соқоли қордай оқарган бир қарияга дуч келибди. Қария чаққон ҳаракат қилиб, ер кавлаб дарахт ўтказаётганмиш. Шоҳ қариядаги ғайратнию вазирларидаги сустликни солиштириб, чол билан гаплашгиси келибди, яқин бориб:

— Ҳорманг, бува,— дебди,— ғайрат қилиб қолибсиз?

— Олма дарахти экяпман, болам, жуда ноёб олма эди, етилсин, сизлардай йўл юриб чанқаб келаётган кишилар еб баҳра олсинлар, деб ўйладим.

Қариянинг сўзи шоҳга маъқул тушибди. «Пул бериб, синаб кўрай-чи, ишдан айнирмикан», деб чолга бир ҳамён пул берибди.

— Манг, бирон ишга яратарсиз.

Вазирлар бўлса чолга:

— Ана энди сира ишламай, оёқ узатиб, шу пулни еб ётаверасиз. Иш билан ўзингизни уринтиришингизга ҳожат қолмади! Бари бир бу ниҳолнинг мевасидан татиб кўролмайсиз,— дейишибди.

— Меҳнатга ўрганган одамман, бекорчиликни ёмон кўраман,— дебди чол,— элга, одамларга фойдаси тегмаган одам одамми? Бу пулни ҳам шу атрофни обод қилишга сарфлайман...

Орадан бир неча кун ўтгач, шоҳ вазирларига буюрибди: «Чол нима қилаётган экан, бориб билинг. Кейин унга: «Шоҳ сизга иккита семиз ўрдак юборди, шуларнинг ҳар бирининг юзтадан патларини юлиб олинг. Оздириб, яна соғ-омон ҳузуримга қайтаринг. Шоҳнинг буйруғи шу, денг»,— деб жўнатибди. Вазирлар кун иссиғида баттар пишиллаб, юз терларини белбоғлари билан артиб, бўғриқиб, ичларида шоҳни ҳам, чолни ҳам сўкиб, отга бир илож қилиб миниб олишибди. Қария ҳузурига етиб бориб қарасалар... Эҳ-ҳа. Ташландиқ, қаровсиз ер таниб бўлмас даражада гуллаб, ўзгариб кетибди. Чол ҳашарчилар билан қолган ерларни ҳам ҳайдаб, чопиб, мевазорга айлантираётганмиш. Вазирлар чолга шоҳ сўзларини айтган эканлар, у кулимсираб: «Шоҳ буйруғи вожиб! Отдан тушинг, енг шимариб ишга киришинг. Шоҳнинг икки семиз ўрдак дегани — сизлар, юзтадан патини юлинг, дегани, юз кун ишлатинг, дегани!»— дебди. Вазирлар ишлашга мажбур бўлишибди. Юз кун ўтгач, улар меҳнат туфайли чаққон ҳаракат қилувчи соғлом кишиларга айланиб қолибдилар. Меҳнат уларнинг танларига ҳам, калондимоғликларига ҳам даво бўлибди.

* * *

— Бошқалар ҳақида нега шундай ўйлайсиз?— дедим ниҳоят ўпкаланиб.— Балким сизнинг ўз ёғингизга ўзингиз қоврилишингизни кўриш бошқалар учун кўнгилли эмасдир?

— Балким?— оғир тин оларкан у шошилмай дастрўмоли билан кўзларини артди.— Балким,— яна такрорлади,— бошқаларнинг бошидан кечган фожиаларни бир четдан кузатиб туришга сиз ҳам қарши бўлмасангиз керак. Шундай эмасми? «Эй, нима қилаяпсизлар ўзи? Инсоф борми сенларда?» деб ўзингизни ўртага ташлармидингиз? Ҳеч-да! Ҳа, кўриб келяпмиз. Биламан, сиз ҳам ўшаларнинг бири. Сизнинг хайриҳоҳ бўлишингиз-у, ачинишингиздан менга нима наф?

Назари ҳамон менда эди. Мушт бўлиб тугилган қўллари, аллақандай адоват билан боқаётган кўзлари шу қадар даҳшатли эдики, мен беихтиёр: «яхшиликча тугатиш керак бу машмашани...» деган фикрга келиб, эътироз ҳам билдирмай, жимгина тинглардим.

Поезд устма-уст чинқирди-да, юришни секинлатди. Кимдир ҳуштак чалди. Ниҳоят, поезд тўхтади. Кимнингдир: «Эй, бу ёққа, бу ёққа», деган овози жаранглаб кетди. Вокзалда ғовур-ғувурлар кучмаймоқда эди. Вагондаги тарақ-туруқлар, вагонга чиқаётган одамларнинг бақириқ-чақириқлари тун оромини бузарди. Анчагина туриб қолдик. Қаерга келганимиз мени ҳам, эҳтимол қаршимдаги аёлни ҳам мутлақо қизиқтирмасди.

Поезд яна ўрнидан жилди. Ҳамон жимлик. Ҳамсуҳбатим бош эгиб ғамгин ўтирибди. Чеҳрасида энди ғазаб эмас, ўкинч, афсусланишга ўхшаш нимадир бор эди.

«Суҳбатимиз шу билан тугади. Бари бир энди қулфи дилига калит тополмадим», афсусланиб ўйлардим.

Поезд тезлигини тобора ошириб елиб бораяпти. Ўйламасдан гапириб қўйиб, оғзим куйганидан бирон нарса деб сўз қотишдан ҳам чўчияпман.

— Кечирасиз,— ногаҳон тилга кирди у.— Чарс феълим қурсин, кишиларни доим шундай ранжитиб юраман. Туриб-туриб, тутоқиб кетаман. Бу одатимдан ўзим ҳам пушаймонман. Одобсиз синглингизни кечиринг, ака. Жуда-жуда беадаблик қилдим,— аёлнинг чарос кўзларида ёш йилтиради. У бир зумда икки букилиб бир тутам бўлиб қолганди. Унинг ҳозирги аҳволини кўриб, юз марта кечиришга ҳам тайёр эдим. Кўз олдимда қайтадан ўша-ўша тақдирга тан бериб ўрганиб қолган юмшоқ, ғариб, мунис аёл ўтирарди. Шашқатор ёшлар тизилиб турган кўзларида нафрат, ғазаб эмас, аксинча ғарибона заифлик, итоаткорлик бор эдики, энди унга бирон нарса деб таъна қилиш ҳам ўринсиз эди.

— Демак, сизни бахтсиз қилишибди-да,— таваккалига дедим.

Аёл дарҳол жавоб беришга шошилмади. Оғир тин оларкан, анча жим турди.

— Бахтсиз...— ниҳоят ўйланиб деди. Эҳтимол унга бу ҳақда сўз очиш ҳам қийин эди.— Бир ўзим бахтсиз бўлсам ҳам гўрга эди-я!

— Шундайми...— Мен ҳам ўйланиб қолдим, сўнгра «қанақасига» дея тағин қизиқдим.

— Э, нимасини сўрайсиз,— секингина қўл силтади. У ҳамон бошини кўтармасди.— Бунинг сизга нима қизиғи бор?

— Бари бир уйқу қочди. Вақт ҳам тезроқ ўтармиди,— дедим.

— Шундайку-я,— аёл оғир тин олди. Мен эса сабр қилиб гапнинг давомини кутардим.— Э, ака, нима қилай, пешанамда кўргиликларим кўп экан. Ким ўйлабдики, бундай бўлишини. Асли ҳаммаси эртакка ўхшаб бошланди. Эсимда, ўша куни роса жала ёғиб берди. Гоҳ-гоҳда момақалдироқ еру кўкни титратиб гумбурлар, чақмоқ чақиб, ярақлаган яшин адирларга ўрлаб кетар эди.

Шундай кунда бизникига мийиғида жилмайибгина тоғам келди. Ўшанда саккизинчи синфда ўқирдим. Бўйим ғаровга ўхшаб тикка ўсиб бораётганди. Тоғамни уйдагилар апоқчапоқ кутиб олишди. Негадир бу гал тоғамни жуда ҳурмат қилишарди. Ёмғир гоҳ тиниб, гоҳ авжига чиқарди. Бизлар бир гала тенгқур қизлар, ўғил болалар гоҳ ҳовлига чиқишиб, гоҳ ёмғирдан, момақалдироқдан қочишиб, қийқиришиб, чинқиришиб, оламга сиғмай юришардик. Катталарнинг суҳбатига эътибор ҳам бермасдик...

Мана, яна тағин ер-осмонни лойга қориб ташлаган жала. Молхонадан чопиб чиқиб, даҳлизимизга яшириндим. Ногаҳонда:

— Қани, Донагулни бегонага бериб кўринглар-чи,— деган сал хира овоз эшитилди. Бу тоғам эди.— Уни ҳеч кимга бермайман. Ўзим келин қиламан.

Тоғамнинг овози жиддий ва кескин эди.

— Бахти билади, алқисса,—деди дадам. Мийиғимда кулдим. Бироқ қизиқ ҳазил бўлиб туюлди менга бу гаплар. Ўша дақиқаларда менинг ҳам, Расулжоннинг ҳам тақдирларимиз ҳал бўлаётганини қачон билибман?

Орадан бир йилдан кўпроқ ўтганида ҳалиги ҳазилнинг таги зил чиқди. Тоғамникидан совчилар келиб қолишди. Ошхонага бекиниб олдим.

Ҳали совчилар келишмай ҳам бизнинг бўлажак тўйимиз бирга ўқишадиган тенгдошларимнинг тилида юрарди.

Йиғига зўр бердим. Йиғлардим-у, ростини айтсам, зўрма-зўраки йиғлардим. Йиғи ичида кулги ҳам аралаш эди. Кулаётганимни билдириб қўймаслик учун ҳам атайин йиғига зўр берардим.

— Қўй, тентак бўлма! Тоғанг келин қилса жон дегин,— онам тўрғай бўлиб чулдираб, бошимни силарди. Момом — отамнинг онаси эса бир четдан туриб ёқимсиз ингичка овозда: «Сен ҳам йиғлаб ол. Келин бўлганимда мен ҳам йиғлаган эдим, ҳаммамиз йиғлаймиз бундай кунлари», дерди.

Хуллас, совчилар расм-русумларни бажариб кетишди. Кошки менинг йиғим тамом бўлса!

— Бир акангни уйли-жойли қилгунимча она сутим оғзимга келди,— деди дадам ошхонага чиқиб.— Яна икки аканг турибди. Сенсиз ҳам ташвишларим етарли.

— Хуррамжонни уйлантириб, тоғанг ҳали-ҳали ўзига келмайди,— сўзга аралашди акам ҳам. Хуррам— тоғамнинг тўнғич ўғли. Уни уч йил бурун уйлантиришган.— Ўз жигаримиз, бор-йўғимизни билдирмайди, деб тоғанг биз билан қуда бўляпти. Йиғла-йиғлама, энди тоғангга келин бўласан!

Шундай қилиб, мени Расулжонга, туғишган тоғамнинг ўғлига унаштиришди. Асли ота-оналарим ҳам опасингилнинг фарзандлари — холаваччалар экан.

ДЎСТЛИК ЭЛЧИЛАРИ

Малик МУРОДОВ,
филология фанлари доктори

Ўн ДАТДА китобни офтобга қиёс қиладилар. Дарҳақиқат, қуёш оламга заррин нурларини сочиб, заминни яшнатса, жамики борлиққа ҳаёт бахш этса, инсониятни яйратса, инсон яратган тафаккур мўъжизаларидан бири бўлмиш китоб ҳам башариятга нур, ақлидрок ато этади, билим беради, ёруғликка, эзгуликка ундайди. Китобнинг ўзига хос яна бир хосияти борки, уни таъриф-тавсифлашга ҳар қандай бадиий сўз ҳам камлик қилади. Бу — яхши китобнинг чегара ва ирқий айирмани билмаслиги, барчага баробар холисона хизмат қилишлигидир.

Маълумки халқлар ўртасида китоб алмашуви, бошқа халқларда бўлганидек, ўрта осиёликларда ҳам жуда қадимдан бошланган. Ҳеч шубҳасиз, ўтмишда яшаб ўтган ота-боболаримиз — улуғ тарихий шахслар: Ибн Сино, Беруний, Ал-Хоразмий, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобир ва бошқалар китоб алмаштириш, ўзга тилардаги китоблар таржимаси бобида ҳам ибрат намунасини кўрсатганлар. Дарвоқе, улар бошқа тилларда яратилган қўлёзма китобларни мутолаа қилибгина қолмасдан, улардан кўпчиликнинг баҳраманд бўлиши учун таржима қилдириш соҳасида ҳам қайғурганлар. Бу ҳол Ўрта Осиёда тафаккурнинг янада ривожланишига, адабиёт ва санъатнинг камол топишига, фаннинг бошқа турлари тараққиётига муҳим замин яратган. Бу анъана кейинчалик ҳам давом этди, бизнинг давримизга келиб эса мисли-сиз тарзда ривожланди.

Бу ўринда ана шу катта ижтимоий ва олижаноб ишга муҳим ҳисса қўшаётган ижодий ташкилотлардан бири — Бутуниттифоқ «Радуга» нашриёти Ўзбекистон бўлимининг фаолияти мақтовга сазовордир.

Маълумки, давр талаби, ҳаёт тақозоси билан 1974 йили Москвадаги «Прогресс» нашриётининг бўлими Ўзбекистонда ҳам ташкил этилган эди. Кейинча хорижий мамлакатлар, хусусан Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари халқлари билан маданий, адабий алоқалар яхши йўлга қўйила бошлаганлиги, совет адабиётига талаб ниҳоятда кучайиб кетганлиги туфайли мазкур нашриёт фаолияти торлик қилиб қолди. Натижада «Радуга» нашриёти «Прогресс»дан ажралиб чиқди. Шу муносабат билан бу нашриётнинг Ўзбекистондаги бўлимига асосан классик ва ҳозирги замон совет адабиётининг энг яхши намуналарини Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари тилига таржима қилиб, чоп этиш вазифаси юклатилди. Ҳозирги кунда «Радуга» нашриётининг Тошкент бўлими шарқ тилларида, яъни форс, араб, урду, ҳинд, дари, пашту тилларида китоб чиқармоқда. Бунга ҳозирги замон прогрессив шарқ адабиёти асарларини ўзбек тилига таржима қилиб чиқарилаётгани ҳам қўшилса, сўз бораётган нашриёт коллективи ўз олдига қанчалик масъулиятли, қийин, мураккаб ва айни чоқда олижаноб ҳамда шарафли вазифа қўйганлиги маълум бўлади.

«Радуга» нашриёти чоп этган асарларни ва унинг яқин йилларга мўлжаллаб тузган перспектив планларини кўздан кечирар экансиз, нашриёт фаолиятида ривожланган социализм даврида совет тузуми эришган натижалар, янги жамият барпо этишдаги СССР халқлари қўлга киритган ютуқларни — бадиий адабиёт намуналари мисолида ёркин ва равшан кўрсатиш биринчи ўринда турганлигига тўла ишонч ҳосил қиласиз. Бу мақсадга қай даражада эришилганини 1976—1983 йиллар мобайнида чоп этилган китобларнинг сони, тематикаси, тиражи, савия ва салмоғи, кўламлари, уларни хорижий мамлакатлар китобхонлари қандай қабул қилиб, улар қалбига қанчалик етиб борганидан билиб олиш қийин эмас. Шуни алоҳида ифтихор билан қайд этиш керакки, чет эллик китобхонлар «Радуга»нинг Тошкент бўлими нашр этган ҳар бир китобни чанқоқлик, зўр иштиёқ ва мамнунлик билан кутиб олишмоқда.

«Радуга»нинг Тошкент бўлими шу кунгача 154 номда 2785 та, 50 босма табоқ ҳажмдаги китобни 1 миллион нусхада нашр этди. Тошкент бўлими хорижий шарқ китобхонлари учун фақат бадиий адабиёт нашр этиш билан шуғулланиб келмоқда. Нашрга оид миллий тиллардаги асарларни рус тилига ағдариш, рус тилида мавжудларини танлаш, етакчи мутахассис таржимонлар ва маслаҳатчилар билан ишлаш, китоб чиқаришда лозим бўлган тил шрифтларини топиш кабилар шулар жумласидандир.

«Радуга» нашриёти Тошкент бўлимининг аҳил, меҳнатсевар, чуқур билимли шарқшунос-мутахассислари ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, қисқа муддат ичида муҳим ютуқларга эришдилар. Совет адабиётининг атоқли намояндалари — М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» китоби 1—2 жилдлари, Д. Фурмановнинг «Исён» романи, А. Чаковскийнинг «Олис юлдуз шуъласи», М. Прилежаевнинг «Ленинннинг ҳаёти», Ю. Семёновнинг «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси», С. Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими», «Ҳаётим ҳақида», М. Авезовнинг «Абай» (ҳар икки китоби), Б. Кербобоевнинг «Нуқра сув — олтин» ва бошқа қанчадан-қанча авторларнинг китоблари урду, дари, ҳинд, форс тилларида сўзловчи китобхонлар қўлига етиб бориб, уларнинг севимли асарларига айланди. Бунда «Радуга»нинг Манзар Салим, Судҳир Кумар Матхур, Саид Фарид каби ижодий ходимлари, олий даражали хорижий ва совет таржимонлари, тилшунос-мутахассислар, назоратчи редакторларнинг, ташкилотчи-раҳбарларнинг хизмати беқиёсдир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, «Радуга» нашриётининг Тошкент бўлими фаолиятида ўзбек совет адабиёти салмоқли ўрин тутади. Сўнгги йилларда Ҳамзанинг «Танланган асарлар»ви, Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар», «Бўрондан кучли» романлари, Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» асари араб ва урду тилларида, Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон», Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романлари дари, форс, араб, ҳинд, урду тилларида чоп этилди ва бу эса шарқ халқлари маданий ҳаёти тарихида катта воқеа бўлди, араб ва ҳинд халқлари билан маданий алоқаларимиз ва дўстлигимизнинг янада кучайишида муҳим роль ўйнади. Мазкур тўпламга Ҳамзанинг «Ишчилар, уйғон!», «Биз ишчимиз», «Яша Шўро!», «Ҳой-ҳой отамиз» каби машҳур революцион шеърлари билан Улуғ Октябрь социалистик революциясигача ёзган асарлари, хусусан девонидаги ғўзал ғазаллари ҳам киритилган.

«Радуга» нашриётининг Тошкент бўлимида нашр этилган «Бахт қуши» деб номланган ўзбек ҳикоялари тўплами ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтиб ўтиш жоиздир. Араб тилида босилган бу тўплам ўзбек ҳикоячилигининг энг яхши намуналаридан ташкил топган. Унга Ғафур Ғулом, Ойдин, Саррвар Азимов, Назир Сафаров, Миримуҳсин, Ҳамид Ғулом, Мақсуд Қориев каби катта ва ўрта авлодга мансуб атоқли адибларнинг ҳикояларидан тортиб, истеъдодли ёш ёзувчиларнинг ҳикояларигача киритилган. Тўпламни ўқиб чиққан ҳар бир китобхонда ҳозирги замон ўзбек ҳикоячилигининг энг асосий тенденциялари ва қўлга киритган ютуқлари ҳақида маълум тасаввур туғилади.

Булар ҳозирча амалга оширилган ишлар. Аммо, олдинда қилинадиган ишлар, режалар жуда катта. Яқин келажакда Ойбекнинг «Навоий» романи, Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романи, «Дил амри» қиссаси, Саид Аҳмаднинг ҳикоялар тўплами, шунингдек, Комил Яшиннинг «Ҳамза», Назир Сафаровнинг «Наврўз», «Момақалдироқ», Мирмуҳсиннинг «Дегрез ўғли» романи, Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», Одил Ёқубовнинг «Диёнат», шунингдек, Мақсуд Қориев, Саъдулла Каромат, Т. Қаипбергенов, Борис Пармузин ва бошқаларнинг китобларини ҳам араб, форс, урду, ҳинд, дари тилларида нашр этиш устида қизғин иш олиб борилмоқда. Бунинг учун Тошкентга хорижий шарқ мамлакатларидан юксак савияли таржимонлар таклиф этилган, мутахассис-маслаҳатчилар белгиланган.

Халқда: «Китоб ўқувчиси билан», деган ибора бор. Дарҳақиқат, ҳар қандай китоб ўқувчи қалбига етиб борса, унда қизиқиш уйғотса, туйғуларини бойитса, борлиғини ларзага солса, ўйлантирсагина у ўз олдига қўйган вазифани ўтаган бўлади. «Радуга» нашриётининг Тошкент бўлими чиқараётган китоблар ўзининг шу вазифасини тўла ўтаб келаётир, деб айтиш мумкин. Бунга жуда кўп мамлакатлар китоб мухлислари йўллаган у ёки бу китоб ҳақидаги таассуротларни ифодаловчи тақризлар, хатлар мисол бўла олади.



Ҳамид ОЛИМЖОНнинг «БАХТ КАЛИТИ» номли шеърлар тўплами форс тилида нашр қилинди.

Шароф РАШИДОВнинг «ҒОЛИБЛАР» романи араб тилида чоп этилди.

Ғафур ҒУЛОМнинг «ШУМ БОЛА» қиссаси урду тилида босилди.



Форс тилида нашр этилган мана бу тўплам ўзбек совет ёзувчиларн ҳикояларидан таркиб топган. Тўплам «БАХТ ҚУШИ» деб аталади.

УСТА САНЪАТКОР



Даниил Порфирьевич Демуцкий — украин совет киносанъатининг машҳур арбобларидан бири. Шу кунларда мамлакатимиз кинематография жамоатчилиги санъаткор туғилган кунининг 90 йиллигини кенг нишонлаётир.

Д. П. Демуцкий кино санъатининг чинакам устаси эди. Унинг отаси Порфирий Даниилович Демуцкий таниқли украин бастакорларидан бўлиб, ўғлининг қалбида санъатга ихлос уйғота олди. Рассомлик ва бадиий фотографияга қизиқиш. кейинчалик Даниил Порфирьевичнинг ҳаёт йўлини белгилади.

Д. П. Демуцкий 1925 йилдан бошлаб Одесса кино фабрикасида рассомлик билан фотографлик ишини қўшиб олиб боради, айни пайтда кинооператорликни ҳам зўр қизиқиш билан ўрганади. Шу вақтлар у Париждаги декоратив санъат кўргазмасининг Совет Иттифоқи бўлимига қўйилган қатор фотоэтюдлари учун Олтин медалга сазовор бўлади. Режиссёр А. Кордюм бу даврни шундай хотирлайди:

«Студиянинг фотоцехида Даниил Порфирьевич моноқль ёрдамида сурат олишни биринчи бўлиб татбиқ этган эди. Бу ижодий новаторлик устидан лабораториянинг баъзи фотоҳунармандлари: «Фокуссиз сурат олувчи бу киши қанақа бошлиқ бўлди», деб кулдилар. Бироқ кейинчалик бу сўзларидан уларнинг ўзлари уялиб қолдилар. Демуцкийнинг моноқль билан олган суратлари Париж кўргазмасида Олтин медаль олганидан сўнг унинг устидан кулган кишилар, фотографни ижодий ғалаба билан табриклаб, қўлини қисишга мажбур бўлдилар».

20-йилларда Д. П. Демуцкий режиссёр Г. Стабов билан биргаликда «Совуқ шамол», «Ўрмондан келган киши», «Икки кун» фильмларини, А. Довженко билан эса «Арсенал» фильмини суратга олди. Бу асарларда ёш кино санъаткорнинг таланти алоҳида ёрқин намоён бўлди. Шу тариқа у совет кино усталарининг қалдирғочлари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Икки санъаткор — Д. Демуцкий билан А. Довженконинг дўстлиги худди шу кезлардан бошланди. Довженко унинг сиймосида режиссёрнинг фикрларини чуқур тушунадиган ва мақсадни ёрқин, теран очиб берадиган образли ечимлар ҳам ярата олувчи операторни топди.

1929—1930 йилларда А. Довженко билан Д. Демуцкий «Ер» фильмини яратдилар. Бу фильм бутун жаҳон эътиборини қозонди. «Ер» фильмидаги киносанъаткорлик Ватанга, социализмни барпо этаётган оддий бунёдкор кишиларга нисбатан чексиз муҳаббат руҳи билан суғорилган.

Композицияларнинг аниқлиги, ёруғликнинг усталик билан берилиши, портрет расмларнинг майинлиги, сохта гўзалликнинг йўқлиги фильм операторига катта ҳурмат-иззат келтирди.

Икки санъаткор биргаликда 1932 йили биринчи украин овозли фильми «Иван»ни суратга олдилар. Демуцкий мазкур картинада ДнепроГЭС қурилишининг бир қатор унутилмас ҳаётий лавҳаларини яратдиким, улар ўзининг кенг қамровлиги ва катта кўламлилиги билан томошабинни ҳайрон қолдиради.

1936 йилдан бошлаб Д. Демуцкий Тошкент ҳужжатли кинохроника студиясида ишлай бошлади. Бу унга Ўрта Осиё республикаларида бўлиш ва кўрганларини завқ-шавқ билан киноленталарга кўчириш имконини берди. Қалбига яқин ва қадрли Ўзбекистон унинг иккинчи Ватани бўлиб қолди.

Моҳир кинооператорнинг бу даврдаги кўзга кўринган илк ижодий ишларидан бири «Баҳор мамлакати» (А. Кордюм режиссёрлик қилган) бадиий-ҳужжатли картинасидир. Фильм иттифоқимизнигина эмас, Яқин Шарқ, Ҳиндистон ва Хитой экранларини ҳам айланиб чиқди.

Д. П. Демуцкий таниқли кинорежиссёр Яков Протазанов билан ҳамкорликда «Насриддин Бухорода» фильмини суратга олди. Бу фильм томошабинларга эски Бухоро қаётини ёрқин бўёқларда кенг тасвирлаб берди.

Ҳўжа Насриддин халқ қаҳрамонидир. Унда довюраклик ва ҳаётий қувноқлик ҳам, яхшилик ва ҳозиржавоблик ҳам, топқирлик ва яратувчилик ҳам камолотга етган. У халқнинг содиқ дўсти, золимлар, судхўрлар, бойларнинг эса тинчлигини бузувчи образ сифатида талқин қилинади. Насриддин Ватанини самимий, юракдан севади. Тиниқ кўзлари айёрона чақнаб турадиган, ҳийлакор ва қувноқ бу одамнинг дунёда бундан устунроқ севгиси йўқ. Шунинг учун ҳам фильмни томошабинлар қизғин кутиб олдилар. Мазкур асар талай чет мамлакатларда ҳам намойиш этилди.

Режиссёр Наби Ғаниев бошчилигида яратилган «Тоҳир ва Зуҳра» фильми оператор Д. П. Демуцкий шуҳратига шуҳрат қўшди. Фильм асосида ўзбек халқининг севимли афсонаси ётади. Режиссер Наби Ғаниев ва оператор Д. П. Демуцкий афсонани оддий суратга олиш йўлидан бормадилар, балки ўз олдиларига ёрқин, тўла драматизмга эга бўлган киноасар яратишдек мураккаб вазифани қўйдилар. Д. П. Демуцкийнинг ўзи бу ҳақда 1945 йил 5 февралда Ю. Яновскийга ёзган хатида шундай дейди:

«Салом, қадрли дўстим!

Сен билан Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Даниил Порфирьевич Демуцкий гаплашаяпти!!.

Умуман, мен энди хохол эмас, ўзбекман...

Ҳозир анча катта, диққатга сазовор «Тоҳир ва Зуҳра» картинасини тугаллаш арафасидаман. Фильм Сизга ҳам албатта ёқади. Уни «Ромео ва Жульетта»нинг шарқча варианти деса бўлади...»

«Тоҳир ва Зуҳра» кинолентасига А. П. Довженко катта баҳо берган эди. Ўзбекистон ижодий жамоатчилиги ва томошабинлар ҳам бу бадиий юксак фильмни шод-хуррамлик, зўр ҳаяжон билан кутиб олдилар.

Улуғ Ватан уруши йиллари биров жангда, биров фронт орқасида — ҳар бир Совет кишиси ўз Ватанига нима биландир ёрдам бериш иштиёқида ёнарди. Д. П. Демуцкий шу йиллари «Жанговар кинотўпламлар» учун икки мудофаа сюжети — «Сўнгги тун» ҳамда «Мовий чўққилар»ни суратга олиб, севикли Ватан мудофаасига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Моҳир киносанъаткор Ўзбекистонда ишлаган даврида ёш ижодий кадрларни тарбиялаб етиштиришга оҳиқ кўнгиллик ва муҳаббат билан ёндашди, бу борада бор кучини аямади. У ҳамиша ўз шогирдларининг муваффақиятларидан қувонар, улар билан ғурурланар эди. Дарҳақиқат, Демуцкийнинг киносанъаткорлик ижодидан фақат оператор ёшларгина эмас, балки бутун бир ёш режиссёрлар, киносанъаткорлар авлоди баҳра олди. Бадиий кинематография усталари бўлиб етишган Малик Қаюмов, Йўлдош Аъзамов, Латиф Файзиев, В. Синиченко ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўз навбатида ёшлар ҳам Даниил Порфирьевични севар, ўз устозларидан миннатдор эдилар. Бинобарин, Малик Қаюмов Демуцкийга юборган телеграммасида шундай деган эди: «Сизга — мени тарбиялаган ажойиб ўқитувчимга чин қалбимдан миннатдорчилик билдираман. Охиригача сизга муносиб шогирд бўлиб қолишга ваъда бераман. Тарбиянгиз учун яна бир бор ташаккур изҳор этаман!»

Уруш давридан сўнг (1951) режиссёр Игорь Савченконинг буюк украин шоири Тарас Григорьевич Шевченкога бағишланган «Тарас Шевченко» фильми украин совет киносанъатида муҳим воқеа бўлди.

Бу кинолентада машҳур оператор Д. П. Демуцкий талантининг янги бир қирраси намоён бўлди. Бунда санъаткор эпизодларнинг тасвирий ечимини қайд этишга ва ички мазмунни очиб ташлашга ҳаракат қилди. Т. Г. Шевченко портретларида қаҳрамоннинг характер хусусиятлари, унинг ҳиссиёти, изтироблари қайд этилди. Демуцкий лентага олган нурсиз осмон, жизғинак бўлган ер ва чексиз қозоқ қумликлари сургун муҳитини жуда яхши акс эттирарди. Демуцкийнинг бу фильмдаги ҳизмати ССР Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Кейинги «Тинчлик кунларида» фильмида Даниил Порфирьевич ўзини денгиз манзараларини акс эттирувчи нафис рассом сифатида кўрсатди. Бу картинаси учун 1951 йили Карлови Варида ўтказилган Халқаро фестивалда Д. П. Демуцкий яна мукофотланди.

Даниил Порфирьевич Демуцкий катта билимдон, мулоҳазали, талантли санъаткор инсон эди.

Т. ДЕРЕВЯНКО,
Е. ФАРФИНЮК

Бундан бир неча йил аввал Тошкент ҳайвонот боғига келтирилган Уссурия йўлбарси бу ерда бир йўла учта бола туғди. Йўлбарс болалари она оғушида яйраб ўсмоқдалар.

А. Горюнрик фотоси



ТАНИҚЛИ ОЛИМ



Шоназар Шоабдураҳмоновнинг илмий-ижодий фаолияти ҳақида гап борар экан, шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, унинг илмий диапазони кенг, у ўзбек тилининг фонетик ва грамматик қурилиши, диалектология ва лексикографияси, бадиий асар тили масалалари билан боғлиқ стилистика, поэтика каби соҳаларни ўз ичига олади.

1950 йилларда ўзбек орфографияси ва пунктуацияси масалалари қизғин муҳокама қилинган вақтларда олим ўзининг «Э(е), и» унлиларининг имлоси ҳақида» (1950), «Ўзбек пунктуациясининг баъзи масалаларига доир» (1952), «Пунктуация қоидалари» (1953), «Ўзбек тилида пунктуация» (1955), «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари» (ҳамкор муаллиф, 1952—1956 йиллар) каби бир қатор қимматли асарларини эълон қилди ва бу асарлар кенг жамоатчиликка манзур бўлди. 1956 йилда ЎзССР Олий Совети Президиуми томонидан тасдиқланган бу «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари» асари ҳозирги кунгача амалда қўлланилиб келинмоқда.

Сўнгги йилларда тилшунос мутахассислар олдига ўзбек тили грамматикасини такомиллаштириш, ўзбек тилшунослигининг барча соҳалари бўйича ҳозирги ўзбек адабий тили нормаларини белгилаб берувчи, ўзбек адабий тилининг тараққиёт қонуниятларини очиб берувчи асарлар яратиш каби вазифалар қўйилдики, бунинг натижаси ўлароқ ўзбек тилининг академик грамматикаси нашр этилди («Ўзбек тили грамматикаси», I, Морфология, 1975, II, Синтаксис, 1976).

Ўзбек тилшунослик фани тарихида муҳим воқеа ҳисобланган бу тадқиқотнинг яратилишида Шоназар Шоабдураҳмонов муаллиф («Кўмакчи», «Боғловчи», «Юклама») ва муҳаррир сифатида иштирок этди.

Бундан ташқари Ш. Шоабдураҳмонов шу кунларда жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама қилинаётган «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари»нинг янги, қайта ишланган вариантини тузувчилардан биридир.

Шоназар Шоабдураҳмонов ўз илмий фаолиятининг кейинги босқичларида (асосан 1955 йилларда) ана шу оддий халқ тилини, унинг ранг-баранг шеваларини ўрганиш билан шуғуллана бошлади ва пировард натижада ўзбек тилшунослик фанининг ҳали ёш ва айни замонда жуда мураккаб соҳаси бўлган ўзбек диалектологияси фанининг тараққиётига ўзининг муҳим хизматлари билан жуда катта ҳисса қўшган етакчи ва етук диалектолог олим сифатида танилди.

Олимнинг бу соҳадаги муваффақиятида юқорида номлари зикр этилган мўътабар олимларнинг (айниқса профессор В. В. Решетовнинг) бевосита кўмаклари, ҳамкорликлари катта бўлди.

Шоназар Шоабдураҳмонов ўзбек халқ шеваларини ўрганиш ва материал тўплаш учун урушдан сўнгги 1945—1950 ва ундан кейинги йилларда профессор А. К. Боровков ва В. В. Решетовлар раҳбарлигида уюштирилган диалектологик экспедицияларда актив қатнашди. Натижада шу соҳада олиб борилган жиддий илмий изланишлар ўз самарасини бера бошлади. Қатор жиддий ва салмоқли мақолалар ва асарлар юзага келди.

Шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, ўзбек тилшунослигининг энг ёш соҳаси бўлган ўзбек тили диалектологияси курси бўйича олий ўқув юртларининг филология факультетлари учун биринчи дарслик (1962) ҳам профессор В. В. Решетов ҳамда Ш. Шоабдураҳмонов қаламига мансубдир. Ушбу дарслик қайта ишланган, тўлдирилган ҳолда 1978 йили қайта нашр қилинди.

Ўзбек диалектларини ўрганиш соҳасида бир қатор ишлар қилинган бўлишига қарамай, шаҳар шеваларини, айниқса таянч шаҳар шеваларини ўрганиш бўйича маълум даражада орқада қолинмоқда эди. Бу биринчи навбатда ўзбек адабий тилининг диалектал асоси, ўзбек адабий тили ва таянч шаҳар шеваларини ва улар орасидаги ўзаро муносабатларни ёритиш, шу билан боғлиқ ҳолда ўзбек тилшунослигидаги бир қатор назарий ва амалий масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ш. Шоабдураҳмонов энг йирик диалектолог олим сифатида ўзбек диалектологиясидаги, умуман ўзбек тилшунослигидаги ана шу жиддий масала бўйича илмий тадқиқот олиб борди. 1962 йили шу изланишнинг натижаси ўлароқ «Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари» номли йирик монументал монография босилиб чиқди ва 1963 йилда докторлик диссертацияси сифатида муваффақиятли ҳимоя қилинди. Озарбойжон Фанлар академиясининг академиги, таниқли турколог, диалектолог олим Мамед оға Ширалиев, филология фанлари доктори, таниқли турколог, профессор Н. А. Баскаков ва бошқа олимлар бу ишга юксак баҳо бердилар.

Бу ишларида Ш. Шоабдураҳмонов миллий тилнинг тараққиёт қонунларини ўрганиш, қардош туркий ва қардош бўлмаган тилларнинг ўзаро муносабати ва бир-бирига таъсири, ўзбек халқининг этногенези масаласи, ўзбек тилининг диалектал асоси адабий тилни нормалаштириш, орфография, орфоэпия, морфологик формантлар ва лексиканы стабиллаштириш каби муҳим проблемаларни илгари сурди ва ҳал қилди.

Ўзбек тилининг шаҳар шевалари ва уларнинг ўзбек адабий тилига муносабати масаласини ўрганар экан, у ўзбек адабий тилининг диалектал асоси ҳақида ўз қарашини илгари сурди. Бу асос тарихий нуқтаи назардан қарлуқ — чигил — уйғур тил бирлигидан ёки тошкент — фарғона шаҳар тип шеваларидан иборатдир. Ўзбек адабий тилининг диалектал асоси ҳақидаги проблемалар асарда умумлаштирилган ҳолда, яъни диалектлар, унинг яратувчиси, ижодкори бўлган халқ тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганилган.

Умуман олимнинг бу асари фақат ўзбек тилшунослиги фанигагина эмас, шу жумладан туркология фанига қўшилган муҳим ҳисса бўлди.

Яқинда Ўзбекистон «Фан» нашриёти томонидан олимнинг «Ўзбек тилининг қарлуқ лаҳжаси» номли 15 босма тобоқдан иборат йирик монографияси рус тилида чоп этилди. Асарда ўзбек адабий тилига диалектологик жиҳатдан асос бўлган қарлуқ лаҳжасига мансуб шаҳар тип шеваларнинг фонетик, морфологик ва лексик хусусиятлари ҳар томонлама анализ қилинган.

Шоназар Шоабдураҳмонов туркологияда йирик воқеа бўлган «Туркий тиллар диалектологик атласи»ни тузиш ишида ҳам актив қатнашди. Бунда у мазкур атласнинг «Ўзбек тили» қисмига, шунингдек атласни тузиш ишини координация қилиш бўйича Ўрта Осиё зонасига раҳбарлик қилди.

Олимнинг луғатчилик соҳасида ҳам хизматлари бор. У беш томлик русча-ўзбекча луғатнинг (1953 — 1955) III, IV, V томларини таҳрир қилган, шу қатори ўнлаб монографияларнинг ҳам илмий муҳаррири бўлган.

Ш. Шоабдураҳмонов малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам ўта меҳрибон ва бағри кенг. Унинг бевосита раҳбарлиги ва расмий оппонентлигида 50 дан зиёд (шулар ичида 15 таси фан доктори) фан кандидатлари ва докторлари етишиб чиқди. Булар орасида қардош қозоқ, қирғиз, озарбайжон, қорақалпоқ, татар, уйғур халқи вакиллари ҳам бор.

Таниқли олим Шоназар Шоабдураҳмоновнинг ўзбек филологияси, жумладан ўзбек тилшунослиги соҳасидаги жуда катта хизматлари юксак даражада тақдирланди. У 1968 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзолигига ва ниҳоят 1974 йилда ўзбек тилшунослиги тарихида биринчи марта академикликка сайланди.

«Олим, шоир, жангчи-ю, қонуншунос ва ҳоказо бўлиш яхши, лекин шулар баробарида инсон бўлмаслик ёмон»,— деган эди буюк рус танқидчиси В. Г. Белинский.

Биз, барча шогирдлари ва дўстлари, таниқли олим, камтарин ва меҳрибон устоз, ҳақиқий инсон, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Абу Райҳон Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти лауреати, филология фанлари доктори, профессор, Шоназар Шоабдураҳмоновга сиҳат-саломатлик, ўзбек совет тилшунослиги равнақи йўлида улкан ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Шукур НОСИРОВ,
филология фанлари кандидати

Халқ амалий санъати

УМРБОҚИЙ НАҚШЛАР

Ичонқалъа музейининг «Таклифлар ва мулоҳазалар» китобига чет эллик сайёҳлардан бири шундай сўзларни ёзиб қолдирибди: «Бу музей бинолари намойишга қўйилган ҳеч қандай санъат асарларисиз ҳам завқ-шавқ билан томоша қилишга арзигулик экан». Дарҳақиқат, Хивадаги Ичонқалъа музейининг эшик-деворларидаги безакларга ҳайрат-ҳавас билан узоқ термилиб қолганингни сезмайсан киши. Эртаклар шаҳри Хиванинг қадимги сийрати-ю сурати бир-бир кўз ўнгингизда гавдаланади.

Музейда дастлаб ёғоч-ўймакорлик санъати намуналари билан танишиласиз. Баланд, кенг залда хона руҳи ва салобатига мос экспонатлар: бошдан-оёқ юксак маҳорат ва ҳафсала билан ишланган қулоч етмас устунлар, бўлимнинг ёши улуғ санъат асари XVIII асрга оид устун, худди шундай истеъдод билан сайқал топган эшик, панжара, дарвоза, Арабхон мадрасасидан келтирилган XVII асрга оид қўш эшик тўсинн, матоларга гул соладиган қолиплар, китоб тахта ва бошқалар намойиш этишга қўйилган. Ноёб асарлар ижодкори машҳур наққош Сафо Боғибеков, унинг фарзандлари ҳамда шогирдлари фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи фотосуратлар, маълумотлар диққатингизни тортади.

«Хивага келган киши гўзал Шарқ эртаклари мамлакатига парвоз қилгандай бўлади». Бу ҳам саёҳатчилардан бирининг сўзи. Уймакор Қурбон уста Бобожонов ишлаган «Хива» лойиҳа-макети олдида сеҳрлангандай маҳлиё бўлиб туриб қоласиз, танти меҳмоннинг қалб сўзлари айни ҳақиқат эканлигига дилдан тан берасиз. Шуниси қизиқки, Қурбон уста Хиванинг кўринишини айнан чизмаган. Умуман, бундай манзара йўқ аслида. Лекин уста фантазияси реал ҳақиқат билан шундай уйғунлашиб, мутаносиблашиб кетганки, макетнинг ёзувини ўқимай туриб ҳам уни беихтиёр «Хива» дейсиз. Маҳобатли миноралару улуғвор, нафис нақшли дарвозалар, афсоналарда битилган девлардай улкан қалъалар... Гўё уста қойилмақом қилиб эртак ичра эртак яратгандай...

Музейга қўйилган мис ўймакорлиги намуналарини кўздан кечираркансиз, ниҳоятда нафис, жимжимадор, лекин кўзни толиқтирмайдиган, қайтага борлиғингизга қандайдир кўтаринкилик, ёруғ нур бахш этувчи машҳур ва манзур нақшлар диққатингизни тортади. Қумғон, тунг, сулобча, патнис, чойдиш, катта-кичик жомлардаги нақшлар йилларнинг ўчмас тўфони-ю суронларидан ғолиб келгандай ял-ял ёнади. Эътибор бериб тикилсангиз, ўша нафислик ичра янада нозик ҳарфлар билан битилган ёзувларни кўрасиз. Уларни нақшлардан ажратиш қийин.

— Бу буюмларни тайёрлаган усталар ўз номлари, ушбу ишга қай

АҲМАД ПОЛВОН



Кўҳна тарих саҳифаларини варақлар эканмиз, жисмоний тарбия ва спорт ўйинлари жуда қадим замонлардаёқ пайдо бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Эрамиздан бир неча аср муқаддам ҳозирги Ўзбекистон заминида яшаган халқлар турли оммавий-жисмоний ўйинлар, мусобақалар уюштирганлар. Ўрта Осиё халқлари ўртасида айниқса камондан ўқ отиш, тош улоқтириш, найза санчиш, пойга, улоқ, дорбозлик ва кураш сингари спорт турлари кенг тарқалган. Бинобарин, авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган спортнинг оммавий тури ҳисобланган кураш вақт ўтиши билан сайқал топиб, такомиллашиб борган.

Бошқа қардош халқларда бўлганидек, ўзбеклардан ҳам паҳлавонлар, кураги ер кўрмаган полвонлар етишиб чиққан. Шулардан бири, ўтган асрда яшаган, элга донг таратган, тошкентлик Аҳмад полвон Толиббой ўғлидир.

Аҳмаджон ёшлигидан меҳнатда чиниқди. Жисмонан бақувват бўлган йигитга ҳаётнинг ўзи катта мактаб бўлди. «Эс-эс биламан, аввал баҳор эди — деб эслайди Аҳмад полвонни ўз кўзи билан кўрган Камолон маҳаллалик Обид ота.— Маҳалланинг беш-олти бўйдоқлари гузарнинг янги очилган чойхонасида халфана ош қилдик. Ошдан кейин чойхўрлик қилиб ўтирган эдик, бирданига кўчани бошига кўтаргудек қийқиришиб, пойма-пой ашула айтган маст-аласт тўрт бойбачча, уч от қўшилган извошни чоптириб кела бошлади. Даврада ўтирган бир йигит ёнидаги жўрасига ҳазиломуз:

— Аҳмаджон, сен полвонлигинг билан овоза бўлгансан, қани, бу олифталарнинг кайфини бир қочир, извошини тортиб тўхтат-чи,— деди. Аҳмад полвон ўрнидан турди-да елдек учиб кетаётган извошнинг орқа ғилдирак ўқини икки қўли билан маҳкам ушлаб, оёқларини ерга тиради. Шунда извошга қўшилган уч отнинг олдинги оёқлари юқори кўтарилиб, михдай қоқилиб қолди...»

Кекса отахонлардан яна бири шундай хотирлайди:

«Бир куни ўн-ўн беш қоп дон ортилган кўкон аравасининг ғилдираги лойга ботиб қолганда, Аҳмад полвон арава ўқини кифти билан итариб чиқарди. Ўшанда от мункиб кетган эди. Турли оғир юкни кўтаришда, айниқса курашда Аҳмад полвоннинг олдига тушадиган азамат топилмасди».

...1895 йил енгилмас деб ном чиқарган полвон Риппель Петербургдан Тошкентга келади. «Колизей циркида (ҳозирги Свердлов номли театр биноси) Риппель билан Аҳмад полвон кураш тушармиш» деган хабар шаҳарга ёйилади. Колизей биноси нина ташласа ерга тушмас даражада томошабин билан тўлган. Ҳамманинг диққат-эътибори Россияга довруғи кетган Риппелга қаратилган. Мана, бесабрлик билан кутилган кураш дақиқалари ҳам келди. Жанг майдонида дастлаб Риппель кўринди. Уни тўрт-беш киши кузатиб чиқди. Колизей сув сепгандек жимжит бўлиб қолди. Бир пайт эгнига енгил чопон, белига белбоғ боғлаган, оёқ яланг Аҳмад полвон кўринди. Риппель гавдада Аҳмад полвонга икки баравар келар эди. Аҳмад полвон эса хипча, бичими келишган йигит эди. Риппель аввал 8 пудлик тошларни дам ирғитиб, дам илиб, томошабинларни ҳайратга солди. У «Энди сенга гал келди» дегандек, Аҳмад полвонга назар ташлаб, кулиб қўйди. Илгари тош кўтариш, ирғитишни машқ қилиб ўрганмаган Аҳмад полвон тошни аранг кўтариб бўлса ҳам Риппелни қаноатлантирди. У ичкарига имо қилган эди, шериклари дон тўлдирилган қанорни отга юклаб чиқиб, икки полвон ўртасига ташлашди. Аҳмад полвон қўли билан қанорни кўрсатиб, кўтариш навбати сиздан дегандай, Риппелга қаради. Риппель ҳарчанд ҳаракат қилса ҳам дон тўлдирилган қанорни кўтаролмай, дарғазаб бўлди. Шундан кейин у Аҳмад полвонга қараб «Ўзинг кўтариб кўр» дегандек ишора қилди. Аҳмад полвон қанорни даст кўтарди-да, отнинг белига қўйиб, томошабинларни ҳайратга солди. Ҳамманинг нигоҳи даврада савлат тўкиб турган икки паҳлавонга қаратилган эди. Ниҳоят белбоғлар боғланди. Ўртадаги ҳакам кураш бошланганлиги тўғрисида ҳуштак чалган замон, Риппель Аҳмад полвонни осонгина ердан узиб олмоқчи бўлди, бироқ ҳар қанча чиранса ҳам Аҳмад полвонни жойидан қўзғатолмади. Рақибининг кучи сарф бўлганини пайқаган Аҳмад полвон унинг белбоғидан маҳкам ушлашда бир ҳаракатдаёқ рақибини кўтариб олиб ерга ётқизиб қўйди. Риппель анчагача ўрнидан туролмай ётди. Зални томошабинларнинг гулдурос чапаги, қийқириғи босиб кетди.

Аҳмад полвон кўплаб ёшларга устозлик ҳам қилган. Унинг йўлидан борган кейинги авлод полвонларидан Тожи полвон Ағлаев, Қаюм полвон Абдуллаев, Асқар полвон Отабоевлар ўз даврининг марди-майдонлари сифатида довруқ қозонганлар.

Биз Аҳмад полвон ҳаётидан айрим лавҳаларгина ҳикоя қилдик, холос. Вақти келиб, ўзбекча кураш шуҳратини оламга ёйган, умрбод кураги ерга тегмаган машҳур Аҳмад полвон ҳақида рисолалар, китоблар ёзилар. Бу иш эса, мутахассис олимларнинг вазифаси, албатта.

Туҳфат ОДИЛОВ

Кандакор уста Мадраҳим Отажонов ишлаган обдастда ва лаълилар томошабинларда халқ амалий санъатига катта қизиқиш уйғотади.



фаслда нуқта қўйганликларини битиб кетганлар,— деб изоҳ беради бўлим мудири Саъдулла Абдуллаев.— Шунингдек, китоб ва вақф ҳужжатларини нақш билан безашда араб ёзуви Хоразм нақшлари билан чатиштирилиб, ўзига хос бадиий уйғунлик яратилган. Худойберган муҳркан, Муҳаммад Шариф тарра, Худойберди махсум, Комил Девонийлар ана шундай ҳуснихатчиликнинг номдор усталари бўлганлар.

Гиламлар — хонадонимиз безаги. Гилам кирган уй баҳордай яшнаб, очилиб кетади. Чиройли, нафис гулли гиламлар ҳамиша халқимиз томонидан севиб ардоқланади. Зеро, гиламларда халқнинг умид-армонлари намоён. Учар гиламлар—ушламаган орзуларнинг сирли парвози. Халқларнинг асрий орзуларини рўёбга чиқарган табаррук даргоҳ Кремль тасвири туширилган гилам музейнинг олтин фондидан ўрин олган.

— Мана булар ҳивалик қалдирғоч гиламчилар,— бир-бирининг пинжига кириб, юзларини тўла очишга ботинолмай ийманиб ўтирган аёллар тасвирини кўрсатиб ҳикоя қилади экскурсовод қиз.— Бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида гиламлари кўз-кўз қилинаётган Крупская номли фабрикага асос солган ҳам шулар. Туркман гиламларига талаб кучли бўлганлигидан қўшни Тошҳовуздан Бибиэна исмли аёлни чақиртиришган. У эса, бошқа аёлларга гилам тўқиш сирларини ўргатган.

Серқуёш, сахий тупроқли Шарқ ўлкаси халқлари гулдор, рангли нарсаларга азалдан иштиёқманд бўлишган. Камалак ўқ-ёйи лов-лов ёнган хонатлас-у товус гулли тўнлар, каштали белбоғу олачалар, елаклару гўшанга учун қуббалар... Бу ҳашаматли, даб-дабали гўшанга қуббалари орасидан гўё уз тенгини топмаган, умидлари ғунчалигида хазон бўлган келинчакнинг дардли чеҳраси гавдаланади. Тенгсиз гўзаллик билан чексиз аламиздироб пайвандлашиб, юракда ғалати таассурот уйғотади. Қадимда тўқилган бундай кашта нақшлари нақадар чигал, айни пайтда нақадар аниқ ва ёркин. Эҳтимол у висолга етолмаган дилбарнинг яширин дил сўзларидир:

Айтай десам лол тилим,
Айтмай десам дог дилим.
Англа, йўлладим сенга
Бу булбулу бу гулим.



АЛ-ХОРАЗМИЙ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН КИБЕРНЕТИКАСИ

Улуғ ўзбек мутафаккири, математика, алгебра ва алгоритмлар асосчиси Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг 1200 йиллик юбилейи тантанаси тобора яқинлашаётир. Ал-Хоразмийнинг математика соҳасидаги илмий кашфиётлари Шарқдагина эмас, балки бутун жаҳон фани ривожига ҳам катта таъсир кўрсатди. Унинг «Ҳинд ҳисоби ҳақида» номли асари XII асрдан бошлаб амалий арифметикадан қўлланма вазифасини ўтади. Бу трактат олимнинг ўнли системалар ҳисоби сонларига бағишланган катта асаридир. «Ўнли системадаги ҳисобнинг очилиши,— деб ёзган эди Карл Маркс,— ҳисоблаш системасида инқилоб бўлган эди».

Алломанинг «Ҳинд ҳисоби ҳақида» асарининг лотин тилига қилинган таржимасининг биринчи бетидаги «деди ал-Хоразмий» сўзи ўрнига «деди алгоритмий» деб ёзилган. Шу йўсинда математика фанида «алгоритм» категорияси пайдо бўлди. Шундан кейин ҳар қандай алгебраик ёки арифметик жараён алгоритм деб атала бошланди. Ал-Хоразмий қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш, квадрат илдизни ҳисоблаш алгоритмини ўнли системада яратди. Ундан ташқари, у бир жинсли бўлмаган сонларни кўпайтириш алгоритмини ҳам ишлаб чиқди.

Ал-Хоразмий илмий ишларининг бағдодлик давомчиси Абул-Вафо (940—997) арифметика фанини янада ривожлантирди ва такомиллаштирди. Абул Вафодан кейин ал-Хоразмийнинг ишларини унинг кўплаб шогирдлари, олимлар давом эттирдилар. Улардан бири ўртаосиёлик олим, файласуф шоир, математик, астроном Умар Хайёмдир. У ўзининг баъзи математик масалаларни исботловчи «Ал-жабр ал-Муқобала» (ал-Хоразмийдан кейин унинг илмий мероси давомчиларидан бир нечтаси ўз асарларини шу ном билан атаганлар) китобида 24 хилдаги квадрат ва кубик тенгламаларни келтиради. Шунингдек, у учинчи даражали тенгламанинг оригинал ечимини кўрсатиб берди.

Маълумки, учинчи даражали тенгламанинг Европага кириб бориши XVI асрда рўй берди. У Кардано, Тарталья, Феррари томонидан, ал-Хоразмий методларидан фойдаланган ҳолда, формула тариқасида яратилди. Шундай қилиб, ал-Хоразмий меросидан фойдаланиб ижод этган олимлар ўзларига хос илмий мактаблар яратдилар. Улуғбекнинг илмий мактаби булар орасида жаҳонга машҳурдир.

Ал-Хоразмий номининг синоними бўлмиш алгоритм — математикада актуал категориядир. Ҳозирги замон ҳисоблаш математикасида тенгламаларнинг амалий ечимини топишда энг аввало унинг алгоритмини тузиш муҳим аҳамиятга эга. Алгоритмдан сўнг амалиётга ўтилади. Алгоритм ҳақида фикр юритилганда «Ҳисоблаш жараёни» деган терминни содда ва тор маънода тушунмаслик керак. У фақатгина амаллардангина иборат эмас. Унинг кўлами кенг ва мураккабдир.

Электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) ривожи алгоритм назариясини, назарий кибернетикани майдонга келтирди. Даставвал, реал равишда ишлайдиган ЭҲМ СССРда 1950 йилда яратилди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳисоблаш техникаси турли хил йўналишда ривожлантирилмоқда. Баъзи машиналарда ҳисоблашнинг тезкорлигига, бошқаларида «хотира»сининг ҳажмига, учинчисида логик масалаларни ечишга, тўртинчисида эса инсон меҳнатини осонлаштириш томонларига эътибор берилаётир.

ЭҲМнинг «хотира»си барча хабарларни қайта ишлаб, узоққа узатиш жараёнини ақл бовар қилмайдиган тезликда бажариш хусусияти билан инсон онгини, ақлий меҳнатини, илм-фан соҳасидаги ишларининг йўналишини тубдан ўзгартириб юборди.

ЭҲМда дастлаб ишлай бошлаган мутахассислар анча қийинчиликларга дуч келдилар. Программа тузиш ва қўйилган масалаларни ишлаб, муассасаларга тарқатиш учун жуда кўп вақт кетаётгани мутахассисларни қийнар эди. Кейинчалик уларда машинани ўзига-ўзи программа тузишга «мажбур этиш» керак деган фикр туғилди. Шу тариқа алгоритмик «тиллар»; масала учун алгоритм ёзиш, алгебраик алгоритмлар учун қулай, енгил «тиллар» вужудга келди. Демак, айтиш мумкинки, алгоритм назарияси ҳозирги замон кибернетикасининг назарий ва логик асоси ҳисобланади.

КПСС XXV ва XXVI съездларида халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш масалалари қайта-қайта таъкидланди. Бунда автоматлаштирилган бошқарув системалари (АБС)нинг турли йўлларидан фойдаланиш кўзда тутилади. Бу эса ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Умар Хайём, Мирзо Улуғбек илмий мерослариии давом эттираётган олимларимиз зиммасига улкан вазифаларни юклади. Улар халқ хўжалигининг турли жабҳаларида ижод этишиб, халқ хўжалигини планлаштиришнинг долзарб масалаларини, бошқаришнинг энг замонавий усулларини яратмоқдалар ва ҳаётга татбиқ этмоқдалар. Пахтачилик комплексини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ва саноат қурилишини такомиллаштириш, ягона энергетик системани вужудга келтириш, қурилиш саноатидаги ҳисоблаш программаларини тузиш алгоритмларини амалга ошириш, Сибирь дарёлари сувларини Ўрта Осиёга келтиришнинг комплекс программасини ишлаб чиқиш ва унинг социал-иқтисодий томонларини ҳисоблаб чиқиш, автоматлаштирилган бошқарув системасини жорий этиш сингари кўплаб долзарб масалалар ҳал этилмоқда.

Э. МУЗАФФАРОВ,
Самарқанд Давлат Архитектура ва қурилиш институтининг аспиранти

Неъмат ҚЎЗИБОЕВ. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий.

Милтиллаган шамнинг ғира-шира ёруғида кўз нури тўкиб тайёрланган буюмлар... Булар буюк елкалару игналар аёвсиз санчилган ва бўёққа беланган озғин бармоқлар яратган нодир санъат намуналаридир.

Халқимиз орасида дунёда биттагина аёл қолса ҳам заргарга иш топилади, дейилиши бежиз эмас. Дарҳақиқат, бозак — аёл кўрки. Қадимий қазилмалар пайтида топилган аёллар ҳайкалчаларида ҳам хоҳ у бой-зодагон, хоҳ паст табақага мансуб бўлсин, хотин-қизларнинг баҳоли қудрат зеб-зийнатлар билан безанганлигининг гувоҳи бўламиз. Одатда бирон касбнинг нозиклик, мураккаблиги ҳақида гап кетса ҳам «заргар меҳнатидай» деган ибора ишлатилади. Бу — халқнинг заргарлик ҳунарига чуқур эҳтироми ва ҳурматининг ифодасидир. Шунингдек, зебу зийнатлар ўзида давр руҳини ифодалайди. Замонлар ўтиши билан дид, истак ўзгариб боради. Лекин шундай нодир безак намуналари борки, улар орадан қанча узоқ даврлар ўтмасин, бари бир эскирмайди. Масалан, музей витринасидан ўрин олган шавкалакўкрак безаги, манглай тузи-пешана безаги эндиликда кўпроқ саҳна безагига айланиб қолган бўлса-да, турли нақшлар ўйилган узуклар, тўлин ой шаклидаги сирғалар (зирак) ҳозир ҳам хотин-қизларнинг севимли зийнатларидир.

Амалий санъат ҳақидаги суҳбат халқнинг ўз тарихидай узун ва қизиқарлидир. Киевлик бир гуруҳ сайёҳлар ибораси билан айтганда, тарих ва санъат ҳамиша бутун халқ донолигини ўзида мужассамлантиради. Халқ эса ҳамма ишда ҳам буюкдир.

Уллибиби ОТАЕВА

ЗАМОН ВА БАДИИЙ ИДРОК

Филология фанлари доктори, профессор Очил Тоғаев қарийб ўттиз йилдан буён адабиётшунос ва адабий танқидчи сифатида ижод қилиб келмоқда. Унинг янги — «Идрок ва ижод» мақолалар тўпламига кириш сўзи ёзган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Воҳид Зоҳидов таъкидлаганидек, Очил Тоғаев ўз илмий-адабий фаолиятини асосан икки йўналишда олиб бормоқда. Энг аввало, у ҳозирги замон ўзбек адабиётининг актуал илмий-назарий проблемалари тадқиқотчиларидан биридир. Олимнинг адабиётимизда коммунист образининг бадиий гавдалантирилишига бағишланган иши, ўзбек бадиий публицистикаси жанрларининг тарихи, назарий ва амалий масалаларга доир ишлари сўзимизнинг мисолидир. Шу билан бирга Очил Тоғаев адабиётимизнинг кўпгина таниқли вакилларига бағишланган адабий портретлар муаллифи ҳамдир. «Идрок ва ижод» китобида ҳам ана шу икки йўналиш ёрқин намоён бўлган.

Бадиий ижод — идрокдан, ёзувчининг ҳаётга муносабатидан бошланади. Бадиий идрок фаол характерга эга. Ёзувчи ҳаётга томошабин бўлиб қарамайди, балки воқеалар, одамлар, ҳодисалар, фактларни ўзига хос ғоявий-маънавий позициялардан туриб идрок этади ва тасвир предметига айлантиради. Бадиий идрок қаҳрамонлар тасвирида яққол намоён бўлади. Шу сабабли муаллиф адабий қаҳрамонлар воситасида замонамиз адабиёти ва адиблари бадиий идрокининг янгича хусусиятларини тадқиқ этишга ҳаракат қилади.

«Маънавий етуклик — замон белгиси», «Даъват этувчи қаҳрамонлар» каби мақолаларида автор сўнгги йиллар ўзбек совет адабиётида муҳим воқеа бўлган бир қатор йирик асарлар хусусида тўхталади, шу воситада маънавий талабчанлик, ҳаётга таҳлил ва тадқиқот кўзи билан қараш, идрокда сиёсий-эстетик фаолликнинг теранлашуви бугунги адабиётнинг воқеликка муносабатидаги характерли аломатлар эканлигини кўрсатади.

Бундай янгилик доҳиймиз В. И. Ленин образининг замонавий бадиий талқини учун ҳам характерлидир. О. Тоғаев адабиётимизда улуғ доҳий образининг тасвири масаласини «Юксак образ» деган мақоласида махсус текшириш объекти қилиб олади. В. И. Ленин образига мурожаат жараёнида ўзбек совет адабиётининг бадиий идроки қандай босқичлардан ўтганлигини, такомил йўлини конкрет таҳлил этади. Шу жиҳатдан танқидчининг: ўзбек адабиётида Ленин образини яратиш соҳасида изланишлар теранлашгани сари, доҳий образи тасвирида «рамзий-романтик бўёқларга нисбатан реалистик ҳаёт манзаралари асосий ўрин ола бошлади», деган хулосаси диққатга сазовордир.

Муаллиф бадиий публицистика жанрларининг тарихи ва назарияси масалаларини тадқиқ этиш билан ҳам кўп йиллардан буён изчил шуғулланиб келмоқда. Китобдан ўрин олган «Тип — муаммо — характер» мақоласи бизни публицистиканинг жанр табиати, очеркда тип ва характер яратиш муаммоси, очерк қаҳрамонларининг ўзига хослиги каби назарий масалалар муҳитига олиб киради.

Сўнгги йилларда республикамизда бадиий публицистика сезиларли даражада тараққий этди. Таниқли ёзувчилар қаторига истеъдодли ёш публицистлар келиб қўшилдилар. Муаллиф ўз китобида Воҳид Зоҳидов, Назир Сафаров, Иброҳим Раҳим каби атоқли публицистлар билан бир қаторда Шароф Убайдуллаев, Норқул Ҳайитқулов сингари асарлари ҳозирнинг ўзидаёқ кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинаётган публицистларнинг изланишларини ҳам атрофлича таҳлил қилиб беради.

«Идрок ва ижод» китобида бир гуруҳ атоқли ўзбек адиблари ва ноширларининг ижодий-амалий фаолиятига бағишланган портретлар ҳам ўрин олган. Назир Сафаров, Сарвар Азимов, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳим, Мақсуд Қориев каби адибларимиз ижоди танқидчиликда анча кенг таҳлил этилган. Бундан қатъи назар, авторнинг худди шу адиблар ижодига бағишланган мақолалари қизиқиш билан ўқилади. Масалан, «Ижод мактаби» мақоласини олиб кўрайлик. Унда Назир Сафаров қаламига мансуб айрим асарларнинг ёзилиш тарихи, манбалари ўқувчиларга ойдинлаштириб берилади. Адибнинг ҳаёт билан мустаҳкам алоқаси янги қирраларда кўрсатилади. Ёки Саид Аҳмадга бағишланган мақолада ёзувчи асарларидаги юморнинг икки хил эстетик табиати ҳақидаги мулоҳазалар ҳам диққатга лойиқ.

Сарвар Азимов ижодининг ўзига хос олами таҳлил этилган «Адибнинг ижод кўлами» мақоласи китобдаги салмоқли ишлардан биридир. Муаллиф таъкидлаганидек, сиёсий-адабий дадиллик Сарвар Азимов истеъдодининг ва пировардида, ижодининг етакчи хусусиятидир. Бу хусусият ватангадоликнинг даҳшатли фожиасини бадиий ҳаққоний кўрсатиб берган «Қонли сароб» драматик асаридаёқ ёрқин намоён бўлган эди. Халқимизнинг озодлик учун, янги ҳаёт учун олиб борган курашини акс эттирувчи «Оппоқ тонг қўшиғи» кино-қиссаси, замонавий раҳбарлик муаммосини, давримизнинг ўткир ижтимоий-маънавий масалаларини ўзида ифодалаган «Юлдузлар жамоли» драмаси ва «Камалак» қиссасида бу хусусият янада теранлашади. Мақолада Сарвар Азимов ижодининг қизғин граждандлик мазмуни, уларда кўтарилган ҳаёт муаммоларининг замонавий долзарблиги ҳақидаги фикрлар ҳам қимматлидир. Танқидчининг С. Азимовнинг драматург сифатидаги бадиий маҳорати, услубига доир кузатишлари, фикр-мулоҳазалари ҳам китобхонга янгилик беради. Автор тўғри уқтиргандек, С. Азимов пьесаларидаги персонажларнинг бетакрор индивидуал олами уларнинг сўзлашувида, тафаккур тарзида ғоят жонли, ҳаётий гавдаланган.

О. Тоғаев ёзувчининг талантига эҳтиром билан қарайди, муайян адиб изланишларини таҳлил қилар экан, унинг ижодига хос мураккабликларни четлаб ўтмайди. Айни пайтда ёзувчининг ижодий ютуғини холис кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, мавжуд камчиликларни ҳам яширмайди. Масалан, совет кишилари характерига хос фидоийлик, оташин гуманизм,— автор айтганидек,— Раҳмат Файзийнинг дастлабки очерклари ва ҳикояларидаёқ ифодаланган эди. Ёзувчининг кейинги йирик асарларида бу ғоявий йўналиш янада теранлашди. Автор Р. Файзийнинг бадиий маҳорати ҳақида ҳам фикр юритиб, унинг ютуқларини кўрсатиш билан бир қаторда ёзувчи «қаҳрамонларнинг ички руҳиятини чизиш ва нутқини ифодалашда ортиқча муфассалликка» берилишни ҳам тўғри таъкидлайди.

тақриз

ОБОДОНЛИК ОЙНАСИ

Бугунги обод диёримизни, халқимиз йиғиб олаётган саҳро бойликларини, чўлу дашт ўрнидаги боғу роғларни кўз олдига келтирган кишининг беихтиёр баҳри-дили очилиб кетади. Ҳаёт манбаи бўлган обиҳаётни саҳроларга йўналтираётган, биёбонларни бўстонларга айлантириш мақсадида сув иншоотлари яратаётган бунёдкорлар шаънига ҳар қанча таҳсинлар айтсак ҳам озлик қилади. Тарих фанлари кандидати Эшқобил Ҳолиқовнинг Ўзбекистон ССР «Фан» нашриётида рус тилида чоп этилган «Ўрта Осиё меҳнаткашларининг йирик қўриқ майдонларни суғориш учун кураши» («Борьба трудящихся республик Средней Азии за орошение крупных целинных массивов») номли китобида худди ана шу эзгу ишлар — қўриқ ерларни ўзлаштириш, суғориш ва ундан деҳқончиликда фойдаланишнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти масалалари ёритилган.

Китоб уч бобдан иборат. Дастлабки бобда муаллиф Ўрта Осиё республикалари, хусусан Ўзбекистон ССРда ирригация ва мелиорация иншоотлари қурилишлари тарихига назар ташлайди. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги туфайли урушдан кейинги йилларда деҳқончиликнинг жадал тараққий этиши, қўриқ ерларнинг комплекс ўзлаштирилиши ҳақида фикр юритилади. Дарҳақиқат деҳқончилиги сунъий суғоришга асосланган ўлкамизда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ғоят катта халқ хўжалиги аҳамиятига эгадир. КПСС Марказий Комитетининг узоқ йилларга мўлжалланган партия аграр сиёсатининг истиқбол йўналишини белгилаб берган 1965 йилги Март пленуми, мамлакатимизда ирригация ва мелиорация қурилишининг истиқбол планини тасдиқлаган 1966 йилги Май пленумининг қарорлари қишлоқ хўжалиги ва суғориш ишларини ривожлантиришда муҳим босқич бўлди. Бу қарорлардан илҳомланган республикамиз меҳнаткашлари янада жадал суръатлар билан қўриқ ерларни ўзлаштиришга киришдилар. Ўтган йигирма йил ичида Мирзачўл, Қарши, Сурхон-Шеробод, Марказий Фарғона, Жиззах воҳаларида ўнлаб каналлар ва сув омборлари барпо этилди. Чунончи, Жанубий Сурхон, Пачкамар, Каркидон, Андижон сув омборлари, Таллимаржон ҳамда Туямўйин сув омборларининг биринчи навбати Катта Андижон, Катта Наманган каналлари каби йирик ирригация иншоотлари шулар жумласидандир.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг Қарши ҳамда Шеробод чўлларини комплекс ўзлаштириш тўғрисидаги тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ этишда жасорат кўрсатган чўлқуварларнинг меҳнатларини, бунёдкорлик фаолиятларини китоб муаллифи ҳаётий мисоллар асосида ёритиб беради.

Тадқиқотда тўғри кўрсатиб ўтилганидек, ўтган тўққизинчи беш йилликда Ўзбекистонда 511 минг гектар янги ер ўзлаштирилди, у ерларда 50 дан зиёд янги совхоз тузилди, 545 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бундай ишлар, шубҳасиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига, биринчи навбатда пахтачиликнинг жадал ривожланишига катта ёрдам берди. Ўнинчи беш йилликда ҳам республикамизда ирригация-мелиорация тармоқларини янада юксалтириш мақсадида кенг миқёсда қурилиш ишлари олиб борилди. Натижада кўплаб гидротехника иншоотлари, коллектор-дренажлар ва насос станциялари қурилди, ярим миллион гектар ерда сув таъминоти яхшиланди ҳамда янги ерлар ўзлаштирилди.

Қўриқ ерларга сув чиқариш, деҳқончиликни яхшилаш ишларини янада ривожлантириш партиямиз Марказий Комитети маъқуллаган Озиқ-овқат программасини бажаришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу сабабли биргина Ўзбекистоннинг ўзи ўн биринчи беш йилликда сув иншоотлари қурилишига олти миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратди. Бинобарин, бу беш йилликда республика бўйича 485 минг гектар ерни ўзлаштириш учун бир қатор сув омборлари ва каналларини ишга тушириш кўзда тутилган. Китоб муаллифи ана шу масалага ҳам алоҳида тўхталиб ўтади.

Китобнинг иккинчи боби янги ерларни комплекс ўзлаштириш ҳамда суғориш, инженер-техник кадрлар тайёрлаш, социалистик мусобақа, ерга сув чиқариш ва уни деҳқончиликка мослашда ишчилар синфининг роли ҳамда илмий-техника тараққиёти масалаларига бағишланган. Бинобарин, сув хўжалиги учун мутахассис кадрлар тайёрлаш биринчи даражали аҳамиятга молик масаладир. Шу мақсадни кўзлаб СССРнинг турли шаҳарларидаги олий ва махсус билим юртларида сув хўжалиги мутахассислари тайёрланмоқда. Айниқса, қўриқ районлардаги қишлоқ ҳунар-техника билим юртларида бу масалага катта эътибор берилаётир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ҳунар-техника билим юртлари ишини янада такомиллаштириш ва ишчи-техник кадрлар тайёрлашни яхшилаш ҳақидаги қарорлари (1969 йил апрель, 1972 йил июнь) қишлоқ районларида ишчи кадрлар етиштиришни янги босқичга кўтарди. Муаллиф Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги тармоғида кейинги ўн йил ичида 15 та гидромелиорация техникумлари очилганлигини, бу билим

Ёки ёзувчи Иброҳим Раҳим ижодининг етакчи фазилати бўлмиш ўткир ҳозиржавоблик айрим ҳолларда унинг ижодий нуқсонларининг сабабчисига ҳам айланаётганлигини ишонарли таҳлил билан далиллайди.

О. Тоғаев «Чиниқиш сабоқлари» мақоласида атоқли адиб ва шоир Мирмуҳсин ижоди ҳақидаги ўйларини биз билан баҳам кўради. Мирмуҳсин ўз ижодини шеъриятдан бошлади. Танқидчи айтганидек, Мирмуҳсин поэзиясининг лирик қаҳрамони маънавиятида замондошимизнинг фидойилик, партияга, элу юртга, ижтимоий бурчга садоқат ҳис-туйғулари ўзига хос ифодаланган. Ҳаёт манзараларини, одамларни содда ва самимий тасвирлаш услуби Мирмуҳсиннинг энг яхши поэтик асарларига хос фазилатдир. Аммо бунга шоир бирдан эришгани йўқ, албатта. Танқидчи шоирнинг мураккаб изланиш йўллари тўғрисида фикр юритар экан, унинг айрим поэтик асарларида лирик қаҳрамоннинг ички маънавий дунёси етарли очилмаганлигини ҳам тўғри кўрсатади.

Муаллиф Мирмуҳсиннинг назмдан насрга ўтиш йўллари, бунинг ижодий қонуниятлари хусусида ҳам ишонарли мулоҳазалар юритади. Адибнинг халқаро мавзудаги, халқимизнинг ўтмиши ва ҳозирги кундаги бой мазмунли ҳаётини акс эттирувчи романлари, қисса ва ҳикоялари насримиз ривожига қўшилган муносиб ҳисса эканлигини, адиб изланишларидаги муваффақиятлар ва муаммоларни холис, синчков таҳлил орқали кўрсатиб беради.

Китобдан айрим асарларга бағишланган мақолалар ҳам ўрин олган. Шулардан бири «Ҳаёт ҳақиқати ва бадиий маҳорат» деб аталади. Унда ҳозирги кун насримизнинг талантли вакилларидан Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаевнинг романлари таҳлил этилади. Бизнингча, мақолада ҳар икки асарнинг мазмуни, материали бевосита ҳаётнинг ўзи билан тўғри қиёсланган, улардаги ютуқ ва камчиликлар анча равшан кўрсатилган. Автор Ш. Холмирзаевнинг «Сўнгги бекат» романида қўйилган айрим масалаларнинг ғоявий-бадиий талқини юзасидан мунозарага киришади. Айтиш керакки, унинг далил-исботларга асосланган позицияси кишида хайрихоҳлик туғдиради. Бизнингча, «Ҳаёт ҳақиқати ва бадиий маҳорат» мақоласи ҳозирги кун танқидчилигимизнинг энг яхши намуналаридан биридир.

Шу билан бирга «Идрок ва ижод» китобида баҳсли ўринлар ҳам йўқ эмас. Бизнингча, баъзида китоб муаллифи йирик жанрдаги асарларни таҳлил қила туриб кутилмаган, эриш туюладиган хулосалар чиқаради. Масалан, Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романидаги Отақўзи устида фикр юритиб, бир ўринда: «Ижтимоий бурч ва виждон зиддияти юз беради» дейди. Айтиш керак, танқидчи ёзувчининг бу образда мужассамлашган ғоявий концепциясини тўғри илғайди. Жумладан, Отақўзида «ёлғиз ўзим кўкарай» деган фалсафа мавжудлигини, унинг табиатида шуҳратпарастлик иллати ғовлаб кетганлигини, шунинг оқибатида катта ижтимоий мақсад — чўлларни обод қилишдек улуғвор ниятни ҳам ўзининг кўкариши учун восита қилиб олганлигини жуда равшан таҳлил қилади. Бундан кўриниб турибдики, Отақўзининг худбинлиги ва виждон ўртасидаги зиддият ёзувчининг диққат марказида турибди. Отақўзи худбинлигининг ижтимоий бурчга ҳеч бир алоқаси йўқ. Қолаверса, ижтимоий бурчни теран англаб етишнинг ўзи юксак виждонийлик эмасми?!

Шу сирадаги ўринлар жузъий фактлардир, албатта.

Хулоса шуки, таниқли мунаққидимизнинг кўп йиллик илмий-ижодий кузатишлари, мушоҳадалари, ўйларини ўзида жамлаган «Идрок ва ижод» китоби ҳақли равишда салмоқли тадқиқот деб баҳоланишга арзигулик ишдир. У ҳозирги танқидчилигимиз тафаккур савиясининг етуклигидан, актив позициясидан гувоҳлик берувчи китобдир.

Михли САФАРОВ

ўчоқларида кўплаб сув хўжалиги мутахассислари тайёрланганлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатади.

Китобнинг учинчи бобида СССР халқлари интернационал дўстлиги ва қардошлиги сув иншоотлари объектлари қурилиши фонида яхши ёритилган. Масалан, Туркманистондаги В. И. Ленин номли Қорақум канали, Қирғизистондаги Катта Чу канали, Тўхтағул ГЭСи, Ўзбекистондаги йирик суғориш иншоотлари қурилишларида халқларимиз интернационал дўстлиги ва ҳамкорлиги ленинча миллий сиёсатнинг ажойиб тимсолидир. Доҳий нигоҳи тушган Мирзачўлни ўзлаштиришда СССРдаги 75 миллат ва элатларнинг вакиллари иштирок этдилар. Бутуниттифоқ зарбдор қурилиши деб эълон қилинган Қарши чўлини ўзлаштиришда Уралдан насос ва электр асбоблари, Москва, Горький ва Минскдан транспорт воситалари, Сибирдан ёғоч материаллари келтирилди, Киев, Тбилиси ва Ереванлан машинасозлар келиб ишлади. Бугунги Қарши чўли кўп миллатли «Қаршистрой» коллективи томонидангина эмас, балки бутун мамлакат халқларининг қардошларча дўстлиги кўмагида ўзлаштирилди ва ўзлаштирилмоқда. Ўз навбатида ўзбекистонлик чўлқуварлар, ирригатор ва мелиораторларнинг РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасини ўзлаштиришдаги дўстона ёрдамлари ҳам китобда ўз ифодасини топган.

Шунингдек, учинчи бобда Ўрта Осиё республикалари, хусусан Ўзбекистон ССРнинг Осиё ва Африкадаги кам тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар қишлоқ хўжалигини, у билан узвий равишда суғориш — деҳқончиликни яхшилаш ишларини ривожлантиришга кўрсатаётган амалий ёрдами ёрқин мисоллар асосида кўрсатилади. Чунончи Ангола, Эфиопия, Мозамбик, Яман, Сурия, Ироқ, Афғонистон ва бошқа мамлакатларда совет инженер-техник сув мутахассислари билан бирга ўзбек чўлқуварларининг тажрибали вакилларининг ҳам сув иншооти қурилишларида актив қатнашаётганликлари таъкидлаб ўтилади.

Ўзбекистон мисолида ривожланган социализм тантанаси суғориш ишларида ҳам ўз ифодасини топганлиги ва ободонлик истиқболларини акс эттиришга бағишланган мазкур китобнинг нашр этилиши республикамиз қишлоқ хўжалиги ва янги ерларни ўзлаштириш тарихи соҳасига қўшилган муҳим ҳиссадир. Лекин китобнинг қайта нашр этилиши бўйича айрим таклифларимиз ҳам бор. Агар китоб суратлар ҳамда безак материаллари билан тўлдирилиб, марказий архив материаллари билан янада бойитилса, унинг илмий қиммати тағин ҳам ошган бўлар эди. Шунингдек, унда илмий-назарий таҳлилларни кучайтирмоқ ўринлидир. Яна бир истагимиз шуки, китоб ўзбек тилида ҳам оммавий тиражда нашр этилса, фойдадан холи бўлмас эди.

Йўлчи ҚОСИМОВ,

тарих фанлари кандидати,
Наманган давлат пединститутининг
доценти

ДАСТЛАБКИ ШИФОКОРЛАР

ВАҚТ деганн кўз очиб-юмгунча ўтиб кетар экан. Қаранг, бу воқеага ҳам эллик йил бўлиб қолибди. Эсимда ўша кунлар студентлар эрта наҳорда Инқилоб хиёбонига етиб келардилар. «Доктор бўламан» деб ният қилган йигит-қизлар Карл Маркс кўчасига қараб юрардилар. Обод ва шинам бу кўча тўппа-тўғри Медицина институтига олиб борарди. Касалхона Ўрта Осиё Давлат университетининг Медицина факультетига асос солди, 1935 йилдан Тошкент Давлат медицина институти (ТошМИ) деб атала бошлади.

Ўша йилларда медицина факультетини биринчилар қатори тугатган ишчи-деҳқон фарзандлари бармоқ билан санарли даражада оз эди. Медицина фанлари доктори, профессор Акбар Асқаров, Носир Исмоилов, Турсун Нажмиддинов ва бошқалар биринчилар қаторида врачлик мутахассислигини эгаллаган ёшлардан эдилар.

— Зотилжам билан оғриганда,— деб лекциясини бошлайди Носир Исмоилов,— юракка зўр келади. Зотилжамга қарши дори-дармонлар билан бирга юракка мадад берувчи муолажалар ҳам олиб борилиши керак... Юрак бақувват бўлса, у беморни ҳар қандай қийин аҳволдан омон-эсон олиб чиқиб кетади.

Тажрибали рус профессорларидан таълим олган, кейинчалик етук олим бўлиб етишган машҳур профессор Зулфия Умидова институтда ўзи дарс берар, йигит-қизларни тиббиёт сирлари билан ошно қилар эди. Студентлар мулойим профессор Умидованинг лекциясига ошиқардилар. Илм доираси кенг бу олима беморни ширин сўзлар билан даволарди. Профессор даволаган беморлар умрбод касаллик нималигини билишмасди.

Институтни дастлаб битириб чиққан Холиқ Ғофуров, Карим Тоҳиров ва Маҳмуд Шукуровлар қўлига тиғ ушлаган биринчи ўзбек жарроҳларидир. Гўдак «биғ-биғ» йиғлаяпти, типирчилаяпти. Уни кўриш, текшириш қийин. Ёш болалар дардга чидамсиз бўлиб, дарров оғирлашади. 1930—40 йилларда бемор болаларнинг 10 тадан 5—6 таси нобуд бўларди. Профессор Азиз Мақсудов, Илёс Фозилов ўзларини болалар саломатлигига бағишлаган биринчи ўзбек шифокорларидир.

Медицина фанлари докторлари, профессорлар Насриддин Шаматов ва Одил Шокировлар синган-чиққанни даволовчи биринчи ўзбек мутахассислари эди. Ҳозирги кунда уларнинг номлари бутун Иттифоққа маълум ва машҳур.

Юқумли касалликлар бўйича биринчи марта лекция ўқиган шифокор Абдулла Зоҳидовдир. Кейинчалик А. Зоҳидов ва Ғ. Маҳкамовлар гигиена соҳасида медицина фанлари доктори, сўнг профессор лавозимида ишлай бошладилар. Микробиологиядан доцент Абдумалик Ғуломов, Гистологиядан профессор Қурбон Усмонов, фармакологиядан доцент Исоқ Комилов, физиологиядан профессорлар Аброл Содиқов, Абдулла Ҳошимов, Адҳам Юнусовлар лекция ўқирдилар. Кўзига темир парчаси тушган беморга қайта зиё ато этган биринчи ўзбек кўз доктори доцент Турғун Қосимов эди.

Ўша вақтларда энди кўзга ташланаётган ёш олимлар қунт билан ишладилар, ўзларига кўплаб муносиб шогирд тайёрладилар. Медицина фанлари докторлари, профессорлар Г. С. Сулаймонова (Гематология), Ш. Алимов (Физиатрия), Ё. Тўрақулов (Биохимия), Э. Отахонов (Терапия)лар ўз мактабларини яратдилар. Бу олимлар республикада хизмат кўрсатган фан ва техника арбоблари, кафедра, институт ёки клиниканинг раҳбарлари, Ленин ёки Давлат мукофотининг лауреатлари, айни вақтда халқаро анжуманларнинг фаол қатнашчилари ҳамдир. Профессор Г. С. Сулаймонова, масалан, Италия, Мексика, ГДРда ўз соҳаси бўйича қатор докладлар қилди. Чехословакия, Белгия ва Швецарияда бўлган симпозиумларда фаол қатнашди. Профессор Эргаш Отахонов Франция, Токио, Италия, ГДР каби хорижий мамлакатларда бўлиб ҳамкасбларига Ўзбекистон медицинасининг ютуқлари ҳақида лекциялар ўқиди.

Доришунос Мусахон Миразизов шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг бошлиғи эди. Юзидан нур ёғилиб турадиган бу отахон доим «Хурсандчилик кишини ҳаётга руҳлантиради, баданни тетик ва соғлом қилади. Шунинг учун ҳам дили шод кишилар камдан-кам касал бўладилар. Касал бўлсалар ҳам тез фурсатда соғайиб кетадилар», деб таъкидлашни яхши кўрарди.

Касалликдан халос бўлиш бемор билан шифокорнинг биринчи суҳбатидан бошланади. Шунинг учун биринчи учрашув жуда жиддий ва масъулиятлидир...

Ноўрин айтилган бир оғиз сўз, қўпол муомала, юзаки текширув ва шунга ўхшаш бежо муносабат беморни бездиради, у бошқа шифокорни ахтаришга мажбур бўлади.

Ҳикоя қилишларича, бир куни Луқмон ҳакимнинг чаласаводроқ бир шогирди кўчада кетаётса, олдинда бораётган бир қиз дам-бадам «қон» туфлармиш. Чаласавод ҳаким унинг кетидан қорама-қора бораверибди. Қиз уйга кириб кетгач, ҳаким дарвозани тақиллатибди. Ичкаридан бир мўйсафид чиқибди. У ҳакимни танир экан, уйга таклиф қилибди. Гап орасида ношуд ҳаким «Қизингиз бедаво дардга учраганга ўхшайди, олдини олмасангиз охири вой бўлади», дебди. Эшик орқасида турган қиз унинг сўзларини эшитиб қолиб ерга бирданига йиқилибди-да, ҳушидан кетибди. Хуллас, шу бир оғиз сўз оқибатида қиз руҳий дардга гирифтор бўлиб, оламдан ўтибди...

Қизнинг отаси ўша чаласавод ҳакимни бир куни яна учратиб:

— Тақсир, қизим бедаво дардга чалинганини қандай билган эдингиз?— деб сўрабди.

— Қизингиз кўчада кела туриб бот-бот қон туфлаганини кўрган эдим,— дебди ҳаким.

Шунда мўйсафид пешанасига шарт этиб урибди-да:

— Эй аттанг, қизим ўша куни шотут еб эди,— дебди.

Бундан хабар топган Луқмон ҳаким ношуд шогирдини койиб, шундай деган экан:

— Сиз менга ва биздан сўнгги авлодларга унутилмас сабоқ бердингиз. Бир сўз билан соппа-соғ одамни ўлдириб қўйиш мумкин экан.

Орадан йиллар ўтди. Ҳозирги ТошМИ замонавий, қўшқаватли бинога жойлашди. Лабораториялар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Институт клиникасида ёшу-кекса шифокорлар беморлар саломатлиги йўлида хизматга бел боғлаб турибдилар.

Дастлабки ўзбек шифокорларининг рўёбга чиқарган ишлари, ёзган илмий асарлари кишиларимизнинг қалбидан жой олган. Зеро, уларнинг номлари ўлмасдир.

Зикрилла ЭГАМБЕРДИЕВ

БИНОКОР

Бригада бошлиғи Рустам Яҳёевни бошқарма партия комитети бюросига чақириб, бирлашма партия комитетининг навбатдаги йиғилишида унинг ҳисоботи қўйилганлигини айтишди.

— Яхшилаб ҳозирлик кўринг,— деб огоҳлантирди уни секретарь.

Рустам ишдан уйга шу ўй билан қайтди. Кечқурун қоғоз-қалам олиб стулга ўтирди: «Нимадан бошласак экан...» Хаёлида ўтган йиллар тасвири жонланаверди.

...Рустам ўрта мактабни тамомлагач, иккиланиб ўтирмади. Самарқанд химия иншоотлари қурилиш-монтаж бирлашмасига қарашли 3-Қурилиш-монтаж бошқармасига ғишт терувчи бўлиб ишга кирди. Бригада аъзолари софдил кишилар эди. Рустам тез орада улар билан тил топишиб кетди. Унга тажрибали қурувчи Козим Носиров устозлик қилди. Тажрибаси, маҳоратини шогирдидан аямади.

— Дуруст, дуруст,— деди Рустамнинг ҳаракатларини кузатиб Козим ака.— Бора-бора сендан яхши қурувчи етишиб чиқади.

— Тураржойлар, маданий-маиший бинолар қуриш савоб иш-да. Қанчадан-қанча оилалар қувонади, бизлардан миннатдор бўлади,— деди у устозининг гапига жавоб қиларкан.

— Бинокорнинг масъулиятини тушунибсан,— деди Козим ака Рустамнинг елкасига оҳиста қоқиб.— Ҳалол ишлаган одам ҳурмат топади, кам бўлмайди.

Рустамнинг ишлари сокин-аста юришиб кетди. Орадан сал вақт ўтмай у мустақил ишлай бошлади. Шунда у масъулиятни янада чуқур ҳис этди. Бу туйғу уни виждонан, ҳалол ишлашга, коллектив меҳрини қозонишга ундади. Рустам Яҳёев бетон ётқизиш, электр пайвандлаш каби турдош касбларни ҳам ўзлаштириб олишга ҳаракат қилди. Кейинчалик Рустам ҳам янги ишга келган ёшларга ўз ҳунарини ўргата бошлади. Бироқ булар ҳаммаси Рустам Яҳёевни қониқтирмас, қурилишда илғор иш усулларини жорий этиш нияти унга тинчлик бермасди. Айниқса, унн Злобин иш методи қизиқтириб қўйди. Рустам шу масалани бошқарма комсомолларининг умумий йиғилишида кўтариб чиқди. Баъзилар: «Бизда бунга шароит йўқ», дейишса, кўпчилик: «Бошлиқлар жўраст қилсалар, биз тайёрмиз», дейишди.

Уша йиғилишдан сўнг Рустамни бирлашма партия комитетининг секретари ўз ҳузурига чақирди.

— Злобин методини сиз ишлаётган бригададан бошламоқчимиз, ўзингизни эса шу бригадага бошлиқ қилиб тайинлашни лозим топдик, — деди Рустамга жиддий юзланиб.

— Уддалай олармиканман, — деди Рустам бироз ўйланиб.

— Биз, коммунистлар. сизга ёрдам берамиз,— деди секретарь.

Шу-шу йиғитнинг зиммасига бригадага етакчилик қилиш масъулияти юкланди. Бундан тўрт йил олдин бошқармадан Рустамга 35 кишини ажратиб беришди. Ушанда коллективдан атиги беш киши тўрт-беш касбни биларди, холос. Қисқа вақтда бошқалар ҳам турдош касбларни ўзлаштириб олишди.

Изланиш ва тадбиркорлик ўз самарасини берди. Тезда коллектив оёққа туриб, план-топшириқлар орттиғи билан бажарила бошланди. Қурилиб битган ҳар бир объектнинг сифати қабул комиссиясига маъқул бўлар эди.

Рустам Яҳёев бошлиқ бригада аъзолари бир ёқадан бош чиқариб ишлаб, Злобин методининг самарали эканлигини амалда исботладилар. Бу эса бригадирга обрў келтирди. Рустам КПСС аъзолигига қабул қилинди. У бошлиқ бригада эса коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номга сазовор бўлди...

Рустам кўзи қачон илинганини билмайди. Будильник қўнғироғи уни уйғотиб юборди. Соат 5. Ювиндида, фикрини бир жойга тўпларди, яна ёзишга тутинди.

Қилинган ишлар: Боғишамол районида 32 квартирали тураржой биноси, «8 Март» тикувчилик бирлашмаси ишчилари учун 200 ўринли ётоқхона... Коллектив ярим йилдан бери бирлашманинг кўчма вимпелини қўлида сақлаб келаётир. Айни пайтда 1984 йилнинг декабрь ойи ҳисобига ишлашмоқда. Носир Козимов, Жаббор Тўраев, Содиқ Исаев, Рустам Имомқулов сингари зарбдорлар беш йилликнинг тўртинчи йили ҳисобига ишлашмоқда. Қурувчилардан саккиз нафари, жумладан ўзи ҳам Самарқанддаги Қурилиш ва архитектура институтида сиртдан ўқимоқда... У ўтган йили бригадаси 60 минг дона ғишт, 300 кубометр бетон-қоришма ва яна бошқа қурилиш материалларини тежаганлигини мамнуният билан қоғозга туширди. Шу билан бирга у ҳали қурилишда юз бераётган ўзгаришларни кайфиятини, кўп ҳолларда белгиланган объектлар муддатида ишга туширилмай йиллаб кечиктирилаётганлигини, Қурилиш бирлашмасида бундай ҳол тез-тез содир бўлаётганлигини, ҳар қачонгидан кўра ҳозир меҳнат интизоми, тежамкорлик зарурлигини бирма-бир қайд этди...

Партия комитетининг йиғилишида Рустам Яҳёев ана шу камчиликларни рўйрост ошкор қилди. Коммунистлар унинг фикрини қувватладилар. Йиғилишда камчиликларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Адҳам ҲАЙИТОВ,
Нарзулла ФАЙЗИЕВ

Редакция почтасидан

ДАСТХАТЛИ КИТОБЛАР

Дастхатлар ёзиш ёзувчилар ўртасида яқин алоқа ва самимий муносабат воситаси сифатида қадимдан анъанага айланган бўлиб, бу анъана узоқ тарихга эга. Ўзига хос қандайдир сеҳрли кучга молик бундай дастхатлар битилган китоблар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат халқ кутубхонасида ҳам оз эмас. У ёки бу атоқли адиб ёки машҳур олим томонидан дастхатлар ёзиб берилган ноёб нашрлар учун кутубхонада алоҳида фонд бурчаги ташкил қилинган. Библиографлар томонидан ўрганилиб, дастхатли китоблар муаллифлари ҳаёти ва ижодига доир қимматли архив материаллари тўпланганлиги айниқса кишини қувонтирди.

Дастхатли китоблар орасида рус тилига Николай Гаврилович Чернишевский таржима қилган немис олими Т. Веберинг «Умумий тарих» тўпламн ҳам бор. Нашрнинг титул варағида машҳур рус танқидчиси Н. Г Чернишевский қўли билан ёзилган шундай дастхатни ўқиймиз: «Семен Моисеевич Поповга. Н .Чернишевскийдан чуқур ҳурмат юзасидан тақдим этилди».

Улуғ пролетар ёзувчиси Максим Горький ўзи севган китобларидан бирини адиб М. М. Коцюбинскийга ҳадя этган эди. Ундаги дастхат мана бундай деб ёзилган: «Михаил Михайлович Коцюбинскийга чуқур ҳурмат ва самимий муҳаббат юзасидан берилди. М. Горький, Капри, 1910 йил»...

Маълумки машҳур рус шоири Сергей Есенин бир вақтлар Тошкентда бўлиб, адабий жамоатчилик билан яқин алоқа боғлаган эди. У 1921 йилнинг баҳор кунларидан бирида Туркистон халқ кутубхонасида китобхонлар билан учрашади. Уша учрашувдан хотира сифатида ўзининг иккита китобига дастхат ёзиб, знё масканига армуғон қилади. Сергей Есенин китоблари ёнида украин ёзувчиси Иван Ленинг «Тоғ оралиқлари» романи ҳам турибди. Йигирманчи йилларнинг охирида Тошкентда ёзилган бу китобда ёзувчининг кутубхона ходимларига миннатдорчилик билдириб битилган дастхати бор. Белоруссия халқ шоири Якуб Коласнинг дастхатли тўпламлари ҳам эътиборни ўзига тортади. Кутубхона ходимлари ана шу дастхат билан боғлиқ тарихий маълумотларни ҳам тўплаб. уларни архив материалига айлантирмоқдалар.

Кутубхонада буюк поляк шоири Адам Мицкевичнинг дастхатли китоблари билан танишиш мумкин. Булардан бири — «Поэмалар» китоби 1804 йилда, иккинчиси «Мицкевич асарларидан таржималар» тўпламн 1856 йилда чоп этилгандир. Бу нашрлар шоирнинг яқин дўсти, поляк революционери Болеслав Сошинский қўлида кўп вақт сақланиб турди. У Тошкентда ҳам яшайди. Поляк революционерн 1907 йилда Тошкентдан ўз она Ватанига қайтиб кетаётганда ушбу китобларни Туркистон халқ кутубхонасига топширади.

Знё масканида нодир китоб ва қўлёзмалар бўлимида кутубхонага тақдим этилган дастхатли китобларнинг айримлари венгриялик олим ва ёзувчи Аль-Дон Вамбери ижоди билан боғлиқ. А. Вамбери ўзбек шоири Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асарини немис тилига таржима қилади. «Шайбонийнома»нинг бу немисча нашри ҳозир Алишер Навоий номли кутубхонада сақланмоқда. Шунинси эътиборга сазоворки, нодир китобда таржимоннинг дастхати ҳам бор. А. Вамбери китобнинг титул варағига ўзбек тилида мана бундай деб ёзган эди: «Руслар томонидан ташкил этилган Тошкент ўқитувчилар семинарияси кутубхонасига тортиқ».

Кутубхона жавонларидаги дастхатли китобларни кўздан кечиришда давом этамиз. Ҳинд эпоси «Махабхарата» жаҳондаги жуда кўп тилларга таржима қилинган. Бу нодир асарнинг немисча нашри «Наль» деб номланади. Эпосдан парча ҳолида чоп этилган китобчани машҳур немис олими Ф. Воппо таржима қилган эди. Таржимон дастхати битилган китоб нусхаси ҳам кутубхона фондидан ўрин олган.

Ҳозир мазкур кутубхонанинг ноёб меросига айланган яна кўпгина дастхатли китоблар эъзозлаб сақланмоқда. Айниқса, ўзбек совет адабиётининг Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун сингари атоқли шоир ва ёзувчиларининг дастхатли китоблари жавонлардан муносиб ўрин олган. Шунингдек, кутубхонанинг нодир китоблар ҳам қўлёзмалар бўлимида ўзбек, рус ва бошқа қардош халқлар адабиётининг намояндалари билан бир қаторда чет эллик айрим тараққийпарвар сўз санъаткорларининг ҳам дастхатлари битилган китоблар билан танишиш мумкин. Оташин турк шоири Нозим Ҳикмат, ҳинд адиби Субхас Мукержи, африкалик ёзувчи Сембен Усмон ва бошқа адибларнинг китоблари шулар жумласидан. Булар кўпмиллатли совет ва чет эл адабиёти намояндаларининг яқин дўстлиги ҳамда қардошлигини ўзида ёрқин акс эттирувчи кўзгудир. Бу ва шунга ўхшаш бошқа нодир адабиётлар айни бир вақтда Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат халқ кутубхонасида дастхатли китоблардан иборат ноёб колллекция яратилганлигини ҳам кўрсатиб турибди.

Акбар АЛИЕВ

Тўрақўрғон районидаги қуруқ мева етиштиришга ихтисослашган заводда ҳўл меваларни қуритиш яхши ташкил этилган.

А. Жданов фотоси

Ҳақир-тиканак

ИНТИЗОМСИЗЛАР

ИНТЕРМЕДИЯ

Идора бошлиғининг кабинети. Бошлиқ ниманидир ўқиш билан банд. Шокирали ҳовлиқиб киради.

Шокирали. Салом, Қарши Чориевич!

Бошлиқ. **(Бошини кўтариб)** Салом, хизмат?

Шокирали. Бир илтимос билан киргандим. Бугун қайнонамнинг туғилган куни, шунга янгангиз билан боришни мўлжаллаб қўйган эдик.

Бошлиқ. Демак, жавоб сўраб кирдим, денг? Она учун хўп деймизда. Бироқ бундан кейин жавоб сўрашлар эви билан бўлсин. Меҳнат интизомига бўйсуниш ҳамма учун мажбурий.

(Шокирали чиқиб кетади, ҳовлиққанча Латиф киради).

Латиф. Мумкинми, ўртоқ Жовлиев? **(Стулга ўтиради-да, икки қўли билан бошини чангаллайди).**

Бошлиқ. Нима гап, иш вақтида ичиб юрибсизми?

Латиф. **(Хаста овоз билан).** Йўқ, Қарши Чориевич, мен умуман ичмайман ҳам, чекмайман ҳам. Кўнгилсиз воқеа бўлиб қолди. Акамнинг қайноталари оламдан ўтибди. Бугун дафн маросими..

Бошлиқ. Ундай бўлса, рухсат. **(Шу пайт кабинетга шошилиб Бозор киради).**

Бозор. **(Икки қўлини кўксига қўйиб).** Узр ака, койимасангиз, бир дақиқага вақтингизни оламан.

Бошлиқ. Эшитаман?

Бозор. Очиғини айтганда, нима дейишга ҳам тилим бормай турибди. Кичик набирамнинг тоби қочиб қолди, шуни врачга олиб бормоқчи эдим.

Бошлиқ. Билишимча, жавоб сўрамоқчисиз? Набирангизнинг ота-онаси борми?

Бозор. Бор. Лекин уларнинг ишдан қўллари тегмайди. Болаларини врачга олиб боришга ҳам вақтлари йўқ.

Бошлиқ. Сиз-чи, ишламайсизми ёки ишхона сизга бедарвозами? Бўпти. Боринг, набирангизни ота-онасига қўйиб беринг...

(Бозор индамай чиқиб кетади. Бошлиқ маҳаллий комитет раиси Мелини чақиртиради. Мели киради)

Бошлиқ. Одамларга сира тушуна олмай қолдим, булар ишлашадими ёки жавоб сўрашадими? Бундан, ўртоқ маҳаллий комитет раиси, хабарингиз борми?

Мели. Хабардорман, ўртоқ Жовлиев. Бир-иккитаси бор, жавоб сўрашгани-сўрашган. Бу ҳақда гапираверсак чарчадик. Айниқса Бозор дегани... Гап деса қоп-қоп, иш деса баҳона, рўкач. Ишхона ҳисобига югуриш бўлса, бас.

Бошлиқ. Ҳозиргина жавоб сўраб кирувди.

Мели. Жавоб бердингизми?

Бошлиқ. «Набирангизга ота-онаси қарасин. Бўпти, ишхонада меҳнат интизоми бор, бунга амал қилишингиз керак», дедим.

Мели. Ана, шу «бўпти» деганингизни у жавоб берди, деб тушунибди, Қарши Чориевич!

Бошлиқ. Йўғ-е. Наҳотки, шундай тушунса? Йўқ, бундайларнинг танобини тортиб қўйиш керак. Меҳнат интизоми барча учун баравар... Интизомни бузувчиларни ҳеч ким қаноти остига олмайди энди...

Тожибой УНАБОЕВ

Изоҳнинг ҳожати йўқ.

Расмни А. ХОЛИҚОВ чизган

ҲАРОМХЎРЛИК БАЛОСИ

ҲАЖВИЯ

Аввалига: «Бу арзимаган тасодиф шунчалик шов-шув бўлиб кетади», деб сира ҳам ўйламагандим. Озиқ-овқат магазинига кириб кўзга иссиқ кўринган нарсалардан озроқ харид қилдим. Сертакаллуф сотувчи йигит харид қилган нарсаларимнинг пулини чўтга солаётганда, мен ҳам ўзимча хомчўт қила бошладим. Қизиғи шундаки, икки киши бўлганимиз учун, ҳисоб-китобимиз ҳам икки хил чиқиб қолди. Менинг хомчўтим бўйича ҳаражатим ўн тўрт сўму олтмиш тийин бўлгани ҳолда сертакаллуф сотувчининг чўт доналари ўн олти сўму эллик бир тийинни кўрсатиб турар эди.

— Мана, акажон, олган нарсаларингиз арзимасгина пул экан,— деди у жилмайиб. Кейин қўшиб қўйди:

— Магазинимизга шунақа келиб туринг.

— Биродар, мабодо пулини сал ошириб юбормадиларми? — аста сўрадим ундан.

— Э, э, нималар деяпсиз, акажон, бу арзимас нарса-ку, от билан туямиди, мана ҳисоб-китоб кўрсатиб турибди,— дея чўтга ишора қилди.

— Чўт доналарини кўриб турибман. Олган нарсаларим ўн тўрт сўму олтмиш тийиндан ошмаяпти. Сиз менимча бир сўму тўқсон бир тийин ортиқча олдингиз.

— Ортиқча?!

— Ҳа, ортиқча олдингиз,— қўшилишди бошқа харидорлар ҳам. Улардан бири жамоатчи назоратчи экан. Дарҳол акт тузиб, ҳаммамизга қўл қўйдириб олди. Мен қайтимни олиб уйга жўнадим. Нарсаларни хотинга ҳали топшириб улгурмаган ҳам эдимки, телефон жиринглаб қолди.

— Алло, ҳа, Қодирхўжаевман, ким бу?

— Мен Сардоровман. Ҳалиги сиз бўлган озиқ-овқат магазинининг мудириман. Боласи тушмагур Шукурали ҳалигидай билмасдан, денг, ўзларининг ҳаққи-ҳалол сармояларидан бироз чегириб қолиб, бизни ҳам, ўзини ҳам хижолат чектириб қўйди. Шу, иложи бўлса ҳалиги акт-пактни терговга оширмасалар.

«Тавба, сира совутмай қўнғироқ қилишади-я». Ечиниб энди овқатга қўл уришимни биламан, яна телефон жирингги.

— Алло, ўртоқ Қодирхўжаев, бу ўзингизми? Раҳмат, ака, хизирни йўқласак бўларкан. Боягина сизни эслаб ўтиргандим. Хайрият, бор экансиз. Мен шаҳар савдо бўлимидан, бош товаровед Тиркашевман.

— Хўш, хизмат, ўртоқ Тиркашев?

— Боя магазин мудири Сардоров ҳам оромингизни бузиб безовта қилган эканлар. Бирор аниқроқ жавоб айтмаганларми, ўзим бир гаплашай дедим-да, акажон.

— Яхши, биродар. Мен гаплашиб кўраман, лекин актга етти киши қўл қўйган,— дедим.

Эрталаб нонуштага ўтиришимни биламан, яна телефон.

— Салом бердик, ўртоқ Қодирхўжаев. Мен Полвоновман, савдо бўлими мудири.

— Эшитаман, ўртоқ Полвонов.

— Шу денг, келиб-келиб бизни жиян тушмагур сизнинг қўлингизга тушибди-да. Иложи бўлса бир қошиқ қонидан кечсалар. Ўзингиздан қолар гап йўқ. Еш, келажаги бор йигит.

— Тушунарли. Яхши,— дедим қисқа қилиб.

Идорага келсам, қабулхонада кечаги сотувчи ва тўртта норғул йигит ўтиришибди. Аввалига улар ҳозир менга ташланишиб, пўстагимни қоқишиб қўйишса керак деб, юрагим шиғ этди. Йўқ, йигитлар бараварига одоб билан туришиб, қўлларини кўксига қўйиб саломлашишди. «Хайрият» деб хонага кирдим. Улар ҳам киришди.

— Бир умр хизматингизда бўлайлик, акажон,— дейишди улар илтижо билан.

— Қанақа хизмат, кимсизлар ўзи?— ҳайрон бўлдим.

— Бизлар манави мусичайи беозорнинг оғайниларимиз. Қирқ жўра номидан элчи бўлиб келдик. Акамиз бўлинг, гуноҳидан ўтинг, энди.

— Менга бари бир, укажонлар, аммо акт халқ контроли комитети ёки терговга оширилган бўлса керак.

Ғ. АЛИМОВ чизган расм

— Йўқ, йўқ, акажон, илтимос, сира у ерларга ошира кўрманг, бу бечоранинг хонимони куйиб кетади-я. Яхшиси ўтириб гаплашайлик. Ахир ҳаммамиз ҳам иссиқ жонмиз...

Уларни бир илож қилиб ишонтириб жўнатдим. Сал фурсат ўтар-ўтмас, савдо бошқармасидан кўнғироқ қилишди. Овозидан танимадим, бироқ мақсади тушунарли эди.

— Арзимас илтимос бор экан, шу, кечаги сотувчи йигит, катта холамнинг марҳум эрларининг узоқроқ қариндошларидан экан. Бир оғиз гапингиз, акажон. Агар сиз хўп десангиз бўлгани. Бошқаларнинг иложи топилади.

Тушликка яқин қайсидир ташкилотдан яна қўнғироқ қилишди.

— Оғайни, бу дунё — қайтар дунё, бирор кун бизга ҳам ишингиз тушиб қолар. Қарздор бўлиб қолмасмиз. Илтимос...

Кўп ўтмай хотиним қўнғироқ қилди. Ҳар куни: «Овқатга келинг», дейдиган хотиним негадир бугун: «тушликка келманг», деяпти.

— Нима гап ўзи, тинчликми?

— Уй тўла хотин,— деди у овозини пасайтириб.

— Нима, яна қариндошларинг келишдими?— сўрадим шошиб.

— Йўқ, кеча сиз кирган магазин сотувчисининг онаси, хотини, опасингиллари. «Нима бўлса ҳам эрингизни кўндиринг, айланай», деб ўтиришибди.

— Нима?!

— Ҳа, шундай, хўжайин, келинг, ҳалиги қоғоз савилни шартта йиртиб юбора қолинг. Бўлмаса, на уйда, на ишда тинчлик бўлади...

Мен ўтириб қолдим. Қон босимим ҳам ошиб кетган бўлса керак. Эй, расво инсон, бировнинг ҳаққини емай тўғри ишласанг ўласанми, дедим ичимда. Ҳаромхўрлик ҳаммани ташвишга қўяди!

Жўра УМАРҚУЛОВ

БЕДАПОЯГА ТУШГАН ЮЛДУЗ

Ўтган йили ёзда Ставрополь атрофидаги Рагули қишлоғида истиқомат қилаётган Владимирникига Нефтекумск шаҳридан унинг акаси, милиция лейтенанти Александр Григорьевич Шилкин меҳмон бўлиб келди.

Владимир Григорьевич шу ердаги «Путь Ленина» колхозида ветеринар фельдшер бўлиб ишлайди. Шунинг учун у, одатдагидек, эрта тонгда ишга ҳозирланарди. Акаси Александр ҳам ирғиб ўрнидан туриб кийинаверди. Гарчи, у отпускада бўлса ҳам ҳар куни тонг саҳарда туриб ўрганиб қолган-ди.

— Сен билан бирга юраман, Володя,— деди у укасига.— Ишлайдиган жойларингни, ҳар куни юрадиган йўлларингни менга кўрсатасан.

Ака-ука биргаликда фермаларда, отарларда бўлдилар. У ер-бу ерда озгина тутилиб қолдилару тушга яқин уйга шошилдилар. Улар йўлни яқин қилиш учун йўғричқаси ўриб олинган бедапоядан кета бошладилар.

— Ановини қара,— деди ногаҳон Александр.— Ғалати бир тош ётипти-я. Уни бу ердан олиб ташлаш керак, бўлмаса сал кундан кейин ўримга халақит беради.

Владимир яқинроқ бориб, тошни оёғи билан суриб ташламоқчи бўлди-да, бенхтиёр кучаниб, юзи буришиб кетди: кўринишда кичкинроқ кўринган тош анча вазмин эди!

Ҳайрон бўлган ака-укалар ғалати тошга қизиқиб қолдилар. Биргаликда ағдариб, у ёқ-бу ёғини томоша қилдилар. Тошнинг атрофи бамисоли қуювдан чиққандек сип-силлиқ. Синчиклаб қаралса, тошга ҳам ўхшамайди, худди металл парчасини эслатади, айрим жойларига занг ўтирибди. Яна бунинг устига ўти ўриб олинган йўғричқа чўкиртаклари устида ётибди. Ўрим бундан бир ҳафталар олдин ўтказилувди. Демак, тош бу ерда кеча ёки ўтган куни пайдо бўлган...

— Қаёқдан келиб қолдийкин-а!— дея ҳайратланди Александр.— Худди, осмондан тушди, дегандек...

— Шошмай тур,— дея ҳушёр тортди Владимир.— Ростдан ҳам осмондан тушган бўлса-чи! Балки метеоритдир!

Топилманн ака-ука уйга келтирдилар. Нима қилиш ҳақида маслаҳатлашдилар-да, Москвага — Метеоритлар комитетига мактуб юбордилар. Тез кунда у ердан, бироита парчасини юборинглар, деган жавоб хати келди. Болға ва чўкич билан бир амаллаб парча синдирдилар-да, Москвага юбордилар.

Пойтахтдан жавоб келмади. Жавоб хати ўрнига атрофи чўл-яйловдан иборат узоқ қишлоққа Москвадан комитет илмий ходими Р. Л. Хотинок самолётда учиб келди.

— Топган нарсамизни кўрган пайтдаги бахтиёр ҳолатини кўрсангиз эди,— дея кулиб ҳикоя қилади Владимир Григорьевич.— Умрим бино бўлиб бунчалик хурсанд бўлган одамни кўрган эмасман!

Бахтиёр бўлишга арзийди-да: ўн икки килограммдан зиёдроқ космик «меҳмон»га эга бўлиш ҳазилакам гапми! Олимлар учун жуда катта совға бу! Метеоритга «Кўркам» деган ном берилди. Ойдан олиб келинган тупроқни мустасно этганда, фазодан тушган ва илмий лабораторияларда тадқиқ этиш мумкин бўлган метеоритлар ғоят кам учрайдиган ноёб топилмадир. Улар Галактиканинг жуда кўп сирларини ўзларида сақлайдилар...

СССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик В. А. Котельников метеорит топганлари ва уни СССР Фанлар академиясига топширганлари [бундай қилиш ҳар бир кишининг гражданлик бурчи албатта!] учун ака-ука Шилкинларни Метеоритлар комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотладилар.



Суратда: «Кўркам» метеорити.

Е. Малинкин фотоси («Вокруг света»дан)

АДАБИЙ КРОССВОРД



1. Қозоқ совет ёзувчиси. 2. Дурбек достони қаҳрамони. 3. «Она» романидаги персонажлардан бири. 4. Шоир Хўжандий асари. 5. Форс-тожик классик шоири. 6. «Муқанна» тарихий драмаси персонажи. 7. «Зулм» трилогияси муаллифи. 8. А. Чехов комедияси. 9. Уйғуннинг «Ҳуррият» драмаси персонажи. 10. Ўрта Осиё ўтмишидаги қаҳрамон аёл ҳақидаги афсона. 11. А. Чаковский романи. 12. Алишер Навоий «Хамса»сидаги қаҳрамонлардан бири. 13. Озарбойжон маърифатпарвар ёзувчиси. 14. Улуғ рус ёзувчиси. 15. Қорақалпоғистонда нашр этиладиган журнал. 16. М. Горькийнинг ишчилар ҳаётига бағишланган романининг қаҳрамони. 17. Шеърий жанр. 18. Рабиндранат Тагор романи. 19. Болғар ёзувчиси. 20. Удмурт совет ёзувчиси. 21. «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достонининг қаҳрамони. 22. Ғафур Ғулом шеъри. 23. Ўзбек классик шоираси. 24. Иззат Султоннинг «Имон» драмаси қаҳрамони. 25. Рус совет ёзувчиси. 26. Ўзбек халқ баҳшиси. 27. Атоқли совет драматурги. 28. Ш. Рашидовнинг «Қудратли тўлқин» романи қаҳрамони. 29. Ўзбекистон халқ ёзувчиси. 30. Тақлидий ёзилган ҳажвий ўхшатма. 31. Ўзбек халқ достони. 32. Н. Гоголь комедияси. 33. Ўзбек халқ эртаги. 34. «Иркутск воқеаси» пьесаси муаллифи. 35. Норвег драматурги. 36. «Ёш гвардия» романи қаҳрамони.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

5-СОНДА БОСИЛГАН «УСИМЛИКЛАР» ЧАЙНКРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

1. Сада. 2. Арпабодиён. 3. Номозшомгул. 4. Лавлаги. 5. Исмалоқ. 6. Қўзиқорин. 7. Нок. 8. Кунгабоқар. 9. Райҳон. 10. Наъматак. 11. Кунжут. 12. Терак. 13. Кишмиш. 14. Шотут. 15. Тоғолча. 16. Ажриқ. 17. Қўноқ. 18. Қовун. 19. Наботот. 20. Ток. 21. Кўксултон. 22. Нилуфар. 23. Рўзак. 24. Кўкча. 25. Андиз. 26. Заранг. 27. Гултожихўроз. 28. Зиғир. 29. Редиска. 30. Анор. 31. Резавор. 32. Розмарин. 33. Нўхат. 34. Тоифи. 35. Исириқ. 36. Қайрағоч. 37. Чилонжийда. 38. Арча. 39. Ананас.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Муҳаммад Мусо ал-ХОРАЗМИЙ. Бу асарни улуғ алломанинг 1200 йиллик юбилейи муносабати билан Ўзбекистон ССР халқ рассоми Қутлуғ БАШАРОВ ишлаган.

Тўртинчи бет: Икки дугона: хонандалар Матлуба Дадабоева билан Маҳбуба Ҳасанова ижро этадиган қўшиқларда ёшликнинг покиза туйғулари, баҳорнинг ажиб сеҳру тароватн куйланади.

Н. ШАРИПОВ фотоси

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар Азимов, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Маҳмуд МЎЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ (масъул секретарь), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ, Ислиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ

«Гулистон» ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке].

Адресимиз: 700000, Тошкент —П., Ленин кўчаси, 41,

Редакция телефонлари: бош редактор —333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь —325833; ижтимоий-сиёсий бўлим —333602; адабиёт ва санъат бўлими —333659; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими —325832.

Босмахонага туширилди 17.03.1983 й. Босишга рухсат этилди 19.05.1983 й. Р — 07212. Қоғоз формати 70×108 1/16. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5.6. Нашр ҳисоб тобоги 7,80. Тиражи 246130. Буюртма 636. Нашр Б — 114.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000. Тошкент ГСП. «Правда Востока» кўчаси, 26.

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Яхши кайфият.

— Мен эса бантингингни тузатиб қўяман.

Н. Шарипов фотолари

ISSN 0134–2207
Баҳоси 35 тийин
Индекс 75233.